

457

Үттөз түккизинчүй иш чиқиши  
Сафар 1446х  
Сентябр 2024м



# Ал-Ваън

Кенг күламли,  
фикарий, сақоғий журнал

Ал-Ваън сүзи

## Уммат Ҳизб ут-Таҳрир етакчилигидә ўзгариш ёқасида

Фарб Халифаликка  
қарши кураш билан  
унинг барпо бўлиши-  
ни тан олиш ўр-  
тасида

49

Ҳарбий доктринада...  
мусулмон армияларнинг  
Ғазога ёрдам кўрсати-  
шига нима тўқсинглик  
қиласи? (2)

Ғазо аҳлига нусрат бе-  
риш учун Ислом Уммати  
уламоларига  
мурожаат

457

63

Эрдоган: биз Асад билан  
учрашув ташкил қиляпмиз ва  
тариҳий чақирувимиз қўллаб-  
қувватланишини интиқлик билан  
кутапмиз

87

Ғазога қарши уруш  
Фарб мафкураси-  
нинг ҳақиқатини,  
Фарб давлатлари  
қандай сиёsat  
олиб боришини  
фош  
қилмоқда!!

88



457

Ўттиз тўққизинчи  
йил чиқиши  
Сафар 1446ҳ  
Сентябр 2024м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

## Чибӯ сонга

- **Ал-Ваъй сўзи:** Уммат Ҳизб ут-Таҳрир етакчилигидаги ўзгариш ёқасида ..... 3
- Ҳарбий доктринада... мусулмон армияларнинг Ғазога ёрдам кўрсатишига нима тўсқинлик қиласи? (2)..... 13
- Ғазога қарши уруш Ғарб мағкурасининг ҳақиқатини, Ғарб давлатлари қандай сиёsat олиб боришини фош қилмоқда!! ..... 34
- Ғарб Халифаликка қарши кураш билан унинг барпо бўлишини тан олиш ўртасида ..... 49
- Ғазо аҳлига нусрат бериш учун Ислом Уммати уламоларига мурожаат ..... 63
- **Оlam мусулмонлари хабарлари**.... 70
- **Қуръони Карим сұхбатида** ..... 75
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Робиъ ибн Зиёд Ҳорисий ..... 82
- **Сўнгги сўз:** Эрдоган: биз Асад билан учрашув ташкил қиляпмиз ва тарихий чақирувимиз қўллаб-қувватланишини интиқлик билан кутяпмиз ..... 87
- Үлдириш таҳдидлари ва ҳақоратлар... Франция олимпиаданинг «очилиш ташкилотчилари» дуч келаётган масала юзасидан тергов бошлади..... 88



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## УММАТ ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР ЕТАКЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШ ЁҚАСИДА

Муҳандис Абдуллоҳ Салоҳий  
Яман вилояти

Бугунги кунда мусулмонлар бошдан кечираётган хорлик ҳамда уларни қамраб олган қийин вазият ва оғир ҳолатлар барчага аён бўлиб қолди. Булар душманинг макр-ҳийла ва мусулмон юртларига ҳукмронлик қилишида ўз аксини топади. Шу билан бирга, буни мусулмонларнинг аҳволида ва уларнинг аксар жамиятларининг Ислом таълимидан узоқлашиб кетганлигида ҳамда Аллоҳ Субҳанаҳунинг шариати четлатилиб, у билан ҳукм юритиш ва ундан ҳукм сўраш рад этилганида кўриш мумкин.

Мусулмонлар бугун тарихларининг энг зулматли даврларидан бирини бошдан кечирмоқдалар. Бунга сабаб, улар қудратдан заифликка, етакчилик ва йўлбошчиликдан қарамлик ва хорликка қуладилар. Мусулмонларнинг бугунги аҳволи ҳақида фикр юритган киши заифлик аломатларини яққол кўради ҳамда барча мусулмонларнинг турли ҳаётий соҳаларда Исломнинг асл моҳиятидан узоқлашганини аниқ хис қиласи.

### Эй мусулмонлар!

Ислом Умматининг тарихини кузатиб, олтин саҳифаларини диққат билан ўқиган инсон ҳайратга тушмай иложи йўқ. Ёрқин шон-шарафли зотларнинг ушбу нурли саҳифалари Исломга итоатгўйлик, Қуръон билан хулқланиш, охиратга талпиниш, дуёдан ўзини олиб қочиш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва Аллоҳнинг динини ёйиб, барча инсонларни Аллоҳ уларга икром этган ушбу дин бағрига етаклашга ташналиқ каби позицияларга бой эканига гувоҳ бўлиб, ҳайратдан ёқа ушлайди.

### Эй мусулмонлар!

Биз бутун ер юзида мусулмонлар қирғин қилинаётган, юртларидан қувилаётган, номуслари топталаётган ва бойликлари талон-торож этилаётган буғунги аянчли вазиятда бўлсак-да, қалбимизга мағлубият ўрнашиб олмаслиги керак. Чунки биз Аллоҳ Азза ва Жалланинг

﴿وَتُرِيدُ أَن تَمْنَعَ عَلَى الَّذِينَ أَسْتُضْعِفُوا فِي الْأَرْضِ وَنَجْعَلُهُمْ أَبْيَةً وَنَجْعَلُهُمُ الْوَرَثِينَ﴾

«Биз ер юзида хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хор-бечораликдан чиқариб, барчага) пешво зотларга айлантиришни ва уларни ворислар қилишни истаймиз» [Қасос 5]

деган каломини аниқ билган Умматмиз.

Шунингдек, Аллоҳ Азза ва Жалланинг ушбу каломини ҳам жуда яхши билган Умматмиз:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخَلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِيَنَهُمُ الَّذِي أُرْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَسِيقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (ахволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир» [Нур 55]

Аллоҳ Таолонинг ушбу каломини ҳам биламиз:

﴿إِنَّا لَنَصْرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَدُ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» [Фоғир 51]

Эй Аллоҳнинг бандалари!

Мусулмонларнинг душманлари куч-қудратли ва мусулмонлар устидан ҳукмрондир. Улар ботил ва куфра бўла туриб, такаббур ва димоғдордир. Биз Ислом Уммати ҳақ ва ҳидоят Уммати бўлишимизга қарамай, хор ва заифмиз.

Аслида, куч-қудрат ва нусратга биз ҳақлимиз. Чунки оқибат тақводорларники, нусрат мўминларницидир. Аниқ ишонамизки, либераллар, илмонийлар, динсизлар ва Роббул оламин шариатининг татбиқ қилинишини ёмон кўрувчилар ҳаргиз ғолиблик таъмини totishmайди. Чунки Аллоҳ Таоло шу ҳақда айтган ва Росулуллоҳ ﷺ шуни хабар қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُرِيدُونَ أَنْ يُظْفِعُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَنْ يُتَمَّمَ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحُقْقِ لِيُظْهِرُهُ عَلَى الظَّيْنِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾  
«Улар Аллоҳнинг нурини оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлишади. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламаса-да, фақат ўз нурини тўла (ҳар тарафга) ёйишни истайди» [Тавба 32-33]

Ислом қуёшга ўхшайди, агар бир томонга ботса, бошқа томондан чиқади, яъни чиқишдан тўхтамайди. Росулуллоҳ марҳамат қилганлар:

﴿لَيَلْعَنَ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ الْيَنِّيْلَ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَسْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرِ وَلَا وَبَرٍ إِلَّا دَخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الَّذِيَنَ يَعْرِيْزُونَ أَوْ يَذْلِلُ ذَلِيلٍ، عِزًّا يُعَزِّرُ اللَّهُ دِينُ الْإِسْلَامِ، وَذُلًّا يُذَلِّلُ بِهِ الْكُفُرُ﴾  
«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қиласди. Хорликки, у билан Аллоҳ куфрни хор қиласди».

Нусрат кечикиши мумкин. Чунки Уммат ҳали Аллоҳ ва унинг даъватига бутунлай ўзини баҳш этгани йўқ. Кечикиши мумкин, чунки мұҳит ҳақни, эзгуликни ва адолатни кутиб олишга ҳали яроқли әмас. Нусрат нафслар унинг истиқболига чиқиб, сақлаб қолишга тайёр бўлгунга қадар кечикиши мумкин. Бироқ Аллоҳ ваъдаси албатта келади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾  
«(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ ўз ваъдасига хилоф қилас. Лекин кўп одамлар (буни) билмайдилар» [Рум 6]

Аллоҳ бизни сафни бирлаштиришга, туб ўзгартириш ва ўзининг шариатини татбиқ этиш учун тиришиб ҳаракат қилишга буюрди. Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿وَأَطِيعُوا أَلَّهَ وَرَسُولُهُ وَلَا تَنْزَهُوا فَتَقْشِلُوا وَتَذَهَّبَ رِيحُكُمْ وَاصْبِرُوا إِنَّ اللَّهَ مَعَ﴾

الصَّابِرِينَ

«**Ва Аллоҳ ҳамда Унинг пайғамбарига итоат қилингиз ва (ўзаро) низолашмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир»** [Анфор 46]

Ушбу ояти каримада Роббимиз бизни низолашиш ва бўлинишдан қайтармоқда, чунки бу заифлигимизга сабаб бўлади. Душманимиз устидан ғолиб бўлишимиз учун эса бирлашиб, дилларимизни улфат қилишимиз керак. Шу боис бўгун Ислом Уммати сафни бирлаштириш ва ҳукмдорларни ўзгартиришга ҳаракат қилишга жуда муҳтож. Чунки шу ҳукмдорлар бўлмаса, Умматга на яҳудийлар, на бошқалардан бирортаси ҳам ҳукмронлик қилолмасди. Уммат ўз сафини ростлаб, бирлашиши даркор. Чунки бирлик нусратнинг иттифоқчисидир. Ҳукмдорларни ўзгартириш Умматни даъват қилиб, онгини очиб, ўтган буюклари ва ягона давлатларини эслатилмагунча амалга ошмайди. Зоро, нусрат воқеликни туб ўзгартириш билан чамбарчас боғлиқдир. Воқеликда эса, Умматга унинг ҳукмдорлари, тоғутлари ва ёмонлик уламоларидан қаттиқ азоб-уқубатлар келяпти, уларнинг барчаси Умматни алдаш ва Роббул оламин яратган фитратидан уни айриш учун бор кучларини сарфлашяпти. Ёмонлик уламолари ҳукмдорларнинг истак-майлига мос бўлган, Умматнинг шарафи ва құдрати ҳисобига халқларини эзиш ва яҳудийларни дўст тутишга рухсат берадиган фатволар чиқаришяпти. Улар Умматнинг ғафлатдан кўзини очиб уйғонишига ва Халифалик борасидаги шаръий ҳаққи ва бурчини танишига қарши курашда ҳукмдорлар ёнида турибди. Шунингдек, улар Умматнинг битта уммат ва давлат бўлишига қарши курашда ҳукмдорлар ёнида туришибди. Давлатки, унинг арабу ажам, қораю оқ танли, каттаю кичик, раҳбару фуқародан иборат фуқаролари унинг бағрида ва унинг шариати соясида яхлит бўлиб яшайдилар.

Биз мусулмонмиз, умидсизликка тушмаслигимиз керак. Аксинча, биз аламли ва маҳзун ҳолатимизни ўзгартиришга жиддий ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ушбу ўзгариш ақидамиз, принципларимиз ҳамда Аллоҳнинг ваъдасига ва мўминларга нусрат беришига бўлган чин иймонимиздан келиб чиқмоғи лозим. Уммат ўз елкасидаги малай ва мунофиқлардан қутулиш учун ўзгаришга ўта мұхтож. Ғазо аҳли ўз қатъияти ва сабр-бардошлари билан нусратга етишишга умид албатта мавжудлигини очиқ кўрсатиб бердилар. Шубҳасиз, нусрат ҳолатимиз Ислом шариати асосида тубдан ўзгартирилиб, жамиятимиз шу асосда ислоҳ қилинсагина келади.

Уммат учун туб ўзгариш ғарб ўзининг тубан демократияси билан тарғиб қилаётган ўзгаришни англатмайди. Аксинча, у Ислом шариатига асосланган ва золим малай ҳукуматларни ағдарадиган ўзгариш бўлиб, унда ер юзидаги заифҳолбечора мусулмонлар ҳимоя қилинади. Биз улар ҳақида қиёматда Аллоҳ олдида жавобгармиз. Аллоҳ Таоло

﴿وَقُفُوْهُمْ إِنَّهُم مَسْعُولُونَ﴾

**«Уларни тўхтатинглар, улар жавобгардирлар»** [Соффат 24] деган. Ахир, ғазодаги биродарларимизнинг жуда аламли воқеликни бошдан кечираётгандарни ва яҳудийларнинг уларга итдек ташланишаётгани ушбу ўзгаришга ва золимлар тахтини остин-устун қилишга чақириқ эмасми?! Ғазога қилинган бу адоватлар ниқобларни тушириб, асл башараларни фош этиб бўлди. Энди ҳеч кимда – ҳукмдору фуқарода – дунёда, айниқса мусулмон юртларда вазият жуда қалтислигини ва ўзгариш муқаррарлигини тушунмаслигига, жавобгарликни зиммасига олиб, барча билан ҳамкорликда туб ўзгаришни амалга оширишга ҳисса қўшмаслигига ҳеч қандай узр қолмади. Ҳисса қўшишгина эмас, бунга шошилиш керак. Бу шундай ўзгаришки, емирилиш оқимини тўхтатади ҳамда мусулмон юртларини хавфли вазиятдан ва ботил йўл билан ўзини ҳурмат қилишга мажбурлаган кишиларгина ҳурмат қилинаётган бу дунёдаги қоронғи келажакдан қутқаради.

Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни қайта барпо этишдаги асосий омил ва бошланғич нуқта бу туб ўзгариш ясашдир. Зоро, ушбу Халифалик ўз дини ва

муқаддас нарсаларига ғаюр бўлган ҳар бир мусулмон интилаётган ҳақиқатдир.

Уммат ёшларидан ҳар бирининг лойиҳаси ва ягона ташвиши Халифаликни қайтариш бўлиши лозим. Уни қайтариш Ислом ва Уммат тақдирига қайғурадиган, кофирлар исташмаса ҳам ушбу динни ғолиб қилишга интиладиган, дин душманларини ҳаловатини бузадиган ва уларни мусулмонларга макр қилишдан қўлини тийиб қўядиган ҳар бир ғаюр мусулмон миясида жойлашган талаб бўлиши керак.

Шу нуқтаи назардан, Ал-Жазира нет сайтида нашр қилинган бир матнни келтирамиз: «Тортиб олинган Халифаликни қайтариш» масаласи замонавий исломий ҳаракатларни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бирига айланди. Дарҳақиқат, Усмоний давлатнинг ёки Усмоний Халифаликнинг ағдарилиши йирик халқаро исломий ҳаракатларнинг пайдо бўлишига туртки бўлган кучли ва бевосита сабаблардан бири бўлди. Масалан, Мисрда чиққан Ихвонул Муслимин жамоаси, Ҳиндистонда чиққан Таблиғ ва жамоати Исломий, Туркияда чиққан Нур жамоаси ва бўлардан кейин пайдо бўлиб, Халифалик масаласига ихтисосланган ва уни ўзининг асосий ташвиши ва доимий фаолиятига айлантирган Ҳизб ут-Таҳрир жамоаси каби». (Ал-Жазира нет).

Ҳизб ут-Таҳрир ўзининг фикри, манҳажи ва ақидаси билан ягона. У Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликнинг муқаррарлигига қатъий ишонади. Зотан, унинг барпо бўлиши Аллоҳ Таоло ваъда қилганидек, муқаррардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ظَاهَرُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَحْلِفُنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَحْلَفُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيَسْكُنَنَّ لَهُمْ دِيْنَهُمُ الَّذِي أَرْتَضَى لَهُمْ وَلَيَبْدُلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْفِهِمْ أَمَّا  
يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволларини)

*хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир»*

[Нур 55]

Бу ҳақда Росууллоҳ ﷺ ҳам бундай деганлар:

«**تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعُهَا.** ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِمًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَزِيرَةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَتَ».

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ ҳоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ ҳоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади ва у Аллоҳ ҳоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи ҳоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ ҳоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи ҳоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ ҳоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи ҳоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». (Имом Аҳмад ривояти).

Ислом Уммати ўз динининг нусрати йўлида катта қурбонликлар берди ва ҳамон қурбонликлар беришда давом этмоқда. Исломни ҳаётга қайтариш масаласини бир нечта мусулмон юртларда ўзининг ҳаёт-мамот масаласи қилиб олди. Фаластин, Ироқ, Шом, Жазоир, Миср, Кашмир ва бошқа юртларимиздаги манзаралар Уммат Исломнинг ғолиб бўлиши ва Аллоҳнинг калимасини олий қилиш йўлида ҳатто жонини беришга ҳам тайёр эканини кўрсатмоқда.

Хизб ут-Таҳрир ўз лойиҳасини тақдим этди, қурбонликлар берди. Унинг аъзолари ҳам Ислом Умматининг уйғониш лойиҳаси сифатида Исломни Халифалик давлати орқали ҳокимиятга олиб келишни аллақачон ўзларининг ҳаёт-мамот

масаласи қилиб олганлар... Дарҳақиқат, Ҳизбнинг кўплаб аъзолари Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик лойиҳасига даъват қилиш йўлида қувғинга учрадилар, қамоққа олиндилар, қийноқларга солиндилар ва қатл қилиндилар... Уларнинг жиддий ҳаракатлари, қурбонликлари ва сабр-бардошлари билан ушбу лойиҳа амалга ошиш бўсағасида турибди, бунга лойиҳа аҳли ҳам, бошқалар ҳам гувоҳ...

### Эй нусрат аҳли!

Энди сиз, динингизга нусрат беришни ҳаёт-мамот масаласи қилиб олишингиз қолди. Шу ўринда сизга иккинчи Ақаба байъатини ва у ерда Росууллоҳ ﷺ билан ансорлар ўртасида бўлиб ўтган ишни эслатмоқчимиз. Ўшанда ансорлар «ё Росууллоҳ, биз сизга улуғ боболаримиздан мерос олган уруш фарзандлари ва жанггоҳ аҳли ҳолимизда байъат қиласиз», дейишди. Росууллоҳ ﷺнинг уларга айтган сўzlари орасида

«بَلْ الدَّمُ الدَّمُ وَاهْدَمَ اهْدَمْ، أَنَا مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ مِنْ أَحَارِبٍ مِنْ حَارِبْشُمْ وَأَسَالُمْ مِنْ سَالَمْتُمْ»

«Қонга қон, жонга жон. Мен сизларданман, сизлар ҳам мендансиз. Ким билан уришсангиз, мен ҳам у билан уришаман. Ким билан тинчлик ўрнатсангиз, у билан тинчлик ўрнатаман», деган сўzlари келган.

### Эй куч-қудрат аҳли!

Росууллоҳ ﷺ бундай деганлар:

«لَا طَاعَةٌ لِّمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ»

«Холиққа итоатсизлик (бўладиган иш)да бандасига итоат қилинмайди».

### Эй қўмондонлар, эй озод аскарлар!

Қани виждонингизни ҳамда Ислом ва мусулмонларга бўлган ғайратингизни қўзғайдиган иймонингиз? Ғазода ва бошқа ерларда биродарларингиз ҳалок бўлаётганини ва номуслари топталаётганини кўрмаяпсизми?! Сизда Мўътасимнинг журъати йўқми?! Шармандали воқелигингизни кўрмаяпсизми? Ахир сизлар Умматга қарши фитна қилган, уни сотган, уни ақида ва мабдасидан ажратган кимсалар билан тил бириктироқдасиз.

### Эй қўмондон, эй аскар!

Сиз Аллоҳга, Унинг Китобига, Пайғамбарига ва унга нозил қилган каломига иймон келтиргансиз, мен сиздан Аллоҳ номи билан сўрайман: Ислом аҳли ва биродарларингиз ғазода қирғин қилинаётган ва очлигу ташналиқдан ҳалок бўлаётган бир пайтда қандай ухляяпсиз, қандай еб-ичиб, ўйнаб-куляпсиз?!

**Эй күч-қудрат аҳли!**

Росууллоҳ  бундай демаганмиди:

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضُوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهْرِ وَالْحَمَّى»

«Мўминлар бир-бирларига дўстлик, раҳмдиллик ва меҳрибонлик кўрсатишда мисоли бир жасадга ўхшайди. Жасаднинг бир аъзоси касалликка чалинса, қолган аъзолар ҳам унга қўшилиб бедор бўлади, иситмалайди». Мусулмонлар сони қариб икки миллиардга етган бўлиб, инсониятнинг тўртдан бирини ташкил этмоқда. Уларнинг юртлари ҳозирда 57 давлатга бўлинган. Шу билан бирга мусулмон диаспоралар бутун дунёга тарқалган. Бироқ, динимизга ва ақидамизга қайтмасак, бу кўпликнинг, қуролларимиз кўплигининг – худди селнинг кўпиги каби – қиймати йўқ. Агар Аллоҳга дуо қилиб, орамизда шариатини татбиқ қилишга ва битта давлатни барпо этишга ҳаракат қилмасак, бизда асло яхшилиқ йўқ. Бу биз унинг ҳимояси билан ҳимояланадиган ва яхшиликларидан баҳраманд бўладиган Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалиқдир. Аллоҳнинг ваъдаси шубҳасиз ҳақдир. Уммат ўз динини ҳимоя қилиш, унинг муқаддасотлари ва манҳажини сақлашдан манфаатдор ва бундан жавобгардир. Шундай экан, Уммат вакиллари Ислом шарафини қайтариш, уни душманларининг макри, ҳийласи ва зулмидан халос қилиш учун қўлидан келганича ҳаракат қилиши ва имкониятларини ишга солиши лозим.

Бизнинг вазифамиз Аллоҳга яхши гумонда бўлиш, яъни Аллоҳ Умматни – қандай аҳволда бўлмасин ва қанча заифлашиб, зулму ситамга учрамасин – албатта ёруғликка чиқариб, уни ғолиб қилишига ишонишдан иборат. Чунки бу Аллоҳнинг ваъдаси ва Росулининг башоратидир. Биз учун

собит бўлган нарса олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмайдиган ва Ҳаким, Ҳамид зот томонидан нозил қилинган Қуръонда ҳамда гуноҳдан пок бўлган Пайғамбаримизнинг сахиҳ Суннатида очиқ ойдин кўрсатилгандир. Куч-қудрат аҳлига яна шуни эслатмоқчимизки, уларнинг ўз дини ва Уммати олдидаги масъулияти иймоннинг бир қисми ва унинг ҳақиқий далилидир. Чунки Ислом дахлсизлигини ҳимоя қилиш мусулмонлар оммасига фарздир. □

# ҲАРБИЙ ДОКТРИНАДА... МУСУЛМОН АРМИЯЛАРНИНГ ҒАЗОГА ЁРДАМ КЎРСАТИШИГА НИМА ТЎҚИНЛИК ҚИЛАДИ? (2)

Устоз Бассом Фарҳот  
Тунис вилояти

Исломий ҳарбий доктринанинг сақоғий жиҳати қўйидагиларга асосланади:

**1 – Ал-вало вал-баро** (Аллоҳ учун дўстлашиш ва Аллоҳ учун душманлашиш):

Ҳарбий доктринанинг исломий версияси ал-вало вал-баро тамойилида жамланган ва бу Росууллоҳ нинг сийратларида яққол кўзга ташланади. Росууллоҳ нусрат талаб қилиниши кўзда тутилганларга пайғамбарлиги, рисолати ва сиёсий лойиҳасига иймон келтиришни, шунингдек, Қурайш мушриклари қарши сўзсиз жанг қилишни шарт қилиб қўйдилар. Чунки Қурайш мушриклари Аллоҳга қарши чиққан, Росулини ёлғонга чиқарган, ҳақдан юз ўгириб, ботил билан кифояланган эди. У зот, Бану Омир ибн Саъсаа ва Бану Шайбоннинг шартли нусрат-ёрдамини ҳам қабул қилмадилар. Чунки у нусратни чеклаб, унинг мазмунини йўқча чиқаради. Жанг майдонларини, унинг сабаблари ва кимга қаратилиши кераклигини ҳам чеклаб қўяди. Шунингдек, одамлар томонидан тузилган қонунларни, тубан дунёвий манфаатларни Аллоҳнинг шариатидан, Ислом ва мусулмонларнинг олий манфаатларидан устун қўяди. Шундай қилиб, кофирлар учун мўминлар устига йўл беради. Ал-вало вал-баро тамойили Исломда марказий ўринни тутади. Чунки мусулмон учун – у оддий фуқаро ёки ҳарбий бўлишидан қатъий назар – кимни дўст тутиш ва кимни душман тутишни, қайси асосда дўстлашиш ва душманлашишни ал-вало вал-баро тамойили белгилаб беради. Унинг йўлида жанг қилиниши керак бўлган шаръий манфаатни ва унга қарши ёки унинг тарафида жанг қилиниши керак бўлган томонни ҳам белгилаб беради. Ҳатто ҳарбий хизматга чақиришнинг (вожиб) ҳукмини, жангнинг сифатини (яъни жиҳодни) ва унинг даражасини (интизомий жазо, боғийларга қарши жанг ва қириб йўқ қилишни), шунингдек, ўлдирилганларнинг оқибатини (яъни шаҳидликни) белгилаб беради.

Бу тамойил биринчи навбатда Ислом ақидасига асосланади. Ал-вало вал-баро холис Аллоҳ ва Унинг Росули учун бўлмоғи керак. Шунинг учун Аллоҳ ва Унинг Росулини дўст тутгандарни дўст тутишимиз, Аллоҳ ва Унинг Росулига қарши уруш қилганларни душман тутишимиз лозим. Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«أَمِرْتُ أَنْ أَقْاتِلَ النَّاسَ حَتَّىٰ يَشْهُدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَقَيِّمُوا الصَّلَاةَ وَبُؤْثُوا الزَّكَةَ، فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءُهُمْ وَأَمْوَالُهُمْ إِلَّا بِحَقِّ الْإِسْلَامِ وَحِسَابُهُمْ عَلَىٰ اللَّهِ»

«Одамлар Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мұхаммад Унинг элчиси, деб гувоҳлик бермагунларигача ва намоз ўқиб, закотни адо этмагунларигача уларга қарши уришишга буюрилганман. Агар улар буни қилсалар мендан ўз жонлари ва молларини сақлаб қоладилар. Фақат Исломнинг ҳаққи бундан мустасно ва уларнинг ҳисобкитоби Аллоҳга ҳавола».

Ислом ақидаси Ислом давлатининг сиёсий ақидасидир. Яъни у давлатнинг асоси бўлиб, унинг вужуди, жиҳози (аппарати), муҳосаба қилиниши ёки унга алоқадор барча ишларда Исломий ақида асос қилинмаган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Чунки у асосий ғоя (фикрат) бўлиб, давлатдаги ҳокимият унга асосланади. Ҳокимият томонидан мамлакат ичкарисида татбиқ этиладиган ва бутун дунёга рисолат сифатида кўтариб чиқиладиган тушунча, миқёс ва қаноатлар мажмуаси ҳам унга асосланади. Бу эса, давлатдан ўз вужуди, жиҳозлари, конституция ва қонунларини, энг аввало, ҳарбий доктринасини Ислом ақидасига бўйсундиришини талаб қиласди. Ҳарбий муассаса бу жиҳозларнинг тамал тоши эканлигини айтмаса ҳам бўлади. Ислом давлати рисолатни етказувчи давлат бўлиб, у жиҳодни давом эттиради. Ҳарбий доктринадаги ҳар қандай, ҳатто оддийгина ўзгариш ҳам давлатнинг Исломий хусусиятини йўқотиб, унинг суверенитети ва ҳокимиятидан маҳрум бўлишига олиб келади. Шунинг учун ал-вало вал-баро бутунлай қайта шакллантирилиши, фақат холис Аллоҳ ва Унинг Росули учун бўлиши керак. Бу замонавий сиёсий терминологияда

«ҳарбий муассасанинг жанговар доктринасини шакллантириш» деб ифодаланади.

**2 – Кенг қамровлилик ва мукаммаллик:** ҳарбий доктринанинг Ислом ақидасига асосланиши уни кенг қамровли ва мукаммал доктринага айлантиради. Чунки у ҳарбий ишлардаги каттаю кичик нарсани четда қолдирмай (жанговар доктрина, хавфсизлик доктринаси, логистика жиҳатлари, ҳарбий стратегиялар, қуролланиш, тайёргарлик, ҳарбий хизматга чақириш, сафарбарлик, ташкилий ишлар, уруш ҳаракатлари, сақофат ва маънавият, ахлоқ ва мұомалалар) каби қисмларга бўлиб баён қиласди ва тартибга солади. Ислом ўркачининг чўққиси бўлган жиҳодда, шунингдек, мусулмон жангчига унинг жанговар қобилиятини яхшилаш учун зарур бўлган руҳий энергияни беришда ҳарбий доктрина асосий ролни ўйнагани учун, Ислом унга жиддий эътибор билан қарайди. Шунинг учун шаръий аҳкомлар ҳарбий доктринанинг (принципиал, мафкуравий, геостратегик, техник, технологик, сафарбарлик, хавфсизлик, сиёсий ишлар, ахлоқий ва гуманитар ишлар) каби барча даражаларини ўз ичига олади ва уларга исломий бўёқни беради. Чунки уларнинг барчаси эргашилиши керак бўлган шаръий аҳкомлардир. Шунинг учун Ислом фундаментал ва мафкуравий даражада армияда исломий ва умумий сақофатни, шунингдек, Ислом ақидасини мустаҳкамлашга эътибор беради. Масалан, Аллоҳ Таоло бизни тавба қилишга, ибодат қилишга, рўза тутишга, намоз ўқишга, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришга, шунингдек, жаннатга эришиш учун мол ва жонни фидо қилишга ундейди.

﴿إِنَّ اللَّهَ أَشَّرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنفُسَهُمْ وَأَمَوَالَهُمْ بِأَنَّ لَهُمْ أَجْنَبَةً﴾

**«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонлари ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди»** [Тавба 111]  
Аллоҳ бизни сабр қилишга, матонатли бўлишга ва жиҳод учун доим белимиз боғлиқ ҳолда тайёр туришга ундейди.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا أَصْبِرُوا وَرَابِطُوا وَتَقْوُا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

**«Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (коғирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш-жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир бўлиб турингиз! Ва**

**Аллоҳдан қўрқингизким, (шунда) шояд најом топгайсизлар!** [Оли Имрон 200]

Шунингдек, Ресулуллоҳ ﷺ бизни Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга унданбаб, айтадилар:

«مَقَامُ الرَّجُلِ فِي الصَّفَّ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَفْضَلُ مِنْ عِبَادَةِ الرَّجُلِ سِتِّينَ سَنَةً»

**«Инсоннинг Аллоҳ йўлида сафда туриши олтмиш йиллик ибодатидан афзалдир».** Техник даражада Аллоҳ Таоло душманни қўрқитиш учун имкони борича моддий қурол-яроғ, техника ва жиҳозларни тайёрлашни вожиб қиласдики, тики бу тайёргарлик замонавий ҳарбий йўналишлар ва энг юқори даражадаги технологик тараққиёт билан ҳамқадам бўлишга имкон берсин.

﴿وَأَعْدُوا لَهُمْ مَا أَسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган – Аллоҳ биладиган бошқа бирорларни ҳам қўрқувга солурсизлар» [Анфол 60] Куч тайёрлашнинг иллати қўрқитишdir. Бу эса замон, макон, душманнинг ҳажми ва технологик тараққиётнинг ўзгаришига қараб ўзгариади. Ресулуллоҳ ﷺ Ислом армиясини модернизация қилишга ва уни араблар билмаган қуроллар билан таъминлашга зўр бериб интилар эдилар. Шунинг учун У зот Тоиф аҳлига қарши манжаниқ ўрнатдилар, бошқа жойлардан энг яхши қуролларни олиб келтирдилар ва у жойга қурол ясашни ўрганиш учун одам юбордилар. Шунингдек, сузишни, камон отишни ва чавандозликни ўрганишга унадилар. Буларнинг барчаси ўша даврдаги ҳарбий фаннинг энг сўнгги йўналишлари эди.

**3 – Сафарбарлик:** Амалий сафарбарлик даражасида Ислом мусулмонларга жиҳодни фарз қилди ва аскарликка тайёрлашни мажбурий қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الَّذِينَ كُلُّهُوْ لِلَّهِ﴾

«То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!»

[Анфол 39]

Ресулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«جَاهِدُوا الْمُشْرِكِينَ بِإِمْوَالِهِمْ وَأَيْدِيهِمْ وَأَسْتِكْنُمْ»

«Мушрикларга қарши молингиз, қўлингиз ва тилингиз билан жиҳод қилинг». Шунингдек, Аллоҳ Таоло бизни жанга чорлади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ حَرِّضُ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْقِتَالِ﴾

«Эй пайғамбар, мўминларни жангга чорланг!» [Анфол 65] Шаҳидликка тарғиб қилди:

﴿وَلَا تَحْسِبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتًا بَلْ أَحْيَاءٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ﴾

«Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Аллоҳнинг ҳузурида (Аллоҳ ўз фазлу карами билан берган неъматлардан) баҳраманд бўлмоқдалар» [Оли Имрон 169] Росууллоҳ ҳам шаҳидликка тарғиб қилдилар:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يُقَاتِلُهُمُ الْيَوْمَ رَجُلٌ فَيُقْتَلُ صَابِرًا مُحْسِنًا مُقْبِلًا غَيْرَ مُدْبِرٍ إِلَّا أَذْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ»

«Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, бугун қайсиadir бир киши уларга қарши жанг қилса, сўнг сабр қилиб, ажрасавобни умид қилган ҳолда ва чекинмай олдинга интилган ҳолда ўлдирилса, Аллоҳ уни жангната киритади». Аллоҳ бизни сабр-матонатли бўлишга ҳам унгади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ إِمَانُوا أَصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (кофиirlардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш-жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизким, (шунда) шояд најом топгайсизлар!» [Оли Имрон 200]

Росули Акрам бизни Аллоҳнинг йўлида соқчи бўлишга унгадилар:

«عَيْنَانِ لَا تَمْسُهُمَا النَّارُ عَيْنُ بَكْتُ مِنْ حَشْيَةِ اللَّهِ وَعَيْنُ بَاتَتْ تَحْرُسُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Икки кўз борки, уларга дўзах ўти тегмайди. Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўз ва Аллоҳ йўлида соқчилик қилиб тунни ўтказган кўз». Аллоҳ бизга азоб чекаётган ақидадош биродарларимизга ёрдам беришни вожиб қилди:

﴿وَإِنْ أُسْتَنَصِرُوكُمْ فِي الْأَدِيْنِ فَعَلَيْكُمُ الْأَنْصُرُ﴾

## «Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир» [Анфол 72]

Росули Акрам стратегик ва хавфсизлик даражасида ҳарбий режалар тузишга ва манёврлар қилишга эътибор берардилар. У зот душманни чалғитар, хабарларни тўплар ва жосусларни ҳар тарафга юборар эдилар. Мўъта ва Табук ғазотида Форс ва Румни қўрқитиши учун манёвр қилдилар. Фатафон қабиласини Қурайшдан ажратиб қўйиш ёки улар билан яҳудийлар ўртасидаги иттифоқни бузиш учун ҳам манёвр қилдилар.

4 – Ҳарбий низом: ахлоқий даражада Росулуллоҳ ахлоқий ҳарбий низомни ўрнатиб, унда жанг пайтида мусулмон аскар риоя қилиши керак бўлган ғоят юксак ва нафосатли инсоний ахлоқни аниқ белгилаб бердилар.

«لَا تَحُنُّوا، وَلَا تَغْلُبُوا، وَلَا تَعْدِرُوا، وَلَا تَقْتُلُوا، وَلَا تَمْثِلُوا، وَلَا تَقْتُلُوا طِفْلًا صَغِيرًا، وَلَا شَيْحًا كَبِيرًا، وَلَا امرأةً، وَلَا تَقْطَعُوا خَلَالًا وَلَا شَجَرَةً مُشْرَمَةً، وَلَا تَدْخُلُوا شَاهًةً وَلَا بَقَرَةً وَلَا بَعِيرًا إِلَّا لِمَأْكَلٍهُ . وَسَوْفَ تَمُرُونَ بِأَفْوَامٍ قَدْ فَرَغُوا أَنفُسَهُمْ فِي الصَّوَاعِقِ فَدَعُوهُمْ وَمَا فَرَغُوا أَنْفُسَهُمْ لَهُ

«Хиёнат қилманглар, ғулул (ғанимат тақсимланишидан олдин билдиримай олиш) қилманглар, аҳдни бузманглар, ўлганлар жасадини таҳқирламанглар. Ёш бола, кекса қария ва аёлларни ўлдирманглар. Хурмо ва мевали дарахтларни кесманглар. Қўй, сигир ва туяни фақат ейиш учунгина сўйинглар. Сизлар тез орада ўзларини ибодатхонага бағишилаган қавм олдидан ўтасиз, уларни ўз ҳолига қўйинглар». Уруш этикасига оид ушбу ўзига хос низом бу турдаги низомларнинг биринчисидир. Бу низом биринчи жаҳон урушидан кейин йирик кучлар ўзларини камтар қилиб кўрсатиб тузган «Женева» конвенциясидан 14 аср олдин тузилган. Бундан ташқари, унинг бандлари амал қилиниши керак бўлган, шунингдек, ирқи ва динидан қатъий назар, барча инсонлар учун умумий бўлган шаръий аҳкомлардир. Шунингдек, у – худди Женева конвенцияси каби – фақат насроний Европа ерига хос бўлиб, улар учун ишлайдиган, бошқа халқлар ундан маҳрум қилинган агитацион истеъмолчилик характеристига ёки ўзаро ички характеристерга эга бўлган низом эмас. Мана, сиз инсон ҳуқуқлари ҳақида мақтаниб гапираётганларнинг кўз ўнгида ғазоликларга

қарши содир этилаётган қирғинлар ва ваҳшийликларга гувоҳ бўлмоқдасиз. Ҳарбий доктринанинг Ислом ақидасига таяниши уни барқарор, доимий ва муңтазам доктрина га айлантиради. У ташқи техник, сиёсий, хавфсизлик ва стратегик таъсиrlар сабабли доимий трансформация, ўзгариш ва алмашишга мубтало бўлган замонавий илмоний ҳарбий доктриналардан фарқ қиласи.

**5 – Эътиқодий озуқа:** Ислом ақидаси – исломий ҳарбий мұассасасанинг ақли, түйғулари ва ҳисларидир. Чунки айнан у мусулмон жангчининг ақлия ва нафсиясини шакллантириб, унинг мұмтоз ҳарбий шахсиятини мустаҳкамлади. Шунингдек, у исломий ҳарбий доктринани ўзининг юксак тамойил ва маънавиятлари билан суғоради. Чунки у мусулмон аскарга ва Ислом армиясига тўғридан-тўғри таъсиrl қилиб, унга шон-шуҳрат ва самарали ютуқларни олиб келади. Зоро, Ислом ақидаси жоҳилият давридаги мадорсиз танага жон бағишилаб, арабларни ва фатҳ қилинган юртлардаги бошқа халқларни ўлимдан қўрқмайдиган, ҳеч ким унга қарши тура олмайдиган кучли шерларга айлантиреди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْ مَنْ كَانَ مَيْتًا فَأَحْيَيْنَاهُ وَجَعَلْنَا لَهُ وُرَّا يَمْشِي بِهِ فِي الْأَنَاسِ﴾

**«Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра биз уни (динга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иймонни) бериб қўйганимиз бир киши»** [Анъом 122]

Ислом ақидаси мусулмон жангчига фидокорлик руҳини сингдирди. Уни улкан энергия ва ғайритабиий куч билан тўлдириб, шаҳидлик лойиҳасига айлантиреди. Жиҳод Ислом ўркачининг чўққиси бўлиб, энг гўзал ибодатлардан биридир. Шаҳидлик мўминнинг энг олий мақсади бўлиб, Ислом Умматидан бошқа эътиқоди йўлида ўғлонлари жонини фидо қиласиган бирон бир халқ топилмайди. Чунки Ислом ақидаси мусулмонлардан бақо ғаризасининг энг муҳим кўринишларини тортиб олиб, уларнинг қалбини камдан-кам учрайдиган фавқулодда жасорат билан тўлдиради ва уларни ўлимни менсимайдиган қилиб қўяди. Қолаверса, бошқалар тирик қолиш учун интилишса, мусулмонлар ўлимга интиладилар. Чунки улар учун ўлим ҳаётнинг ниҳояси эмас,

балки жаннатдаги абадий ҳаётнинг бошланишидир. Бу уларни шаҳидликка эришиш йўлида мусобақалашиша ундаиди. Ислом ақидаси душман ҳақидаги қарашни тиникластиради ва унга ўзининг рухий тамғасини босади, шунингдек, қаттиқ душманчилик қилишни фарз ва вожиб сифатида сингдиради. Мусулмон жангчининг ўз душманига бўлган душманлиги шахсий ёки манфаатга асосланган душманлик эмас, балки муқаддас душманлиkdir. Чунки бу душман Аллоҳ ва Унинг Росулига қарши уришмоқда, Аллоҳнинг нурини ер юзидан ўчиришни истамоқда. Шунинг учун бу душманга қарши жанг қилиш намоз фарзи каби фарздир. Бу жанг Аллоҳга, Унинг Росули ва динига ёрдам бериш бўлиб, у мусулмон жангчига ишониш қийин бўлган улкан жанговар куч, сабр ва матонат бағишилади. Ислом ақидаси душманинг заифлигини ва рухий томондан кучсизлигини ҳам очиб беради, шунингдек, унинг мавқеини тушириб, мусулмон жангчига унга қарши журъат беради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَنْ يَصْرُوْكُمْ إِلَّا أَذَىٰ وَإِنْ يُقَتِّلُوكُمْ يُوْلُوكُمْ الْأَدْبَارَ ثُمَّ لَا يُنَصَّرُوْنَ﴾

«Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Агар сизлар билан уришсалар, кетларига қараб қочадилар. Сўнгра уларга (ҳеч ким томонидан) ёрдам берилмайди» [Оли Имрон 111]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يُقَتِّلُونَكُمْ حَيِّعًا إِلَّا فِي قُرْيٰ مُحَصَّنَةٍ أَوْ مِنْ وَرَاءِ جُدُرٍ بَأْسُهُمْ بَيْنَهُمْ شَدِيدٌ تَحْسِبُهُمْ جَمِيعًا وَرَقْلُوبُهُمْ شَتَّى﴾

«Улар (мунофиқ ва яхудийлар) бирлашган ҳолларида сизлар билан фақат қалъа-қўрғонли қишлоқлар ичида (беркиниб) ёки деворлар ортидагина жанг қила олурлар, (яъни ҳеч қачон сизларга қарши очиқ жангга чиқа олмаслар). Улар ўз ўрталарида кучли-қувватлидилар, (яъни, жанг-жадал бўйлансдан туриб ўзаро куч-қудратли эканликлари ҳақида лоф ураверадилар, аммо жанг пайтида ожиз-қўрқоқдирлар). (Оғизларидаги сўзларидан) уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) диллари хилма-хилдир» [Ҳашр 14]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَهْنُوا فِي أَنْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِنْ تَكُونُوا تَأْلُمُونَ كَمَا تَأْلَمُونَ يَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ وَتَرْجُونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ﴾

«Бу кофир қавмни қувишда сусткашлик қилмангиз! Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар ҳам сизлар қийналганингиздек қийналишмоқда. (Шу билан бирга) сизлар Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишини, қолаверса, ғалаба қозонишни) умид қилмоқдасизлар-ку?!»

[Нисо 104]

Булар ва бошқа оятлар душманни фош қилиб, унинг маҳорати ва ҳайбатини тортиб олади, шунингдек, уни кўркоқлик, заифлик ва муқаррар мағлубият сиёхи билан битилган очиқ китобга айлантиради. Бу Ислом армиясининг ҳарбий доктринаси ва унинг мафкуравий илдизидир. Шунингдек, бу Ислом армияси ҳарбий доктринасининг Ислом тарихини ақл бовар қилмайдиган қонли жанг ва қаҳрамонликлар билан тўлдирган майдондаги самараларидир. Унда мустамлакачи кофир уни нишонга олишга қандай қодир бўлди?

**Мустамлакачи ҳарбий доктринага зарба бериш линиясида:**

**1 – Уммат шахсиятини нишонга олиш:** ушбу бебаҳо тенглама ва унинг исломий армияларни назорат қилишдаги сеҳрли таъсири куфр бошлиқлари ва мустамлака раҳнамолари эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди. Айниқса, асрлар давомида бўлиб келган тўқнашувларда исломий ҳарбий доктринанинг мусулмон жангчининг жанговар кучидаги таъсирига ва унинг майдондаги самарадорлигига гувоҳ бўлишди. Шу боис, исломий ҳарбий доктрина уларнинг ғаразли ҳийла-найранглари тузоғига тушгунига қадар унга бутун эътиборларини қаратиб, уни бузғунчи лойиҳаларининг энг бошига қўйишиди. Улар бошидан, ҳатто Усмоний давлат қулатилишидан олдиноқ уни нишонга олиб, масонлар, дўнма яҳудийлари, шунингдек, Иттироқ ва тараққиёт, Турк ёшлари каби гуруҳлар қўли билан ўзгартириб бузишиди. Мазкур гуруҳлар жанговар ҳарбий доктринани заифлаштиришди ҳамда ундаги ал-вало

вал-баро тушунчасини сассиқ миллатчилик, туркийлик ва ватанпарварлик заҳарлари билан бузиб, Умматни ички низолар ўчоғига ботиришди. Бу эса унинг тинкасини қурилтида ва кучини синдириб ўлдириди. Сўнг Халифалик қулатилиб, миллий давлатчалар пайдо бўлгандан кейин уни яна нишонга олишди. Буни уларнинг шакли-шамоилини тузиб бериш орқали ёки уларга ваъдалар бериб, эътиборларини Уммат армияларини душман манфаати учун ёллашга ҳамда уларга Сайкс-Пико панжараларини қўриқлаш, ўз халқига босим ўтказиш, унинг исломий нафасини бўғиши ва ўз юртларини талон-торож қилиш учун очиб бериш вазифасини юклашга қаратиш орқали амалга оширишди. Мустаҳкам қўрғонлар фақат ичкаридан забт этилгани ва исломий армия Ислом Умматининг бир қисми бўлгани сабабли Уммат шахсиятини ақлия ва нафсия деган эътиборда нишонга олиш орқали унинг ҳарбий доктринасига зарба бериш учун замин тайёрлашди. Улар илм-фан, медицина, модернизация ва тажриба алмашиб никоби остида мусулмонлар вужудига сақоғий миссионерлик ҳужумларини қилиш орқали фикрий ва сиёсий жиҳатдан ёриб кириш устида иш олиб боришид. Сўнгра мандат остидаги давлатлар исломий халқларни ўзгартириш, мусулмонлар шахсиятини ўчириш, уларнинг фикрлари, майллари ва садоқатларини исломий ақида ва Халифалик давлатига бўлган садоқат робитаси асосида эмас, балки ғарб сақофати ва миллатчилик, қабилачилик, ватанпарварлик, мазҳабпарамастлик робиталари асосида қайта шакллантиришга киришид. Бунинг учун таълим программалари, оммавий ахборот воситалари, адаштирувчи дин арбоблари ҳамда жуда кўп сиёсий ва ҳарбий манёврлардан фойдаланишид. Армиялар ўз халқининг бир қисми бўлгани учун ушбу заҳарли қадам уларнинг ҳарбий доктринасига ҳужум қилиш вазифасини енгиллатди ва бу мисли кўрилмаган даражада муваффақиятли бўлди. Бундан ҳам ёмони у ўз уммати учун урушга, душманлари учун эса тинчликка айланди. Қандай қилиб мустамлакачи кофир ушбу қийин тенгламани рўёбга чиқаришга эриша олди? Унинг Уммат воқелиги ва келажагига қандай хатарлари бор?

**2 – Ҳарбий социология:** бир қарашда имконсиздек туюлган бу вазифа олдида мустамлакачи кофир ҳарбий

социология назарияларидан иборат майдондаги тажрибалар унинг тўғрилигини исботлаган нарсалар билан қуролланди. У мусулмон мамлакатлардаги армиялар доктринаси, садоқати, тузилмаси, ташкилий тайёргарлиги, қурол-яроғи ва функцияларини қайта қуришни амалга оширди. Исломий ҳарбий муассасанинг танасига унга тўғри келмайдиган бегона руҳни киритди. Армиянинг ҳарбий ва жанговар доктринасини унинг диний эътиқодига зид доктринага айлантирди. Бу эса, унинг юридик шахсиятини деярли шизофренияга айлантирди. Натижада, унинг фикрлари майл-истакларидан фарқли ва туйғулари идрокидан ажралган бўлиб қолди. Шундай қилиб, армия мустамлакачи қўлидаги кар ва соқов қуролга, ўзини-ўзи йўқ қилувчи ҳалокатли чўқморга айланди. Шунингдек, у ғалати парадоксда Уммат билан душманлари, малай ва хоин ҳукмдорлардан иборат жаллодлари ўртасидаги моддий тўсиққа айланди. Чунки мустамлакачи кофир армияларни ҳаракатга келтирадиган алвало вал-баро тушунчасини бошқа томонга бурди, улардаги амаллар миқёсини ва баҳт тушунчасини бузди, шунингдек, манфаат, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашларини ўзгартирди. Армияларни ёлланма қотил машиналарга, дунёвий манфаат ортидан чопувчи ҳарбий подага айлантириш учун уларнинг ҳис-туйғулати ва завқини хиралаштиришга, қатъиятини сусайтиришга, улардаги жасорат ва фидокорлик руҳини ўлдиришга қаттиқ ҳаракат қилди. Армиянинг асосий мақсади лаззат, роҳат-фароғат ва манфаат бўлиб қолди. У унвонлар, медаллар ва хизмат даражасининг кўтарилишлари, шунингдек, Ислом Уммати вакиллари бўлган ўз ҳалқи ва қўшнилари устидан эришилган ғалабаларни нишонлайдиган бўлди. Мустамлакачи кофир армияларни буюк миссиясидан (фатҳлар ва Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан) чалғитиб, яничарлар ва уруш шерлари авлодларини парадлар ва юришларда қатнашувчи оддий гуруҳларга айлантирди. Тинч даврда фуқароларни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва ўт ўчириш вазифаси уларга юкландиган бўлди. Уларнинг энг қудратли армияларни даҳшатга солган ва тарих давомида энг улуғвор ғалабаларга эришган жанговар доктринасига келсак, мустамлакачи кофир уни ҳужумкор доктринадан мудофаа доктринасига айлантирди. Шундай қилиб, Ислом рисолатини

кўтариб чиқиб, юртларни фатҳ қилувчи жиҳодий исломий армия Сайкс-Пико чегараларини ҳимоя қилувчи миллий республика армиясига айланди. Республика бошқарувини, ҳукмдорларни, ғарб сақофатини, унинг низом, тушунча ва манфаатларини, шунингдек, мусулмонларни парчалаш учун белгиланган сохта чегараларни ҳимоя қилиш вазифаси унга юкланди. Росулуллоҳ  нинг байроқлари ўрнига улар учун бир парча латта байроқ қилиб берилди.

**З – Қаттиқ мушт:** мустамлакачи кофир бу вазиятни мустаҳкамлаш ҳамда тўсатдан виждон уйғониб, уни аввалги ўрнига қайтариб қўйишидан ўзини ҳимоя қилиш учун армияларнинг ақлларини ва сиёсий позицияларини атайлаб мусодара қилди. Шундай қилиб, исломчиларга нисбатан нафратни, улардан қўрқиши уларга сингдирди ва уларнинг (террорчилар билан тоғут тарафдорлари) ўртасида мустаҳкам душманлик ипларини тўқиди. Унинг пассив бетарафлигини сақлаб қолишга, мамлакатдаги сиёсий ишлардан ва ҳокимият алмашинувидан ажратиб қўйишига қаттиқ ҳаракат қилди. Уни Умматнинг ён биқинига ўрнатилган, асосий икки компонентни (халқ ва ҳокимиятни) тўхтатиб турувчи ҳамда уларни мустамлакачи позициясига, унинг лойиха ва манфаатларига боғлаб турувчи рангсиз, таъмсиз ва ҳидсиз учинчи компонентга айлантириди. У, шунингдек, унинг тузилишини ўзгартириб, унда қатъий иерархияни ўрнатди. Ушбу иерархиянинг бўғинларини ўзига садоқатли, исломий шахсиятдан йироқ ҳамда этник ва мазҳабпаст озчиликлар каби халқ томонидан энг кам қўллаб-қувватланган шахслар билан боғлади (Суриядаги нусайрийларни, Покистондаги қодиёнийларни ва Баҳрайндаги суннийларни бунга мисол қилиш мумкин). Шунинг учун бу иерархиянинг мустамлакачига бўлган садоқати кўр-кўrona ва унга бўлган алоқаси ҳомила билан онанинг киндик ичакчасидаги алоқаси каби мухим бўлди. Сўнgra ҳарбий буйруқларни рад этиш вассасасига тушган ҳар қандай одамни тўхтатиб қолиш учун – ҳар қанча адолатсиз, ғайриинсоний ҳамда Ислом ақидаси ва мусулмонлар манфаатларига зид бўлмасин – қаттиқ тартиб-интизомни ўрнатди. Армия билан Уммат ўртасидаги жарликни янада чуқурлаштириш учун мустамлакачи кофир армияларни ўз халқига қарши (Сурия армиясининг 4-

бригадаси, Жазоирдаги қора ўн йиллик, 1982 йилдаги Хама шаҳри штурми, Фаластиннинг превентив хавфсизлик хизмати каби) ҳамда қўшни мусулмон халқларга қарши қонли ҳарбий ҳаракатларга жалб қиласи. Бундан мақсад, Уммат билан армиялар ўртасида психолигик тўсиқни яратиб, уларнинг мустамлакачига қарши бирлашишига тўсқинлик қилишдир. У, шунингдек, ҳарбийлар ва хавфсизлик хизмати ходимларини халқдан ажратилган квази-геттоларда изоляция қиласи ва улар учун хос шаҳарларни қурди (бунга Саудия мисол). Уларни Ислом ҳиди келган барча нарсадан тозалади ва уларни, ҳатто уларнинг куёв ва хотинларини ҳам кузатувга олди (бунга Тунис мисол). Шунингдек, мамлакат иқтисодида уларга эркинлик берди ва уларни моддий манфаатларга кўмиб, капиталистик очкўзлик билан булғади. Чунки шунда улар мустамлакачига доим содик бўлиб қолишади ва унга содик бўлиш уларнинг шахсий манфаатларига мос келади. Шунинг учун уни ва ўз манфаатларининг кафолати деган эътиборда унинг манфаатларини ҳимоя қилишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилишади. Чунки уларнинг манфаатлари унинг манфаатларига боғлиқ (бунга Миср мисол).

**4 – Тирноқларни суғуриб олиш:** мустамлакачи кофир армиянинг назоратдан чиқиб кетишига ёки исломчиларнинг ўз лойиҳаларини амалга оширишида ундан фойдаланишига йўл қўймаслик учун унинг қанотини қирқиб, тирноқларини суғуриб олишга ҳаракат қиласи. Шунинг учун армиянинг муҳим жанговар соҳаларда (авиация, ҳарбий денгиз флоти, сув ости кемалари ва ядровий технология каби соҳаларда) ривожланишига йўл қўймайди. У иқтидорли одамларни моддий манфаатларга қизиқтириш орқали ўзига жалб қилишга ҳаракат қиласи ёки уларни жисмонан йўқ қиласи. (Масалан, Ироқ ва Миср ядровий дастурлар олимлари ҳамда Мухаммад Заворий жисмонан йўқ қилинди). У, шунингдек, армияларни ғарбга маҳкам боғлаб, таълим, технология, қуролланиш, ҳарбий тайёргарлик ва манёврлар соҳасида унга қарам қилиб қўяди. Армияларни уларга юклangan вазифани адо эта оладиган даражадагина қуроллантиради ёки ҳарбий технологиялар билан таъминлайди. Агар бу вазифа мавжуд режимни ўз халқидан ҳимоя қилиш бўлса, армияни кўча ва шаҳар урушлари учун керакли қурол-яроғ

билан таъминлайди. (Тунис армиясининг одатий автоматлари бунга мисол). Агар бу вазифа яҳудий вужудини ҳимоя қилишга қаратилган ҳарбий манёвр бўлса, қалбаки қуроллар билан қуроллантиради. (Иордания армияси 1948 йилда шундай қуроллар билан қуроллантирилган). Ёки унинг ҳарбий арсеналини йўқ қилишни (1967 йилги урушда Миср авиаацияси йўқ қилингани каби) шахсан ўз зиммасига олади. Ёки бу қуролларнинг пулини тўлатиб, лекин уларни яхши ишлатолмайдиган ва бошқаролмайдиган қилиб қўяди. (Саудиянинг АВАҚС самолётлари каби). Агар Умматнинг ғазабини ўзига юттириб юборишга ва яҳудий вужудини мустаҳкамлашга қаратилган ҳарбий ўйин бўлса, армияни исломий ақидасига эркин ташлаб қўяди ва энг яхши қуроллар билан таъминлайди. (1973 йилги уруш ва Кэмп-Дэвид келишувининг зўрлаб ўтказилиши каби).

Аммо, агар унинг ички ёки минтақавий вазифаси муҳим бўлиб, мустамлакачининг ҳаётий манфаатларига ҳамда таъсир доирасини кенгайтириш, стратегик минтақаларни эгаллаш ва сиёсий Исломга қарши кураш устида кечеётган халқаро курашга алоқадор бўлса, берилган қуролларни фақат белгиланган вазифани адо этиш учунгина ишлатиш кафолатини олганидан кейин, энг кучли қуроллар билан таъминлайди. (Масалан, Совет армиясини мағлуб этиш учун Афғон мужоҳидларига берилган «Стингер» ракеталари, Халифаликни талаб қилганларни йўқ қилиш учун қўлланган Сурия кимёвий қуроли, Ҳиндистон ва Хитойни ушлаб туриш учун Покистон ядро қуроли, Эрон ядрорий дастури сунний тўда учун «олабўжи» бўлиб, уни мустамлаканинг қучоғига туртади). Мустамлакачи кофир ушбу армияларнинг ҳарбий доктринаси устидан ўз назоратини ўрнатмаганида, у бундай хавфли ҳамда натижалари ўзи ва яҳудий вужуди учун бехатар бўлмаган авантюраларга берилмасди. Энди унинг яҳудий вужудидан атиги икки қадам нарида қўрқинчли қуроллар арсеналини йиғиб олиб, яҳудийлар ундан тортиб олган ерларни (Жўлон тепаликлари, Рафах) қайтариш учун ҳатто бармоғини ҳам қимирлатиб қўймаганини айтмаса ҳам бўлади. У бу қуролларни фақат ўзининг мусулмон ҳалқига қарши (Миср, Сурия, Ироқ, Саудия) ёки мусулмонлар баданлари устидаги мустамлакачининг лойиҳаларини амалга

ошириш учун (Эрон-Ироқ уруши, Ямандаги араб коалицияси, Сурия ва Ливиядаги турк армияси) ишлатди.

**5 – Ҳулоса:** шу асосга кўра, барча мусулмон юртлар конституциялари ҳарбий ишларга оид моддаларида олтита ўзгармас қоидага таянади: биринчи қоида: армия ҳарбий доктринасидан динни ажратади. Иккинчи қоида: армия Исломга (террорга) ва унинг барча кўринишларига қарши курашишни, шунингдек, давлат ерларини террор фаолияти учун қароргоҳ, йўлак ёки майдон бўлиб қолишидан ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Учинчи қоида: армия сиёсий ишларга аралашмайди. Тўртинчи қоида: ҳокимият алмашинувида армиянинг роли бўлмайди. Бешинчи қоида: қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик тамойилларига амал қиласи ва уларнинг ички ишларига аралашмайди. Олтинчи қоида: шароит қандай бўлишидан қатъий назар, армия халқаро мажбуриятларни ҳурмат қиласи. Бундан ташқари, ҳар бир давлатнинг вазияти, воқелиги ва шароитига қараб хос боблар белгиланган. Бу мустамлакачи кофир ҳозирги мусулмон мамлакатлар армияларига жорий қилган ҳарбий доктринадир. Бундан очиқ кўриниб турибдики, мустамлакачи бу қоидалар орқали мусулмон аскар шахсиятини ва унинг ҳарбий муассасасини ғаразли тарзда шакллантириб, уни ўз назоратига бўйсундирди.

У ҳарбий муассасанинг диний эътиқодини мусодара қилиб, ундаги ал-вало вал-баро тамойилини бошқа томонга бурди. Унинг манфаат ва заар, дўст ва душман ҳақидаги кўз қарашини ўзгартирди. Шунингдек, уни қурол-яроғда ва ҳарбий тайёргарликда ўзига қарам қилиб олди. Унинг ақли ва фикрини мусодара қилиб, уни минтақавий мухитидан, унинг халқлари ва Умматидан ажратиб қўйди. Вазифаси ва ролини халқлар бойликларини эгаллаб олиш учун олиб бораётган халқаро курашида ўзи учун уруш ёқилғисига айлантириди. У ўз манфаатлари ва малайларини ҳимоя қилиш, шунингдек, Ислом ва мусулмонларни нишонга олган вайронкор лойиҳаларини амалга ошириш учун уни оддийгина кар ва соқов моддий қуролга айлантириди. Бу лойиҳалар Умматнинг бўлинини сақлаб қолишга, ундаги оддий нафасни ёки исломий интилишни ўчиришга ҳамда унинг Ислом ақидаси асосида бирлашишига йўл қўймасликка

қаратилди. Натижада мустамлакачи кофир Умматнинг куч-қудратини ўз назоратига олди. У Умматнинг ҳарбий шахсиятини синдириди ҳамда дини, ҳазорати, сақофати ва халқларидан узоқлаштириб, уни ундан яхшилик умид қилинмайдиган жонсиз танага айлантириди. Кейин, маҳаллий қўлқоплар ёрдамида уни ўзини-ўзи мустамлакага айлантиришга мажбур қиласди.

Агар мустамлакачи кофир армияларнинг ҳарбий доктринаси устидан ўз назоратини ўрнатмаганида, ушбу ажойиб ва ақл бовар қилмайдиган парадокс амалга ошмаган бўлар эди. Шундай қилиб, армиялардаги ҳолат қўйидаги тарзда барқарорлашди: моҳиятнан дунёвий; Айрим миллатчилик ва мазҳабпараматлик омилларини истисно қилиб, умуман олиб қараганда, миллий; Умумий душмани сиёсий Ислом; Унинг ички, минтақавий ва халқаро майдондаги сиёсати ғарблик хўжайинларининг манфаати атрофида айланади. Бу уни Умматга қарши урушга ва душманлар учун тинчликка айлантириди. Буларнинг барчасидан кейин, мусулмон армиялар ғазодаги биродарларига босқинчи яҳудий вужудига қарши ёрдам бермаса ҳайрон бўламизми?

### **Армияларни Уммат бағрига қайтариш**

**1 – Имконият доирасидаги ишлар:** мусулмон армиялар манотини (асосий вазифаларини) ўрганиб, уларнинг таркибини кемираётган, ҳаракатини фалаж қилаётган, ундаги хайру саҳоват манбаларини қўритаётган, уларни Умматдан узоқлаштириб, эзгу вазифаларидан чалғитаётган ва уларни душманлар хизматига тортаётган касалликни аниқлаб олганимиздан сўнг, энди биз қўйидаги асосий саволга келдик: мусулмон армиялар бўйнидаги бўйинтуруқни синдириб, уларни Уммат бағрига қайтариш ва Умматнинг тақдирий масалаларига хизмат қилишда улардан фойдаланиш йўли борми? Бу вазифа имконият доирасидаги осон ишми ёки имконият доирасидан ташқарида бўлган қийин ишми? Бу саволларга жавоб беришдан олдин шуни таъкидлаймизки, мусулмон армияларга нисбатан мустамлакачи амалга оширган ишлар, айниқса, давлатнинг йўқлиги ва хиёнатлар кўлами, шунингдек, ўша даврда Умматни қамраб олган жаҳолат, қолоқлик, қашшоқлик ва

Исломни тўғри тушунмаслик ҳисобга олинса, ғайритабиий, мўъжизавий ва уларни амалга ошириш маҳсус кишиларни талаб қиласиган ишлар эмас. Ярим орол арабларини Исломий давлатга қарши гиж-гижлашда муваффақиятга эришган полковник Лоуренс ғайриоддий ва ўзгача шахс эмас. Тўғрироғи, у улардаги ал-варо вал-баро тамойилини (Исломий Халифаликдан Араб Халифалигига) бироз ўзгартириб, уларнинг ҳис-туйғулари билан ўйнади. Франция, Россия ва Италияning Ислом юртларини бўйсундиришда мусулмон армиялардан фойдаланганини ҳам бунга қиёслаш мумкин. Бу жиноий ютуқقا тенгсиз сиёсий имкониятлар доирасида эришилди. Чунки мустамлакачи мусулмон армияларга ҳарбий социология назариясини қўллади ва уларни пухта ўрганиб, улар ҳақида чуқур тажрибага эга бўлди. У малайларни ишга солиб, уларга кўп пул сарфлади ва ҳарбий муассасани ҳаракатга келтирувчи илларни ўз қўлига олди. Кейин, мусулмон жангариларнинг бошқарув панели, яъни уларнинг жанговар ҳарбий доктринаси устидан назоратни кучайтирди. Уларнинг ҳарбий шахсиятини (ақлия ва нафсиясини) диний эътиқодларига зид тарзда шакллантириди. Улардаги ал-вало вал-баро тамойилини бошқа томонга бурди ҳамда манфаатга, ўлим ва ҳаётга бўлган қарашларини, баҳт ҳақидаги тушунчасини ўзгартириди. Шунинг учун улар мустамлакачига сўзсиз итоат қиласиган бўлиб қолишиб.

**2 – Касалликнинг диагностикаси:** мусулмон армияларнинг умуман, мусулмонлар масалалари, хусусан, ғазодаги воқеалар бўйича тутган заиф ва муросасоз позицияси уларнинг позициялари ва ҳис-туйғулари ҳақиқатини асло ифода этмайди. Улар жиддий норозилик ҳолатини бошдан кечиришмоқда ва қаттиқ жазо тизими таҳдиidi остида ноҳақ кўрсатмаларни истамаган ҳолда бажаришмоқда. Улар, шунингдек, ғазодаги биродарларига ва яҳудий вужудини йўқ қилишга тайёр. Бироқ, улар бутун армиянинг ҳаракатга келишига тўқсингиллик қилаётган қаттиқ иерархик тузилмани бузишга ожизлик қилишмоқда. Шахсий ҳаракатлар фойдасиз бўлиб, бошидаёқ узилиб қолади ва ўлимга олиб келади. Дарҳақиқат, хиёнатнинг жавобгарлиги бутун ҳарбий муассаса зиммасига тушади. Аскарлар ва кичик унвондаги зобитлар

қарор манбаси эмас, балки ижрочи қурол сифатида армия билан бирга айланадиган чарх тишлари холос. Бу ҳолат армия қўмондонлари ва юқори мартабали зобитларга ҳам тегишли бўлиб, фақат уларнинг айримларигина бундан мустасно. Уларни эътиқодий ва инсоний омиллар ҳаракатга ундан чоғида ҳам, уларнинг қарорлари иккита тўсиққа дуч келади: ташаббус тўсиғи: улар масъулиятни бир-бирига юклашади ҳамда бақо ғаризасининг таъсири сабабли ўзларидан бошқаси ташаббус билан чиқишини кутишади ва уларнинг бу ташаббусга бўйсуншилари кафолатланган. Номаълумликка шўнғиши тўсиғи: улар ишларнинг оқибатлари, кафолати ва ҳаракат амалга оширилганидан кейин нима бўлиши билан қизиқишиади. Шунингдек, таяниладиган кучли томонни излашади ва ўз ташаббусларининг оқибатига ишониб бўлмайдиган шунчаки ғаризавий реакция бўлишини хоҳлашмайди.

Исломий армиялар, модомики уларнинг хавфсизлик клапани (исломий ақидаси) уриб турар экан, доим хайру саховат манбаси бўлиб келган, ҳамон бўлиб келмоқда ва доим шундай бўлиб қолади.

Юртларни фатҳ қилган, халқларни бўйсундирган, энг кучли империяларни қулатган, энг қудратли армияларни енгган, сара қаҳрамонларни дунёга келтирган ва энг улуғвор ғалабаларни қўлга киритганлар айни шу армиялардир. Уларнинг мұмтоз ҳарбий шахсияти билан ажralиб туришига фақат икки нарса тўсқинлик қиласди: унинг нафсиясини кишанлаб турган биринчи тўсиқ: ўлимдан, қийиноққа солинишдан, қувғинга учрашдан, ризқи узилиб қолишидан, неъматлар ва манфаатлардан маҳрум бўлишдан қўрқиш. Унинг ақлиясини кишанлаб турган иккинчи тўсиқ: Исломнинг бўзиб кўрсатилиши ҳамда унинг ҳукм ва низомларини тўғри тушунмаслик.

Бундай тўсиқларни олиб ташлаш сиёсий имкониятлар доирасидаги ишдир. Бунинг учун улардаги исломий ақидага мурожаат қилиш, уларга Аллоҳ билан бўлган алоқани англатиш, охиратни эслатиб, жаннатга тарғиб қилиш ва дўзахдан қўрқитиш, шунингдек, уларга соғ исломий сақофатни ва Ислом шариати ҳақидаги тўғри тушунчани бериш лозим. Шу билан бирга, манфаат, ризқ, ажал ва баҳт

тушунчасига бўлган қарашларини улардаги ал-вало вал-баро тамойилини тўғрилайдиган тарзда ўзгартириш керак. Улар Холид, Қаъқоъ, Қутуз, Умар Мухторлар озуқа олган ва шу кунларда Ҳамас жангарилари озуқа олаётган қувват билан уларга озуқа берилиши лозим.

Булар мустамлакачи кофир мусулмон армияларга нисбатан қилган ишлар билан солиширганда осон ишдир. Мустамлакачи кофир армиялар ҳарбий доктринасини уларнинг диний эътиқодларига мос келмайдиган тарзда бузишга муваффақ бўлган бир пайтда, биз уларнинг ҳарбий доктринасини уларнинг диний эътиқодларига мос равишда ислоҳ қила олмаймизми?

**3 – Амалий қадамлар:** Бу – умуман олгандаги ҳолат. Аммо унинг тафсилотларига келсак, мусулмонларнинг ҳарбий муассасасини қайта тиклаш ва унга жон бағишилаш ўша мансуб бўлганлар онги ва қалбидан мустамлакачи сингдирган ҳарбий доктрина асосларини ўчириб, исломий ҳарбий доктринани сингдиришни, мусулмон армия шахсиятини ақлия ва нафсия жиҳатидан шакллантиришни ҳамда турли жанговар вазиятларда қуролли кучларнинг фикрлаш тарзига оид бир қатор асосий тамойилларни жамлашни тақозо этади. Бунинг учун кимни дўст тутиш, кимни душман деб билиш, кимга қарши қаҷон, қандай, нима учун ва қайси даражада жанг қилиш белгиланиши керак. Яъни ҳарбий муассасани исломий лойиҳа манфаати учун сафарбарликка тайёрлаш мақсадида, унинг онги, туйғу ва ҳиссиётларини исломий ақида асосига қуриш лозим. Бу улкан вазифани амалга ошириш йўли тўғридан-тўғри эътиқодий мурожаатни йўллашдир. Унинг амалий томонига келсак, улар қуидагилардир:

Биринчи: ҳарбий сафарбарликка чақирилган турли унвондаги шахслар билан жонли алоқани кучайтириш. Уларнинг орасидан яхшиларни танлаб олиб, уларнинг иродасини юксалтириш, қатъиятини кучайтириш ва ғазабларини қўзғаш учун казармалар яқинидаги масжидларни мақсадли тарзда зиёрат қилиш.

Иккинчи: улардаги асосий муаммога ечим бериш. Ислом ақидасини унга ёпишган барча ифлосликлардан поклаш орқали унинг юксаклигини, тўғрилигини, ақлга ва фитратга

мослигини баён қилиш ҳамда уни бошқа ақидалардан ажратиб кўрсатиб бериш.

Учинчи: уларни Ҳизб ут-Таҳрирнинг исломий лойиҳаси билан танишириб, унга жалб қилиш. Уларга боғлиқ бўлган ролнинг (яъни, нусратнинг) муҳимлигини, шунингдек, бу ролни бажаришлари билан улар ансорлар ва Саъд ибн Убода  мақомида бўлишларини ойдинлаштириш.

Тўртинчи: уларнинг ортида чуқур илдиз отган Ҳизб, глобал Исломий лойиҳа ва куч әгаларининг ташаббусига иштиёқманд бўлган бутун бир Уммат борлигини уларга ҳис қилдириш. Зеро, Уммат мустаҳкам таянчга эга бўлганига ишонч ҳосил қилиши биланоқ, куч әгаларига қўшилишга тайёр.

Бешинчи: душманларнинг Умматга қарши қўлланаётган, шунингдек, исломий лойиҳага тўсқинлик қилиш, мусулмонларнинг қолоқлиги, эксплуатация қилиниши ва қарамлигини агадийлаштириш учун тузилаётган режаларидан уларни хабардор қилиш мақсадида уларнинг кўзлари ва ақлларини очиш.

Олтинчи: уларга ал-вало вал-баро тушунчасини сингдиришга эътибор қаратиш. Токи, мўминларни дўст тутиш, кофир-мунофиқларни душман деб билиш холис Аллоҳ учун бўлиб, уларнинг наздида бошлиқларининг буйруқлари аҳамиятсиз бўлиб қолсин. Чунки яратувчига маъсият бўлган ўринда махлуққа итоат қилинмайди.

Еттинчи: тарғиб ва тарҳиб: уларнинг жаннатга ва унинг агадий неъматларига бўлган интилишларини, дўзах ва унинг доимий азобидан қўрқишишларини қўзғаш лозим. Бунинг учун улар шаҳидликка ва шаҳидлар учун Аллоҳ тайёрлаб қўйган неъматларга, аввалги саҳобалар  изидан боришга тарғиб қилинишлари керак.

Саккизинчи: ризқ тушунчасини ойдинлаштириш. Яъни ризқнинг фақат Аллоҳ томонидан келиши, Аллоҳнинг изнисиз ҳеч ким уни тўхтатиб ёки узиб қўйишга, ҳатто одамлару жинлар тўпланса ҳам уни келтиришга қодир эмаслигини тушунтириш лозим. Токи уларда ризқ узилиб қолишидан қўрқиш йўқолсин.

Тўққизинчи: қатл таҳдидидан қўрқиш уларда йўқолиши учун ажал тушунчаси ойдинлаштирилиши керак. Яъни

Ўлимнинг ягона сабаби ажал бўлиб, у ёлғиз Аллоҳнинг қўлида эканлиги ва қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам суро олмасликлари тушунтирилиши лозим.

Ўнинчи: улардаги баҳт тушунчаси ойдинлаштирилиши керак. Яъни улар истаётган доимий хотиржамликка молдунё, мартаба, мансаб ёки ўткинчи лаззатлар билан эришиб бўлмаслиги, балки Аллоҳ Талонинг розилиги билангина эришилиши ва Аллоҳнинг розилигига фақат унинг буйруқ ва қайтариқларига чекланиш билан эришилиши тушунтирилиши лозим.

Шу билан бирга, касб қилиниши кўзланган кишиларни машаққатга солмаслик ва улардаги хайру саховат манбаларидан фойдаланиш учун услугуб ва воситалар, муносиб шароит ва вазиятлар танланиши керак. Ҳар қандай эзгу ният ортида Аллоҳ бор, сизга ҳам, менга ҳам У кифоядир ва У энг яхши вакилдир. □

## **ҒАЗОГА ҚАРШИ УРУШ ҒАРБ МАФКУРАСИННИГ ҲАҚИҚАТИНИ, ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИ ҚАНДАЙ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШИНИ ФОШ ҚИЛМОҚДА!!**

**Хамд Тобиб – Байтул Мақдис**

Олов темирнинг ахлатларини очиб берганидек, позиция ва ҳодисалар кишининг табиатини очиб беради, деб ўтмишдан айтиб келинган. Шунингдек, кризислар, фалокатлар ва қийинчиликлар давлатлар сиёсатини, улар қабул қилган фикрлар моҳиятини, унинг инсониятга қанчалик ғамхўрлик қилишини фош этади, дейилган!

Ҳақиқатда, қадимда Ғарб дунёсида шундай бўлган ва бугун ғазога қарши очилган жинояткорона урушда шундай бўлмоқда. Бу уруш цивилизация тараққиётини, демократия, эркинликлар ва инсон ҳуқуqlари татбиқини даъво қилаётган йирик давлатлар қўллаётган ёлғон, қалбакилик ва адаштиришни очиб ташлади. Шу даражадаки, Ғарбда яшаб, унинг мафкурасини қабул қилган халқлар ҳам бу ёлғон, алдов ва адаштиришдан тўйиб, ҳукмдорларига қарши кўтарилишди. Баланд овозлари билан бундай ҳайқиришди: сенлар ёлғончи, адаштирувчи, қотилсанлар, иккюзламачилик қилиб, на демократияни татбиқ қилишасан, на эркинликларни ва на инсон ҳуқуқларини. Аксинча, сенлар ҳатто одамгарчилик ва раҳм-шафқатни, қиймат ва принципни йўқотишдинг!!

Хўш, бу уруш ҳодисалари қандай кечяпти? Америка бошчилигидаги Ғарб яҳудий вужуди содир этаётган бу урушни қандай қўллаб-қувватляяпти? Бу уруш Ғарб кўчаларига қандай таъсир қилди? Сеҳргарнинг сеҳри ўзига қайтдими? Бу уруш Ғарб мафкурасини келажакда умуман йўқ қилиб юбориши мумкинми? Бугун Ғарб шу мафкура сабабли фикрий ва иқтисодий инқизорзларни бошдан кечираётган экан, талабалар етакчилигидаги халқ билан сиёсатчилар ўртасидаги жарлик қай даражада?

Бу саволларга жавоб бериш учун эгри чизиқ ёнига тўғри чизиқ чизамиз. Шунда эгри чизиқнинг эгрилиги ҳам, тўғри чизиқнинг тўғри ва соғлиги ҳам яққол кўринади. Дарҳақиқат, бир куни Росулуллоҳ  бир чизиқ чиздилар ва бу Аллоҳнинг йўли, дедилар. Сўнг ўнг ва чап тарафларига бир неча чизиқларни чизиб, буларнинг барчаси шайтон чақираётган йўллардир, дедилар. Кейин ушбу оятни тиловат қилдилар:

﴿وَأَنَّ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا الْسُّبُلَ فَقَرَرَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ ذَلِكُمْ وَصَلْكُمْ يَهُ لَعَلَّكُمْ تَتَّقَوْنَ﴾

«Албатта, мана шу Менинг Түғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узуб қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюорди» [Анъом 153]

Ушбу ҳақиқатга, яъни ғарб мафкурасининг фош этилиши, ғарб юртларидағи халқлар олдида унинг қандай татбиқ этилаётгани, ҳукмдорларнинг сиёсатлари ва бу мафкура борасида халқларни адаштиришлари моҳиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. ғарб мафкурасининг бузук ва сохталиги, халқларга ғамхўрлик қилишга яроқсизлиги, унинг фожиа ва фалокатларга, жумладан ғазога қарши айни қутурган урушга сабаб бўлгани аниқ бўлиши учун унга бир неча пунктдан қараймиз. Ғазо аҳолиси бошига тушган бу уруш инсон зотини қирғин қилмоқда, тоғу тошни вайрон этиб, дов-дараҳтни ёқмоқда, ҳаёт ва инсонийлик мазмунини қолдирмай йўқ қилмоқда. Буларнинг барчаси ғарб давлатларидағи капиталист ширкат соҳибларидағи ўткинчи мато, жирканч манфаат ва бойликка хизмат қилиш учун амалга оширилмоқда.

Бу пунктлар қуидагилардан иборат:

1 – ғарб мұфаккирларининг ер юзи халқларига нисбатан мұносабатларида қандай қарашга эга эканлиги.

2 – ғарб шу кунларда ҳамда ташкил топганидан бери уруш ва тинчлик ҳолатида бу қарашни қандай татбиқ қилаётгани.

3 – ғарб давлатларидағи сиёсатчилар ҳар хил турдаги урушлар ва мустамлакачилик орқали ўз манфаатларига қаратилган сиёсатни давом эттириш учун ўз юртларидағи жамоатчилик фикрини адаштиришда қўллаган жирканч услублар.

4 – ғарб ҳукуматларини ғазога қарши урушда яхудий вужудини қўллаб-қувватлашга унданаган реал сабаблар ва сиёсатлар ҳамда бу сиёсатлардан кўзланган мақсадлар.

5 – ғарб давлатларидағи халқларни ўз сиёсатчиларига ва уларнинг қилмишларига қарши исён кўтаришга ҳамда ғазо уруши сабабли уларга қарши туришларига унданаган нарса нима?

6 – Ғарблик капиталистларнинг университет ва кўчаларда кенг тарқалган норозилик кризисини ҳал этиш учун муваффақиятсиз уринишлари.

7 – Ғарб давлатларидағи бу ҳодисалар яхшилик эшикларини очиб бериши мумкинми, жумладан, одамларнинг Аллоҳ динига тўп-тўп бўлиб киришлари, узоқ йиллардан бери мақтаб келишган ғарб мафкурасининг сўнгги қалъасининг йиқилиши, сиёsatчиларнинг талабалар намойишларига қарши шиддатли курашда мағлуб бўлишлари, исломий юртларда мусулмонларнинг ўз динларини маҳкам тутишлари ва бу нарса одамларнинг тўғри исломий мафкуруни ўз ҳаётларида татбиқ этишларига ҳаракат қилишига туртки бўлиши.

**Биринчи пункт:** Яъни ғарбнинг бутун ер юзи ҳалқларига нисбатан қандай мафкура асосида муносабатда бўлишига ва мафкурасининг қандай пайдо бўлганига келсак, бу мафкура диндорлар ва черков руҳонийлари қўллаб келган зулмга реакция сифатида келиб чиққан. Яъни (уларнинг қарашлари бўйича) бу мафкура зулмга, зўравонликка ва коррупцияга қарши пайдо бўлган. ғарб мафкураси соҳибларининг қарашлари мана шу. Улар зулму зўравонликка сабаб бўлган черков ва диний мафкурадан озод бўлишгач, бу ғояни амалга ошириш учун асосий фикрларни ишлаб чиқишиди. Бу қўйидаги фикрлардан иборат: «Кишан ва қулликка қарши эркинлик», «Демократия – ҳукмдор ва президентларни эркин сайлаш учун сиёсий доирадир», «Инсон ҳуқуқлари черков томонидан шахс ҳуқуқининг тортиб олинишига қарши; у жамиятда демократия ва эркинликка эришиш ва инсоннинг ёмон томонига қарши яхши томонларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учундир».

Бироқ кутилмаган иш юз бериб, эски зулм (черков зулми) ўрнини янги зулм эгаллади. Бу – фикрларни компаниялар ва шахсий манфаатларга хизмат қилиш учун ишлатган йирик капиталистлар зулмидир. Натижада барча ғарб давлатлари устидан одамларнинг 2 %идан ошмаган синф ҳукмронлик қиласидиган бўлиб қолди. Яъни эски зулм ўрнини янада каттароқ, шиддатлироқ ва кенгроқ зулм эгаллади. Устига-устак, ғарб мафкураси ўйлаб топган эркинлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари йирик капиталистлар қўлида ўзларининг шахсий манфаатларига эришиш учун гаров бўлиб қолди. Бунга бир сиқим капиталист ҳукмдорлар Яқин Шарқдаги сиёсий

мақсадларини амалга ошириш учун ғазога қарши үрушда қўллаётган зулмдан кучлироқ далил бўлмаса керак. Шу даражадаки, халқлар тўйиб кетиши, ишнинг асл ҳақиқатига гувоҳ бўлиб, қўзғалишди ва ҳалигача тинчишгани йўқ. Халқлар демократия, эркинликлар ва инсон ҳуқуқларига худди бошидагидек амал қилинишини талаб қилишадиган бўлди ва президентларни – ҳозирда АҚШ ва ғарб давлатлари Украина уруши ва ғазо урушида қилишаётгани каби – иккюзламачилик қилишни бас қилишга чақиришди!!

Ғарб халқларининг бошқа халқларга нисбатан қарашлари, аслида, ғарб қабул қилган мафкурага (демократия, эркинликлар ва инсон ҳуқуқлари мафкурасига) асосланган қарашдир. Бироқ ҳақиқатда ғарб давлатларидаги сиёсатчилар ва мансабдорлар ушбу мафкурани ўз юртларида ҳам татбиқ қилишмайди. Биз бу ерда айни мафкурани ҳимоя қилмоқчи ёки уни тўғриламоқчи ёки хатоларини баён қилмоқчи эмасмиз. Балки ушбу 1 % синф сиёсатчиларининг ҳатто ўз давлатлари ичкарисида ҳам ёлғон сиёсат олиб боришаётгани ҳақида сўз юритмоқчимиз. Тадқиқотчи Абдулваҳҳоб Масирий ўзининг «Қисман илмонийлик ва кенг кўламли илмонийлик» китобида бундай дейди: «ғарб учинчи дунёдаги миллий давлатлар суверенлигини тортиб олиш осон бўлиши учун уларни заифлаштириш механизмини (БМТ, Жаҳон Банки ва ноҳуқумат фуқаролик жамиятларини) ривожлантириш йўлида бор кучини сарфлади». Франциялик ёзувчи Жан-Клод Гийбо ўзининг «Янги дунёning туғилиши» номли машҳур китобида бундай дейди: «Ҳозир ғарбда фундаментализм ҳукмронлик қиласпти. Уни ҳатто инсоннинг инсонийлигини ҳам инкор этаётган совуқ илмоний технологик мафкура гегемонлигига кўриш мумкин. Ҳақиқатда, ушбу ҳаддан ташқари позитивистик фикр ўзининг сциентизмида инсонни оддий элементларга, унинг физик қонунларига ва биологик-физиологик ўзаро таъсирига чеклаб қўяди. У материализмдан устун турадиган бирор бир идеал ёки илоҳий руҳий трансценденцияни тан олмайди. Бу жуда хавфли оқим, балки диний фундаменталистик оқимдан ҳам хавфлироқ, гарчи шаклан бошқача ва унга қарама-қарши бўлса ҳам».

Ғарб БМТ бошчилигидаги ўз муассасаларида ёзиб қўйган эркинлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари ғоялари билан воқеликда кузатилаётган нарсалар ўртасида аниқ ва мукаммал

айрма бор. Бунга ғарблекларнинг бойликлар, нефть ва сиёсий ҳукмронлик учун исломий юртларда олиб борган қирғинбарот урушлари яққол далил бўлади. Жазоирда 1989 йил Ислом ҳокимиятга ғарб даъво қилган демократия йўли билан келганд, у Жазоирни босиб олиш билан қандай таҳдид қилган эди?! Нега ғарб ўзининг илк демократик қадамларини озодлик инқилоблари ортидан халқларни ҳарбий мустамлака қилиш билан бошлади, нега университетларда ғазодаги воқеаларга нисбатан ўз фикрини билдирган талабаларни репрессия қиляпти?!

**Иккинчи пункт:** ғарбнинг айни мафкурани қандай татбиқ қилаётганига келсак, юқорида айтганимиздек, ғарб дунёқарashi асоси материализмдир. У материализмга хизмат қиласиган фикрларгагина эътибор беради. Шунинг учун ғарб давлатлари мустамлакачиликни моддий ютуқ ва манфаатга эришиш учун йўл қилиб олди, демократия ва инсон ҳуқуқларига хизмат қилиши учун эмас. Компаниялар ва уларнинг сиёсий вакиллари ўтган йиллар давомида уруш ва тинчлик ҳолатида БМТ каби ғарб мафкурасини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан шу мақсадда фойдаланиб келишди. Масалан Европа, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка ҳам ҳеч қачон демократия ёки инсон ҳуқуқларига, ёки ҳатто эркинликка ўз давлатлари ичida ҳам, ташқарисида ҳам хизмат қилгани йўқ. Аксинча, бу давлатлар йирик компаниялар ва капиталистларнинг истагига хизмат қилиб келишган. Ўтган асрнинг ўрталарида ҳарбий мустамлакачилик ҳеч қачон учинчи дунё давлатларида демократияни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун бўлмаган. Балки, у ердаги бойликлар ва бозорларга ҳукмронлик қилиш учун бўлган. Америка Европа давлатлари билан бирга Ироқ, Афғонистон ва бошқа юртларда бошлаган урушлар ҳам капиталистларга хизмат қилди. Балки, айrim сиёsatчиларнинг эътирофлари бу урушдаги хато баҳоналарни очиб бергандир. Бу ҳақда ёзувчи Башир Ансорий 2010 йил 20 апрелда Ал-Жазира нетда нашр қилинган «Босқинчилик демократиясидан демократияни босиб олишга» номли мақоласида бундай дейди: «АҚШнинг Республикачилар ва Демократлар партиясидаги сиёсий элитаси баъзи масалаларда келиша олмаслиги мумкин. Бироқ учинчи дунё давлатларида, хусусан, Яқин Шарқ ва мусулмон юртларида

гегемонлик сиёсатини қонунийлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун восита сифатида «демократияни ривожлантириш»дан фойдаланишга иттифоқ қилишган. Чунки демократияни ривожлантириш шиори ғарб халқларини алдаш ва улар назарида босқинчilikни оқлашда қўл келиши мумкин. Шунингдек, босқинчilik кучларига ақллар ва қалбларни забт этишда ёрдам бериши ҳам мумкин».

АҚШ ва Европа давлатларидаги раҳбарларнинг яхудий вужудини қўллаб-қувватлашаётгани демократия мафкурасини бутунлай йўқقا чиқармоқда. Давлатларнинг халқларни мустамлака қилишига қарши курашга ва инсон ҳуқуқларига чақираётган БМТ резолюцияларини ер билан яксон этмоқда. БМТ ўз тақдирини ўзи белгилашга, босқинчilikка барҳам беришга, қочқинларни ва ўз ватанларидан чиқариб юборилганларни ўз юртларига қайтишларига чақирмоқда. Аммо йирик давлатлар яхудий вужуди босқинчилигини қўллаб-қувватлаяпти, унга қарши чиқарилган ҳар қандай резолюцияга қарши турибди.

Иш шу билан тўхтагани йўқ. Балки ғарб хорижий үрушлар ва курашларда юртлар ва фуқароларни бўйсундириш учун европалик ва америкалик халқларни алдаш мақсадида турли баҳоналар келтирадиган бўлди, мақсад битта: капиталистларга хизмат қилиш. Худди Афғонистон ва Ироқча қарши демократия ва инсон ҳуқуқларининг барча маъноларини йўқقا чиқарган ғарб етакчилигидаги үрушда бўлгани каби!!

Америка ичкарисига келсак, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар капиталистлар ва уларнинг сиёсатларига хизмат қилган тақдирдагина татбиқ қилинади, аммо уларнинг сиёсатига зид келиб қолса, ё ўзларини билмасликка олишади ёки унга ҳужум қилишади. Бунга яқинда университетларда бўлган норозилик намойишлари далил бўлади. Ёзувчи Күнин Слобедиан ўзининг «Парчаланаётган капитализм» номли машҳур китобида бундай дейди: «Бозор радикалларининг ҳамма нарсадан устун бўлган истаги ишчилар ва фуқаролар ҳуқуқларини эксплуатация қилиш, сиёсий беқарорлик ва капитал оқими чекланишидан фойдаланиб қолиш, шунингдек, давлат ресурсларини – улар хоҳ инсонлар, хоҳ ер ва хоҳ суд тизими бўладими бундан қатъий назар – ўз тасаруфларига олишдир...». Китобнинг яна бир ерида демократия ва унинг

ушбу нүфузли фигуранлар томонидан қанчалик татбиқ этилаётгани ҳақида сўз юритиб, жумладан бундай дейди: «Ғарб жамиятларидағи бозор радикаллари демократия борасида чуқур фатализмни қўллашади. Гоҳида ана шу радикаллардан кўпчилигининг қалбида демократияга нисбатан очиқдан-очиқ нафрат чуқур илдиз отган бўлади».

**Учинчи пункт:** Ғарб давлатларидағи сиёсатчилар ўз мамлакатларидағи жамоатчилик фикрини чалғитиш учун қўллайдиган нопок услублар ҳақида айтадиган бўлсан, капиталистлар ўз сиёсатларини тиқиширишда асосан ёлғон ва адаштирувчи сиёсат қўллашади. Бунга мисол: Америка ва Европа давлатларининг 2003 йил Афғонистон ва Ироқقا қарши урушни оқлаш учун ўз халқларини терроризм деган нарса билан адаштиргани.

Ироқнинг Япониядаги собиқ элчиси Фоним Алвон Жумайлий 2020 йил 4 март куни «Оро» газетасига бундай деди: «Нью-Йорк Таймс газетаси Американинг Ироқقا қилган урушидаги позициясини эълон қилиб, Ироқнинг оммавий қирғин қуролларига эга эканини, 2001 йил Қўшма Штатларга зарба берган терроризмга унинг алоқаси борлигини даъво қилиш билан жамоатчилик фикрини чалғитди».

1975 йил БМТ Бош Ассамблеяси сионизм ирқий камситишининг бир тури экани, бу эса сионистик мафкурага қарши курашни талаб қилиши, чунки у халқаро тинчлик ва халқаро хавфсизликка таҳдид солиши тўғрисида қарор қабул қилди. Яхудий вужуди эса 1991 йили ўз иттифоқчилари кўмагида айни қарорни бекор қилишга муваффақ бўлди.

АҚШ университетларидағи антисемитизм мафкураси ҳам бунга мисол бўлади. Бу ҳақда «Шарқул Авсат» газетаси 2024 йил 22 апрелдаги сонида «Байден университетлардаги антисемитизмни қоралади» номли мақола нашр қилди. Мақолада «Якшанба куни АҚШ президенти Жо Байден Оқ уйда анъянага айланган яхудийларнинг пасха байрамини нишонлаш муносабати билан берган баёнотида университетлар кампусларидаги антисемитизмни қоралади», дейилади. Дарҳақиқат, Ғарб антисемитизмни яхудийларни баъзан ҳимоя қилиш ва баъзан айблаш учун ўйлаб топган! Масалан, Германияда юз берган яхудийлар ҳодисасида Германияни антисемитизмда айблашган. Бироқ Европадаги айрим яхудий

раҳбарлари ғарб билан тил бириктириб, «Сионизм донишмандлари протоколлари» деган ёлғон нарсани чиқарганидан сўнг яхудийларнинг ўзини антисемитизмда айблашадиган бўлиб қолди ва бу уларнинг Европадан депортация қилинишларига муқаддима вазифасини ўтади!!

АҚШ ва Европадаги жамоатчилик фикрини адаштиришга яна бир мисол «Россия Европани ғажиб ташламоқчи бўлган йиртқичдир, Украина мағлубияти Европа мағлубиятини ва хатарнинг Европа томон чўзилишини англатади» деб тасвиrlанаётганидир. Франция президенти Эммануэль Макрон 2024 йил 15 мартағи телеинтервьюсида бундай деди: «Россия урушни кучайтирадиган бўлса, Европа жавобга тайёр туриши керак... Россиянинг Украина устидан ғалабаси Европага бўлган ишончни йўққа чиқаради... Украина қийин аҳволда, унга иттифоқчиларнинг кучли ёрдами зарур... Тинчлик Украинанинг таслим бўлишини англатмайди... Тинчликка интилиш мағлубиятни англатмайди... Тинчликка интилиш Украинадан воз кечиш дегани эмас»!

**Тўртинчи пункт:** ғарб ҳукуматларини ғазога қарши үрушда яхудий вужудини қўллаб-қувватлашга үнданаган реал сабаблар ҳамда сиёsatлар ва айни сиёsatлардан кўзланган мақсадлар. Бу ерда ғарбнинг яхудий вужудини қўллаб-қувватлаш сабабларининг ғарб халқлари, сиёsatчилар ва муфаккирларга эълон қилинган баҳоналари мавжуд. Уларнинг баъзиларини ғарб тўқиб чиқарди, баъзиларини яхудий раҳбарлари тарғиб қилиб, дунё бўйлаб тарқатишмоқда. Баҳоналардан бири – Ҳамас террористик ҳаракатдир, у дунё террористларидан, хусусан, Эрон ва унинг Ливандаги ҳизбидан ёрдам олмоқда. У яхудий давлатини йўқ қилишни мақсад қилган, деган гапдир. Дарҳақиқат, 2023 йил 7 октябр ҳодисалари ортидан 11 октябрда АҚШ президенти Байден америкаликларга қилган мурожаатида бундай деди: «Мен бугун бош вазир Бинямин Нетаняху билан Исройлдаги даҳшатли ва давомли ҳужумлар ҳақида гаплашдим. Қўшма Штатлар Ҳамас террористларининг ғазодан амалга оширган бу даҳшатли ҳужумини кескин қоралайди. Мен бош вазир Нетаняхуга (Исройл) ҳукумати ва халқига барча керакли қўллаб-қувватлов воситаларини тақдим этишга тайёр эканлигимизни айтдим. Терроризм мутлақо оқланмайди».

**Ғарбнинг бу урушни қўллаб-қувватлашининг яширин ёки ҳақиқий сабабларига келсак,** улар яҳудий вужудининг бор бўлиши ва давом этиши зарурлиги факти атрофида айланади. Бу вужуд – ғарб манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан келажакда Исломга алоқадор ҳар қандай давлатнинг пайдо бўлишини олдини олиш ва пайдо бўлиши биланоқ зудлик билан унга қарши уруш қилиш учун зарур. Бошқа сабаблар ҳам бор, масалан, Яқин Шарқни сиёсий мустамлака қилиш ва ҳукмронлик ўрнатиш, ғарбни энергия билан таъминлаш, Шарқ ва ғарб ўртасидаги денгиз ва қуруқлик йўлларини қўриқлаш ҳамда ғарб саноати учун бозорларни кафолатлаш. Турк ёзувчиси Эрмин Синанович 2023 йил 28 декабрда Ал-Жазира нетда нашр қилинган мақоласида қўйидагиларни таъкидлади: «Ғарбга у ёки бу тарзда ҳукмронлик қилаётган (Истроил) эмас, балки ўзларини сиёсий ва стратегик манфаатларини рўёбга чиқариш учун (Истроил)дан фойдаланаётган ғарб давлатларидир. Шуни таъкидлаш лозимки, ўша пайтда халқаро қонун ғарб давлатларига нисбатан қўлланилмаган ва ҳозир (Истроил)га нисбатан ҳам қўлланмаяпти».

**Бешинчи пункт:** ғарб давлатларидағи халқларни ўз сиёsatчиларига ва уларнинг қилмишларига қарши исён кўтаришга ҳамда уларга қарши туришга ун DAGАН нарса нима?

Аслида одамларни, айниқса, зиёли элитани – хоҳ Европада, хоҳ АҚШда, хоҳ бошқа жойларда бўлсин – ўз ҳукмдорларига қарши исён кўтаришга ун DAGАН сабаблар талайгина. Жумладан:

**Биринчи:** капиталистик мафкуранинг бузуқлиги, бу бузуқликнинг воқеликда кўплаб ҳаётий соҳаларда ўз аксини топаётгани. Масалан, бирин-кетин юз бераётган иқтисодий кризислар, айниқса, 2008 йил юз берган ва оқибатлари бугунгача давом этаётган кризис.

**Иккинчи:** сиёsatчиларнинг зиёли қатlam одатда алданмайдиган ишларда ҳам ёлғон ва чалғитувларни қўллаши. Бунга Ҳамас ҳаракатига антисемитизм ва терроризмни ёпиштиришаётгани ёки АҚШ университетларидағи талабалар ҳаракатларига қарши антисемитизм тамғасини ёпиштиришаётгани мисолдир.

**Учинчи:** икки томонлама стандартлар ҳамда амаллар ва мақсадларни – ҳатто улар мабда ва фикрларни бузса ҳам – оқлайдиган тубан прагматик сиёsat юргизиш. Бунга мисол:

Россияни Украинаға босқин қилганликда айблаб, яхудийларни айбламаслик, ҳолбуки яхудийларнинг босқини яққолроқ ва аниқроқ кўриниб турибди!

**Тўртинчи:** яхудийларнинг ғазо аҳли билан бўлган муносабатларида инсон ҳуқуқларини очиқдан-очиқ поймол этишаётгани ва бу оч қўйиш, қирғин қилиш ва тазийиқ ўтказиш каби қонунбузарликларга бутун дунёning кўриб туриб, кўз юмаётгани. Айниқса, бу жиноятлар ғарблик расмийлар, уларнинг бошидаги АҚШ раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланаётгани дард устига чипқон бўлмоқда. Бу яхудий вужудини ҳимоя қилаётган ва Хавфсизлик Кенгашининг яхудий вужудини қоралаш учун чиқарган бир нечта резолюцияларини бекор қилаётган сиёsatчиларнинг бир сафга чизилишида яққол намоён бўлди. Ҳолбуки шу сиёsatчиларнинг ўзлари шу халқаро муассасалар минбарларида туриб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақиришмоқда.

**Бешинчи:** АҚШ иқтисодий энергиясининг бир қисмини ҳамда университетлар энергиясини яхудий вужуди хизматига сарфланаётгани. Бу талабалар чақириғида яққол кўринди, яъни улар университетлар билан яхудий вужудининг ҳарбий жиҳатларини қўллаб-қувватловчи баъзи муассасалар ўртасидаги ҳамкорликнинг тўхтатилишини талаб қилишди.

**Олтинчи пункт:** Ғарблик капиталистларнинг университетларда кенг тарқалган норозилик кризисини ҳал этиш учун муваффақиятсиз уринишлари.

Ҳозирда университетларда юз берган кризисни ҳал этиш учун қатор уринишлар бўлди, бироқ шунга қарамай, кризис кучайиб, кенгайиб бормоқда ҳамда Қўшма Штатлардан бошқа давлатларга уланмоқда. Бу уринишлар қўйидагилардан иборат:

**1 – Кўч ишлатиш:** АҚШдаги «Адам» ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилувчи маркази 2024 йил 7 май куни нашр қилган баёнотида Америка ҳукуматининг университет талабаларига нисбатан ноқонуний чоралар кўраётганидан хавотир билдириди. Талабалар яхудий вужудининг ғазо секторида фаластиналарга қарши содир этаётган жиноятлари АҚШ ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланишига қарши фақат ўз норозиликларини билдирганликларини таъкидладилар. Баёнотда қўйидагилар таъкидланган: «Фикр ва сўз эркинлиги демократик тузум табиати талаб қилган асосий ҳуқуқ

эркинликларидандир. Бу эркинлик соғлом демократик бошқарувнинг мұхим устуни, хоссатан фуқароларни, умуман жамоатчилик фикрини аниқлашда ажralmas тамал тоши ҳисобланади. У бир томондан, жамият губоҳи бўлаётган барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеа-ҳодисалар тўғрисида, иккинчи томондан, барча фуқароларга юрт ишларини бошқаришда ўз фикрини билдириш имконини беради».

2 – Бу намойишлар қонунга зид, демократияга таҳдид ва терроризмни қўллаб-қувватлайди, дея ахборот воситалари орқали ҳамда сиёсий ва фикрий жиҳатдан адаштириш. Жоржия университетида халқаро алоқалар бўйича профессор британиялик ёзувчи Кас Мудде Британияда чиқадиган Гардиан газетасининг 2024 йил 1 май кунги сонида нашр қилинган «Нега АҚШ университетлари озодлар ўлкасида репрессия тўлқинига дуч келмоқда?» номли мақоласида бундай деди: «Ўта ўнгчилар университетларни терроризм билан хайриҳоҳдир, деди ҳамда антисемитизм ва сўз эркинлиги каби Американинг асосий принципларига таҳдид туғдираётган қилиб тасвирлади». АҚШ конгресси спикери Майк Жонсон Колумбия университетини унинг тили билан айтганда «бошқа университетларга ҳам юқтирган антисемитизм вируси»ни жиловлай олмаса, университет ректорини истеъфога чиқишини талаб қиласиз, деди!

Ушбу адаштирувлардан яна бири демократия ва эркинликларга нотўғри изоҳ беришдир. Бир қанча сиёсатчилар университетларда бўлаётган намойишларга ўқишни бузиш ва университетга ҳукмронлик қилиш орқали бошқаларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилиш, деб баҳо беришди.

Оммавий ахборот воситалари орқали қилинаётган адаштирувга келсак, унда антисемитизм атамаси қўлланилмоқ. Зоро, бу одамларни чалғитишининг бир туридир. Масалан, Байден, учинчи пунктда айтганимиздек, қасддан шу атамани қўллади.

**Еттинчи пункт:** Ғарб университетларида бўлиб ўтган бу воқеалар Исломий Умматга, унинг тафаккурига, ғарб ва мусулмон юртларидаги ўйғониш ва ўзгаришларга хизмат қилишда бир неча жиҳатдан ўз самарасини бера бошлади. Ислом Умматининг ўйғониши йўлига хизмат қилган жиҳатларга мисол:

**1 – Кўплаб ғарблекларнинг Исломга кириши.** Уларнинг Исломга киришлари сабаблари қуйидагилардан иборат: капитализм ва унинг мафкурасида юз бераётган қонунбузарликлар ва оқловлар, бу тубан мафкура асосига қурилган давлатларнинг сиёсалари, Ислом ва мусулмонларга, хусусан, Ғазодаги мусулмонларга қарши содир этилаётган қутурган ҳужумларни томоша қилиб туришлари. Ал-Жазира телеканали мухбири Аҳмад Мансур ўз саҳифасида 2023 йил 2 декабрда нашр қилган «Ғазо үрушининг яна бир жиҳати» номли мақолада бундай деди: «Биз Францияда 40 йил давомида бу қадар Исломга киришга қизиқиши кўрмагандик, айниқса, француз йигит-қизлар орасида. Ғазо үруши бошлангандан бери шунга гувоҳ бўляпмизки, янги мусулмон бўлганларнинг расмий сони бир кунда 80тадан 400тага кўтарилди, кўпая бошлаган франциялик мусулмонлар сони кунига 300дан кам бўлмаяпти». Бу гапга қараганда, демак, биргина Франциянинг ўзида, энг камида, Ақсо Тўфони бошланганидан бери, тахминан икки ой ичида Исломни қабул қилганлар сони камида 20 минг кишини ташкил қилмоқда ва уларнинг аксари ёшлар. Энди худди шу нисбатни бошқа ғарб давлатларига ҳам қиёслайверинг.

**2 – Капитализмнинг сўнгги қалъалари ва мафкуравий базалари, жумладан демократия, эркинликлар ва инсон ҳуқуқларининг ҳақиқий башарасининг очилиши.** Қудсул Арабий газетасининг 2024 йил 24 май кунги сонида нашр қилинган «АҚШ талабалари намойишларини ўрганиш» номли мақолада бундай дейилади: «Ғазо үруши инсон ҳуқуқлари ва умумий эркинликларни ҳурмат қилиш, деган нарсани, шунингдек, расмий ғарб жамиятининг нақадар иккюзламачилигини, қонунни ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қилмаган ҳолда, халқларнинг мусибат ва муаммоларидан ўз манфаати учун фойдаланаётганини фош этди. АҚШ талабаларининг намойишлари инсон ҳуқуқлари ва умумий эркинликлар, хусусан, фикр эркинлиги деган шиорлар сохта эканини фош қилди. Чунки ғарб намойишларга зўравонлик, бостириш ва университетда ўқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, университетларни ҳарбийлаштириш, университет ўқитувчиларини ишдан бўшатиш ва қамоқقا олишлар билан жавоб қилди. Шу даражадаки, шу пайтгacha

АҚШНИНГ ўзи танқид қилиб келган диктатор давлатларнинг қилмишларидан ҳам ошиб тушди».

**3 – Анави сиёсатчиларнинг ёлғончиликлари туфайли уларнинг сиёсатларига бўлган ишончнинг йўқолиши.** Ёзувчи Ризо Шаннуфнинг 2024 йил 27 апрелда нашр қилинган «Талабалар намойиши: Қўшма Штатларда мисли кўрилмаган қўзғолон» номли мақоласида бундай дейилади: «АҚШ маъмуриятининг тупикка кириб қолганини кўрсатувчи далиллар қаторида шуни келтириш мумкинки, талабалар орасидаги бу демократик ўзгариш Қўшма Штатларнинг ташқи сиёсати натижаларига бутунлай зид келади. Ўз навбатида АҚШ ташқи сиёсати Америка миллатига асос солиш фалсафасини ифодаламайди. Шунинг учун Конгресс ва АҚШ маъмурияти ишининг натижаларига тўғридан-тўғри таъсир ўтказувчи, катта халқаро акс садога (резонансга) эга бўлган воқеалар Американинг йирик университетларидан бошланади». Флорида университетининг собиқ профессори Сомий Урён 2024 йил 11 май куни Ал-Жазира нетда нашр қилинган «АҚШдаги талабалар намойишлари... Ақлдан озган сиёсатнинг уринишлари» номли мақоласида бундай дейди: «АҚШНИНГ бирин-кетин келаётган маъмуриятлари кўплаб давлатларга, жумладан, Россия, Эрон, Венесуэла, Шимолий Корея ва Хитойга инсон ҳуқуқларини бузганлик даъвоси билан санкциялар киритди. Бироқ бугун биз Қўшма Штатларнинг фаластиналлик халқа қарши (Исройл) содир этаётган қонунбузарликларга қасдан кўз юмаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ҳолбуки, бу халқ шундоқ ҳам ўнлаб йиллардан бери мана шу босқинчи давлатнинг ваҳшийликларини бошдан кечириб келмоқда».

**4 – Мусулмонларнинг тубан ғарб фикрлари фош этилиши сабабли ўз динларига қаттиқ амал қилаётгани.** Дарҳақиқат, ғарб университетларида бўлган ва ҳамон давом этаётган ҳодисалар мусулмонларни ўз динларига янада мустаҳкам амал қилишга ундади. Айниқса, мусулмонларда ўтган йиллар давомида ғарбнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар каби мафкураси катта таассурот қолдирган эди. Бироқ мана шу ҳодисалар бу каби таассуротларнинг ҳар бирини барбод қилди. Одамларни айни мафкурага тўхталиб, уни текширадиган ва сиёсатчилар билан оддий инсонлар ўртасидаги фарқни англаб етадиган қилиб қўйди. «Форин

афферс» журналида нашр қилинган «Қўшма Штатларда демократия барбод бўлса нима бўлади?» номли мақолада бундай дейилади: «Бугун Қўшма Штатлар тобора кучайиб бораётган антидемократик ҳаракатга дуч келмоқда ва бу нафақат экстремистлар сафида, балки Америка маъмуритининг юқори лавозимли раҳбарларининг катта гуруҳида ҳам кўринмоқда. Бу демократик сайловлар асосларига хавф соладиган ҳаракатdir. Агар бу саъй-ҳаракатлар муваффақиятли бўлса, Қўшма Штатлар демократия тамойилларига амал қилмайдиган биринчи ривожланган соҳта демократик давлатга, яъни демократия олимлари белгилаган эркин ваadolатли сайловлар учун минимал шартларга жавоб бера олмаган давлатга айланиши мумкин». Мақола муаллифи қўйидагича огоҳлантиради: «Америкача демократиянинг муваффақиятсизлиги нафақат Америка учун ҳалокатли бўлиши аниқ. Бунинг келажакда чуқур глобал оқибатлари бўлади. Чунки айни вақтда, Хантингтон таъкидлаганидек, эркинликлар ва демократия реал қамалда қолган».

**Хулоса сифатида бундай деймиз:** Бугунги кунда ғарб давлатларида бўлаётган ҳодисалар, хусусан, талабалар намойишлари, шундоқ ҳам қулаб бораётган бугунги система структурасининг сұякларини кемирувчи қуртдир. Бу қурт катталашиб, кучга тўлиб айни структурани қулатиш арафасида турибди. Зотан, бу системанинг қуриган дараҳти япроқлари тўкилиб-тўкилиб, яланғочланиб ҳамма айблари очилиб бўлди. Мана, унинг охирги қалъаси бўлмиш эркинликлар ва ундан келиб чиқсан нарсалар вайрон бўлди. Унинг сиёсатчилари, уларнинг ғоя ва мақсадлари билан шу сиёсатчилар манфаатига хизмат қилиб эзилган халқлар ўртасида катта жарлик пайдо бўлди. Чунки 2008 йилги кризисдан бошлаб, ундаги иқтисодий мафкуранинг бозор эркинлиги ёки бозор сиёсати каби жуда кўп бўғини синди. Буларнинг барчаси бизга ундан олдинги социалистик система мафкурасини эслатмоқда. Ўшанда қурт унинг оёқ-қўлларини кемириши натижасида у ерга йиқилиб, қаттиқ тошга урилиб парчаланиб кетган эди.

Бу воқелик ва тезлашиб бораётган ушбу воқеа-ҳодисалар бизга икки нарсанинг хушхабарини бермоқда:

**Биринчи:** Бу тузумнинг буткул йўқ бўлишига ва тарафдорларининг унга ишончи ўлишига яқин қолди. Бунинг

белгилари университетлар ҳодисасида яққол намоён бўлди. Ушбу белгилар, шунингдек, одамларнинг Исломга киришга интила бошлаганида ҳам, капиталистик мафкуранинг эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилмасликда айбланаётганида ҳам, ушбу мафкурани воқеликда рӯёбга чиқариш, ҳимоя қилиш ва тўғри татбиқ этилишини таъминлаш учун программа ва механизмнинг йўқлигида ҳам намоён бўлди. Демак, бу айни мафкуранинг нуқсонли-яроқсизлигига далиллар.

**Иккинчи:** Бу тубан фикрлар ўрнида юксак илоҳий мафкуранинг юксалиши. Бу юқорида айтиб ўтганимиздек, исломий юртлардаги одамларнинг ғарб мафкураси, унинг сиёсати ва сиёсатчиларидан кўп йиллар давомида сеҳрланганларидан кейин ўз динларига бўлган ишончлари кучайишида намоён бўлди.

Сўзимизни Аллоҳ Азза ва Жалланинг ушбу каломи билан хотималаймиз:

﴿أَفَمَنْ أَسَسَ بُنْيَنَهُ وَعَلَى تَقْوَىٰ مِنَ اللَّهِ وَرِضَوَنِ حَيْرٌ أَمْ مَنْ أَسَسَ بُنْيَنَهُ وَعَلَى شَفَا جُرْفٍ هَارِ فَانْهَارَ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ وَاللَّهُ لَا يَهُدِي الْقَوْمَ الظَّلَمِينَ ﴾ لَا يَرَأُلُ بُنْيَنَهُمُ الَّذِي بَأْوَ رِبَبَةً فِي قُلُوبِهِمْ إِلَّا أَنْ تَقْطَعَ قُلُوبُهُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Ўз биноларини Аллоҳдан қўрқиши ва Унинг ризолиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биноларига емирилаётган жар ёқасини асос қилиб олиб, шу сабабли ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулаган кимсами?! Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас. Қурган биноларининг (бузиг ташланиши) уларнинг кўнгилларида шак-шубҳа бўлиб қолур. Магар юраклари ёрилиб-жонлари чиқиб кетсагина (шак-шубҳа ҳам йўқ бўлур). Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибиудир» [Тавба 109-110] □

## **ҒАРБ ХАЛИФАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БИЛАН УНИНГ БАРПО БҮЛИШИНИ ТАН ОЛИШ ЎРТАСИДА**

**Қози Абдуллоҳ – Яман вилояти**

Ислом ўзининг ҳокимият тепасига ва халқаро сиёсат саҳнасига қайтишига қарши глобал кампанияга дуч келди. Бу кампанияга фақат Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқалигина қарши туриш мумкин. У давлат сифатида ушбу очиқ урушга қарши туралади. Биз Ғарбнинг сиёсатчилари, ҳукмдорлари ва ҳарбий операциялар олиб борувчи қўмондонлари орқали айтган баёнотларини келтиришдан олдин асос ҳақида айтиб ўтмоқчимиз. Асоски фитратга мос келади, ақлни қаноатлантиради, қалбни хотиржам қиласди ҳамда мусулмонларни ўз ақидаларида мустаҳкамлаб, Роббиларининг ваъдаси ва Пайғамбарларининг башоратларига бўлган иймонини кучайтиради.

Қуръони Карим оятлари мусулмонлар қалбидаги умидсизлик ва тушкунликка қарши кураш ва уларнинг қалбларига умид уруғини экиш учун келди. Яъни Ислом умидсизликни ҳаром қилди ва унинг ўрнига умидни жойлади, пессимистликни ҳаром қилиб, унинг муқобилида оптимистликка буюрди. Шунинг учун биз ожизлардан фарқли ўлароқ, катта умидлар қиласдиган, олийҳиммат, меҳнатсевар, ғайратли ва фидокорликка шошилувчи инсон бўлишни афзал кўрамиз. Маълумки, одамларнинг умидлари ва амаллари қанчалик фарқ қилса, эркакларнинг иродалари ҳам шунчалик фарқ қиласди. Шоир бу ҳақда бундай деган:

Азму қарор азму қарорлик зоттагина келур  
Улуғ ишлар улуғ саховатлигагина берилур  
Кичикнинг кўзида кичик ишлар буюклашур  
Буюкнинг кўзида буюк ишлар кичиклашур.

Биз Халифалик яқинлашиб қолганини таъкидлар эканмиз, муболаға қилмаймиз ва Уммат яшаётган воқеликни тасвирлашдан нарига ўтмаймиз. Биз бу борада Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликнинг қайтиши яқинлашиб қолганини башорат берган шаръий нусусларга таянамиз. Набавий Шариф сийратини ўргансак, шунга гувоҳ бўламизки, Росулуллоҳ  рисолатни етказган чоғларида машаққат ва азоб-уқубатларга дуч келдилар. Душман у зотни

изоляцияга олиб, барча турдаги азобу қийноқларни бошларига солди. Аммо буларнинг барчасига қарамай, у зот сабр қилдилар ва ишни Аллоҳга топширдилар. Ана шунда кўп ўтмай, зулмат ёруғликка, машаққат енгилликка айланди ва одамлар Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирдилар. Ислом тарихини ишончли манбаларидан ўрганар эканмиз, Ислом тарихининг графиги эгри-букир эканини, кескин пасайиб, кескин кўтарилганини, илоҳий қонунга мувофиқ кўтарилиб, пасайишини кўрамиз. Бу қонун Аллоҳнинг

﴿وَتُكَلُّكُ الْأَيَمُ نُذَاوْلُهَا بَيْنَ أَلْئَامِ﴾

**«Бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз»**[Оли Имрон 140]

деган сўзларидир. Ҳақиқатда, мусулмонларнинг иши гоҳ олийликка кўтарилади, гоҳ пастга тушиб кетади. Ўтган баъзи асрларда шу даражада пастладики, ҳатто Ҳажарул Асвад тортиб олинди, уни Қарматийлар зўрлик билан олиб кетишиди ва чорак аср ўшаларда қолди. Сўнг яна жойига қайтарилиди. Мўғул-татарлар Бағдодни эгаллаб, халифани ўлдириб, Ислом Умматини қаттиқ хорлашган пайтда Ислом тарихи жарга қулади. Бироқ қулаган тарих тезда қайта тикланди. Бир аср ўтмасдан мусулмонлар Австрия пойтахти Вена деворларини забт этдилар. Бундан аввал Андалусни босиб ўтиб Франция жанубига етиб боргандилар. Тўлқинлар ичра тебраниб турадиган бу тарих тан олиш керак бўлган ҳақиқатдир. Демак, бугунги кунда Ислом Уммати бошига тушган машаққат ва мусибатлар мусулмонни умидсизликка туширмайди. Аксинча, у сабр қилмоғи лозим. Чунки сабр иймоннинг ярмидир. Гарчи Ислом Умматини оғриқли жароҳатлар ва шафқатсиз вазият ўз домига тортаётган бўлса ҳам, бироқ Аллоҳга бўлган ишончимиз чексиз. Чунки қуръоний оятлар ва набавий сахиҳ ҳадисларда шундай сўзлар борки, қалбларни хотиржам қиласиди, дилларга умид бахш этиб, Умматга келажак – Аллоҳнинг изни или – ушбу динники эканлигидан хушхабар беради. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло

﴿فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا﴾

**«Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бор. Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бор»** [Шарҳ 5-6]  
дейди. Росулуллоҳ

«بَشِّرُوا وَلَا تُنْهِرُوا وَيَسِّرُوا وَلَا تُعَسِّرُوا»

**«Хушхабар беринглар, нафратлантирганлар.**

**Енгиллатинглар, оғирлаштирганлар».** (Бухорий ривояти). Чунки тун қанча узун бўлмасин, албатта Аллоҳнинг изни ила тонг отади. Бас, ушбу Умматда яхшилик – инша Аллоҳ – қиёматгача боқий бўлиб, бу яхшиликни на даҳшатли бўронлар титрата олсин ва на кучли шамоллар. Балки Умматимиз зулмат қанчалар қаттиқ бўлмасин, машаққат ва қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир, инша Аллоҳ. У худди ҳар доим бўлиб келганидек, Аллоҳнинг изни ила албатта бирлашиб, бир саф бўлажак.

Росулимиз бизга келажак Исломники эканлитиги ҳақида башорат берган ҳадислардан:

**Биринчи башорат:** Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ривоят қилади: Росулуллоҳ дан: ё Росулуллоҳ, қайси шаҳар биринчи фатҳ бўлади, Константинополми ёки Римми? деб сўраши.

«مَدِينَةُ هِرَقْلُ تُفْتَحُ أَوْلَى»

**«Ираклий шаҳри биринчи фатҳ бўлади»,** деб жавоб бердилар. (Имом Аҳмад ривояти). Константинополь исломий тарихда Исломбул деб танилган ҳозирги Истанбулдир. Саволдан тушуниладики, саҳоба лар икки шаҳарнинг фатҳ этилишини билганлар, аммо улардан қай бири аввал фатҳ бўлишини билмоқчи бўлганлар ва Ираклий шаҳри, деган жавобни олганлар. Константинополни мусулмон саркарда Мұҳаммад ибн Мурод фатҳ этди, у тарихда саркарда Мұҳаммад Фотих дея ном қозонган. Ираклий шаҳри ҳижрий 857 йил жумодулаввал ойи, милодий 1453 йил май ойида фатҳ этилди. Маълумки, ушбу буюк фатҳ мўғул-татарлар Бағдоддага кириб, Халифаликни ағдаришгандан кейин икки аср ўтиб бўлди. Ўшанда одамлар Ислом тубанлик қаърига кетди деган гумонга боришган эди. Улар Ислом бу дунёда ҳаргиз тугамаслигини унутишди. Чунки, қачон дунёда Ислом тугаса, дунё ҳам тугайди. Чунки қўёш

ўчиб, юлдузлар сўнгач, бутун олам тугайди. Ҳамма нарсага қодир ва буюк Аллоҳ Ўзининг азиз Китобида бундай деган:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظَهِّرَهُ عَلَى الْمُشْرِكُوْنَ﴾  
«У Ўз росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳлашмаса-да – барча динлар устидан ғолиб қилиш учун юборган зотдир» [Тавба 33]

Башоратнинг кейинги қисми, яъни Римнинг фатҳ этилиши қолди ва бу албатта юз беражак, инша Аллоҳ. Ҳозир инсонлар, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кирмоқдалар, шунингдек, Аллоҳнинг фазлу карами ила, Европада инсонлар динимизга ҳар куни кирмоқдалар.

**Иккинчи башорат:** Ҳузайфа ибн Ямон رض Ресулуллоҳ صلی اللہ علیہ و آله و سلّم нинг бундай деб марҳамат қилганларини ривоят қиласди:

«تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِيًّا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيلَةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَّتَ». .

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганданда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар صلی اللہ علیہ و آله و سلّم сукутга чўмдилар». (Имом Аҳмад ривояти). Ушбу ҳадис Халифаликнинг албатта келишини ҳамда шак-шубҳага борувчилар, Ислом ва мусулмонларни ёмон кўриб, дushmanлик қилувчилар истамасалар-да, Ислом албатта барпо бўлишини, чунки у бутун инсониятга яхшилик улашувчи ҳақ ва адолат дини эканини баён қилмоқда.

**Учинчи башорат:** Савбон Росууллоҳ ﷺ нинг бундай деганини ривоят қиласи:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَى لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَسَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا وَإِنَّ أُمَّيَّ سَيِّلَغُ مُلْكُهَا مَا زُوِّيَ لِي مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди. Шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгacha етиб боради». (Имом Муслим ривояти). Ушбу ҳадис Ислом давлати кенгайиб, Шарқу Фарбни, яъни бутун ер юзини – Аллоҳнинг изни ила – ўз ичига олажаги хушхабарини айтмоқда.

**Тўртинчи башорат:** Росууллоҳ ﷺ бундай дедилар:  
«لَا تَنَالُ طَائِفَةً مِنْ أُمَّيَّ ظَاهِرِينَ عَلَى الْحُقْقِ لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَدَّهُمْ حَتَّىٰ يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ كَذِيلُكُمْ»

«Умматимдан бир тоифаси ҳақ устида ғолиб ҳолда давом этади. Ёрдамсиз ташлаб қўйганлар уларга зарар етказолмайди ва албатта улар шу зайл турганларида Аллоҳнинг амри келади». (Имом Муслим ривояти). Яна бир ривоятда

«لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَالَقُهُمْ إِلَّا مَا أَصَابَهُمْ مِنْ لَوْاءَ حَتَّىٰ يَأْتِيَهُمْ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ كَذِيلُكُمْ»

«Уларга қарши чиққанлар уларга зарар етказолмайди, фақат ўзларига етган мусибатдан бошқа. Улар шу зайл турганларида Аллоҳнинг амри келади», дейилган. Ё Росууллоҳ, улар қаерда бўладилар? дейилганди

«بَيْتُ الْمَقْدِسِ وَأَكْنَافُ بَيْتِ الْمَقْدِسِ»

**«Байтул Мақдисда ва Байтул Мақдис атрофида», дедилар.** (Имом Аҳмад ривояти). Бу ерда Росули акрам ﷺ ушбу Умматда яхшилик – инша Аллоҳ – то қиёматга қадар қолишини баён қилмоқдалар. Шунингдек, Қуддусда ва Қуддус атрофида яшовчи мусулмонларни мақтаб, инша Аллоҳ, улар орасидан бир мансур тоифа чиқишини, Қуддус, Умматга етган шунча мусибатларга қарамай, қиёмат кунигача Ислом қалъаси бўлиб қолишини, чунки унинг аҳли Фаластиндаги исломий муқаддасотларни Ислом Уммати вакили сифатида мудофаа қилувчи ўқ бўлиб туришини айтдилар.

Ушбу башоратлар истиқбол – инша Аллоҳ – шу динники эканлигини таъқидламоқда. Шунинг учун биз Исломнинг қайтишидан ва унинг мабдаси яна олам узра зафар қучишидан

асло умидсиз бўлмаймиз. Чунки Росулуллоҳ ﷺ бундай дедилар:

«لَيَبْلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَتَرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرِّ وَلَا وَبَرٍ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ بِعِزٍّ عَزِيزٍ أَوْ بِذُلٍّ ذَلِيلٍ، عِزًا يُعَزُّ اللَّهُ بِهِ الْإِسْلَامُ، وَذُلًا يُذَلُّ اللَّهُ بِهِ الْكُفْرُ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Исломни азиз қиласди. Хорликки, у билан Аллоҳ куфрни хор қиласди». (Имом Аҳмад ривояти). Ушбу ҳадис Аллоҳ Таолонинг Қуръони Каримдаги ушбу каломига тасдиқ сифатида келган:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحُقْقِ لِيُظَهِّرَهُ عَلَى الْأَلِّيْنِ كُلِّهِٰ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُوْنَ﴾  
«У Ўз росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динлар устидан ғолиб қилиши учун юборган зотдир» [Соф 9]

Мана, Роббимиз каломидан иқтибос келтирдик ва унинг ортидан нафс-ҳаводан сўзламайдиган зотнинг сўзларини келтирдик. Энди, Ғарбнинг муҳим сиёсий шахслари ва раҳбарларининг Халифалик ҳақидаги баёнотлари ва огоҳлантирувларидан мисол келтирамиз. Булар Исломга қаттиқ юзсизлик қилган, очиқ тарзда курашган ва Умматимизни энг қаттиқ қирғинбарот қилган кимсалар ҳисобланади. Жумладан, собиқ АҚШ президенти Барак Обама баёнотида «жиходчиларга Сурия ва Ироқ ерларида Исломий Халифалик давлати пайдо қилишларига асло йўл қўймаслиги»ни таъкидлади. Бу баёнот бекорга айтилмади, балки у сўнгги йилларда Ғарб дунёси раҳбарлари ўртасида очиқ эълон қилинган сафарбарлик ҳолатига нисбатан акс-садо сифатида янгради. Бу билан бешинчи рошид Халифалик барпо бўлишидан огоҳлантирилди. Чунки аксар мусулмонлар Халифаликка интиладиган ва унинг Шом диёрларига қайта келиши тўғрисидаги нусулларга таянган ҳолда уни кутадиган бўлиб қолдилар.

Обамадан олдин АҚШ собиқ раҳбари Жорж Буш Ироқ босиб олиниши ортидан кўп тадбирларда Исломий Халифаликни барпо этишга даъват қилаётган гурухлар кучайиб бораётганидан ва улар халқнинг қўллаб-қувватловини қозонаётганидан огоҳликка чақирди. 2005 йил 6 октябрдаги

баёнотида «агар фундаменталистлар битта давлатга ҳукмрон бўлишса, бу кўплаб мусулмонларни бирлаштиришларига ва минтақадаги барча режимларни ағдариб, Испаниядан то Индонезиягача бўлган Ислом фундаменталистик империясини ўрнатишларига олиб келади», деди.

Британия собиқ бош вазири Тони Блэр 2005 йил 16 июлда Лейбористлар партияси умумий конференцияси олдидан сўзлаган нутқида ҳаммадан кўра очиқроқ ва нафратланувчироқ эканини намоён этди: «Бизнинг қаршимизда шундай ҳаракат турибдики, улар Ислом Уммати учун Халифаликни барпо этиш орқали Истроил давлатини йўқ қилишга, Ғарбни Ислом оламидан қувиб чиқаришга ва Ислом оламини шариат қонунлари билан бошқарадиган Ислом давлатини барпо этишга интилоқдалар». Ўша пайтда АҚШ ва Британиянинг Ироқдан чиқиб кетиш оқибатларидан огоҳлантириб, «Ироқдан ҳозир чиқиб кетиш Яқин Шарқда Халифалик барпо бўлишига олиб келади», деди.

Франциянинг собиқ президенти Николя Саркози ва бир қатор европалик сиёсий ва ҳарбий раҳбарлар ҳам 2001 йил 11 сентябр ҳодисаларидан кейин қатор йиллар давомида берган баёнотларида Буш ва Блэрга эргашишди. Барчасининг бир-бирига уйғун мазмунда берган баёнотлари у ёки бу раҳбарнинг шунчаки бир ташвиши эмас, балки тадқиқотларга асосланган жиддий сўзлардир. Айни тадқиқотлардан энг муҳими 2005 йил «Руби Лаффоон Париж нашриёт фондига» томонидан чиқарилган ҳисобот бўлса керак. «АҚШ разведкаси 2020 йилни қандай кўрмоқда?» номли бу тадқиқотда бир қатор американлик эксперталарнинг тахминлари келтирилди. Бу тахминлар бошида социолог ва келажакни башорат қилиш бўйича бosh эксперт, «Келажак зарбаси» китоб музаллифи Элвин Тоффлер, шунингдек, БМТ тайёрлаган «Минг йиллик» лойиҳасининг бosh эксперти Тед Гордон ва Вашингтондаги Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) учун икки йил ишлаган бошқа американлик машҳур эксперталарнинг тахмини туради. Улар ўзларидаги далилларга таяниб ўша кундан бошлаб 15 йилдан кейинги дунёнинг ҳолати ҳақида жиддий ҳисобот чиқаришди. Ҳисобот холосасида ўша йилдан бошлаб 2020 йилга қадар сиёсий Ислом глобал миқёсда кенг тарқалиши ҳамда этник ва миллий исломий ҳаракатлар бир-бирлари билан боғланиб, миллий

чегаралардан ташқарида ҳокимият барпо этишга интилишлари таъкидланган.

Шундай қилиб, Америка ва унинг ғарбий лагердаги иттифоқчилари Исломий Халифаликнинг қайтишига йўл қўймаслик йўлида вақт билан пойга ўйнашга киришиб, барча имкониятларини ишга солишди. Ҳатто бунинг учун ғарб давлатлари, Араб давлатлари ва Эрон ўртасида халқаро коалиция тузишга тўғри келди ҳамда мабдага асосланган бирор жамоанинг ҳокимиятга келишини ва минтақадаги тузумларни ўзгартиришига имкон берадиган ривожланган қуролларга эга бўлишини олдини олиш учун кечаги шериклар қайта бирлашди.

Бу билан Америка бир қатор эксперталар маслаҳатидан юз ўғирди. Улар воқеликдаги фактга рози бўлиш зарурлигини ва қайтиши муқаррар бўлган Исломий Халифалик билан қандай муносабатда бўлиш кераклигини Оқ уйга маслаҳат беришган. Улар жумласидан, американлик ёзувчи Жей Толсоннинг фикрича «Фарб Халифалик мафкурасини нотўғри тушунди, уни ўзига таҳдид туғдирувчи мавҳум тушунча деб ҳисоблади. Бироқ, Халифалик Ислом оламининг маданий хотирасида чуқур илдиз отган». Америкалик сиёсий таҳлилчи ва ёзувчи Жон Ши ўша пайтдаги АҚШ президенти Обамага мактуб ёзиб, уни бешинчи рошид Халифалик билан муроса эшигини очишга чақирди. Чунки Америка кучлари Халифаликка қарши курашга ёки уни даф қилишга қодир эмаслигини таъкидлаб, жумладан, бундай деган: «Очиқ ҳақиқат шуки, дунёдаги ҳеч бир армия – қанчалик яхши қуролланган бўлмасин – ақидавий мафкурани асло мағлуб қилолмайди. Буни тан олишимиз керак. Чунки биз Яқин Шарқдаги ҳар бир давлатда Халифалик мафкураси етакчиларини қамаб, уларнинг китобларини ёқиб тугата олмаймиз. Чунки мусулмонлар ўртасида бу фикрга ижмо қилинган. Бугун Яқин Шарқ Европа давлатларининг бирлашган иқтисодий қудратига дуч келяпти ва бу ҳақиқат. Бироқ шуни унутмайликки, эртага Фарб ҳам бешинчи рошид Халифаликнинг бирлашган қудратига дуч келади».

АҚШ собиқ президенти Обаманинг ички хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Мұҳаммад Эбиари ҳаммасидан ўтиб тушди. У Американи Исломий Халифалик барпо этилишига қарши туришдан огоҳлантириб, Қўшма Штатлар учун ягона имконият

Халифаликни Европа каби уюшган тузилмага айлантириш эканлигини таъкидлади. Унинг даъвосича шундай. Аммо бунга йўл бўлсин. Чунки Халифаликни жиловлашнинг имконияти йўқ. Ахир у ўзига мустақил вужуд. Унинг ўхаши йўқ яшаш тарзи бор. Шунингдек, АҚШнинг собиқ бош вазири Генри Киссинжернинг Кэмп-Дэвид шартномаси имзоланиши ортидан ўша пайтдаги яҳудий бош вазири Менахем Бегинга берган маслаҳатини асло унутмаймиз. У жумладан бундай деган эди: «Мен сенга ухлаётган бир умматни беряпман. Муаммо шундаки, у ухляяпти, ўлгани йўқ. Бас, қўлингдан келганча ухлаётган пайтидан самарали фойдаланиб қол. Чунки у уйғонадиган бўлса, асрлар давомида йўқотган нарсасини бир оз йиллар ичida қайтариб олади». Шундай қилиб, яҳудийлар Ислом Умматининг ўнлаб йиллар давомидаги уйқусидан фойдаланиб, Фаластин заминига ҳукмрон бўлишди ҳамда кўплаб Farb давлатлари раҳбарларини ва қўшни араб давлатлари ҳукмдорларини яҳудий вужудининг хавфсизлиги ва манфаатининг ҳимоясига ўз халқлари хавфсизлиги ва манфаати ҳимоясидан кўра кўпроқ ташвишланадиган қилишга эришишди. Бироқ улардан аксари бугун Киссинжернинг огоҳлантирувларидан ҳар қачонгидан кўпроқ қўрқиб қолишиди. Чунки ўзлари кўриб туришибдики, ер юзининг мағрибу машриқидаги мусулмонлар бир асрдан ортиқ вақт давомида Ислом Уммати бошдан кечирган хорлик ва хўрлиқдан тўйганликларини эълон қилмоқдалар ҳамда Пайғамбарлик замонидан сўнг рошид Халифалик замонида бўлган шон-шарафларини қайта тиклашга интилмоқдалар. Уларнинг ушбу шон-шарафлари Умавийлар, Аббосийлар ва Усманийлар давларида ҳам, то 1924 йил Халифалик қулатилгунга қадар давом этди. Дарҳақиқат, мисрлик қибитий ёзувчи доктор Рафиқ Ҳабиб ўз мақоласида қўйидагиларни таъкидлайди: «Ягона Ислом давлатини тиклаш ғояси Farb давлатлари наздида буюк давлат тузилмасини қуриш лойиҳасини англатади. Бунинг замонида ушбу давлат бугунги кунда дунёning буюк кучлари бўлган Farb ва Америкага қарши курашади, деган маъно ётиби. Farb ўзининг турли давлатлардан устунлигида агадий қола олмайди. Чунки Исломий бирлик давлати бунёд этилса, тез вақтда Farbnинг жанубий чегараларида жойлашиб олади ва Farbни қолган дунё давлатларидан узиб қўяди, оламнинг

юрагини эгаллайди. Бас, қачон Ислом давлати барпо бўлса, Фарб йирик державалигида давом этолмайди. Бундан ҳам энг муҳими, Фарб цивилизацияси (ҳазорати)нинг дунёда ҳукмронлик қилаётган цивилизация сифатидаги роли тугайди. Шунинг учун мустамлакачи Фарб давлатлари бу ютуқни Халифаликни қайтариш олдида реал тўсиқ бўлган сабаблар, шарт-шароитлар ва режалар билан ўраб олишлари табиий ва кутилган иш эди. Ким мустамлакачи Фарб кучларининг Халифалик давлатининг тарихига ва унинг кутилаётган келажагига бўлган қарашларини англаб етса, айни кучларнинг ушбу давлатнинг қайтиши олдига тўсиқ қўйишга қанчалик қаттиқ эътибор қаратаётганини ҳам тушуниб етади. Агар ягона Ислом давлати барпо бўлса, глобаллашув орзузи, яъни либерал Фарбнинг дунёга гегемонлик қилиш орзузи тугайди. Чунки Ислом давлати албатта дунёning салмоқли қисмига ҳукмрон бўлади. Бу билан Фарб цивилизациясига қарши рақобатлашувчи бошқа ҳазоратни олиб келади ҳамда Фарб цивилизациясининг дунёга гегемонлик қилиши олдига тўсиқ қўяди. Ягона Ислом давлати орзузи Фарбга турли даврлардаги Ислом давлати билан бўлган тарихини хотирлатмоқда. Ўшанда Фарб Исломий Халифалик давлати ағдарилмагунича ўз гегемонлиги ва глобал етакчилигини рўёбга чиқаролмаган. Зоро, Халифалик давлати Фарб давлатларига оламшумул ҳазорий хатар эди».

Доктор Рафиқ Ҳабиб айтганидек, Фарб Халифаликнинг барпо этилишига йўл қўймаслик учун мусулмонлар олдига тўсиқлар қўйишни мақсад қилган. Шу боис, мустамлакачи давлатлар Халифаликнинг қайтишига йўл қўймаслик ва унинг ғоясига қарши курашиш учун кўп йўл ва усувларни қўллашди. Улардан айримларини келтириб ўтамиз:

1 – Сиёсий адаштириш. Бу услуб барча мусулмон юртларида умумий сиёsat сифатида Фарбга бўйсунишга олиб келди. Оқибатда режимлар Фарбга янада кўпроқ қуллик қиласидиган бўлди ҳамда уларнинг мустамлакачилик кишанидан озод этиш имкониятини озайтирди.

2 – Мафкуравий адаштириш. Бу Ислом Умматига Фарб фикрларини Ислом тўнини кийдириб сингдиришdir. Бу таълим дастурлари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда Фарб фикрларига ишониб, уни тарғиб қилувчи ғарбпаст ҳизблар

Фарб Халифаликка қарши кураш билан унинг барпо бўлишини тан олиш ўртасида орқали, шунингдек, ёзувчилар ва нопок сарой уламолари орқали амалга оширилади.

3 – Оммавий ахборот воситалари ва қаттиқ назорат. Ушбу назоратни Фарб кучлари Халифалик мафкураси, лойиҳаси ва айни лойиҳага алоқадор барча тадбирлар, фаолият ва фикрларга қарши ўрнатган.

4 – Фарб кучлари ўқдонида қолган энг охирги найза мўътадил дейишаётган исломий ҳаракатлардир. Улар бу ҳаракатлар орқали номи исломий, аммо Фарбга содиқ бўлган, Халифалик лойиҳасини йўқ қиласидан бошқарув моделини яратишга ҳаракат қилишди. Бунинг учун Умматга уни намуна қилиб кўрсатмоқда. Бироқ Уммат тез орада бу намунанинг бесамарлигини, тобелигини ва Ислом мабдаидан узоқлигини фош этади.

Биз Фарб сиёсатчилари ва раҳбарларининг Халифаликка қарши кураш ва ундан огоҳлантиришга оид баёнотларини келтирганимиздан сўнг, янада мұҳимроқ баёнотлари ва ҳаракатларини эслатиб ўтамиш. Бу баёнот ва ҳаракатлар мустамлакачи Фарб кучларининг Халифалик қайтишидан нақадар қўрқишаётганини, уни кечикириш учун минтақада уруш оловини ёқиш йўлига ўтишганини кўрсатмоқда. Лекин улар бунга эриша олмайди. Чунки аллақачон вақти келган мафкуранинг ва рўёбга чиқиши белгиланган лойиҳанинг қаршисида асло туриша олмайди. Мазкур баёнотлардан асосийси Байденнинг Покистон ҳақида «мени кўпроқ хавотирга solaётган нарса на Афғонистон, на Ироқ ва на Эроннинг ядервий кризиси, балки Покистондир», деган сўзлари бўлди. Кейин «Биламан, Покистон катта юрт, қўлида отиши мумкин бўлган ядервий қурол бор, у ерда экстремистик аҳолининг ҳақиқатда мұҳим озчилиги яшайди», деди. Унинг айни баёноти кўплаб расмийлар ва экспертларнинг қатор хавотирли баёнотлар беришлари ва Покистон келаётган Халифаликнинг марказий нуқтаси бўлишидан огоҳлантиришлари манзарасида янгради. 2009 йил 24 ноябрда Аризонадаги «Форт Хуачука»даги армия разведка маркази қўмондони генерал-майор Жон М. Кастер Вашингтон Таймс газетасига берган интервьюсида бундай деди: «Эски ҳарбий қўмондонлар бизни яхши кўришади, Америка маданиятини тушунишади ва бизни душман эмаслигимизни билишади. Бироқ улар энди қуролли

кучлардан ташқарида». МРБ Бosh қўмондони Дэвид Петреуснинг маслаҳатчиси Дэвид Килкуллен ўзининг 2009 йил март ойида «Вашингтон Пост» газетасида чиқсан баёнотида бундай деди: «Покистонда 173 миллион аҳоли, 100та ядровий каллаклар ва АҚШ армиясидан катта армия бор... Биз Покистон режими олти ой ичида қулаши мумкин бўлган даврга етиб келдик... Экстремистларнинг бу режимни қулатиши бугунги кунда терроризмга қарши кураш учун кўрган барча чораларимизни чилпарчин қиласди». 2009 йил 2 декабрда Покистоннинг “Geo” каналида АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон Покистондаги Халифалик учун кетаётган фаолиятдан хавотирда эканини билдири.

Бу баёнотлар оммага ошкор бўлиб бўлган. Бундан ўнлаб йил аввал айтилганига қарамай, уларнинг бугун бўлмаса, эртага унинг барпо бўлишини тахмин қилишаётгани сабабли ушбу кутилаётган Халифаликдан қўрқишаётгани яққол маълум бўлмоқда. Баъзилари уни 2020 йилда барпо бўлишини башорат берди, масалан, МРБнинг Виржиниядаги миллий разведка идораси чиқарган «Глобал келажакни хариталаш» номли ҳисоботда ва Россия давлат Думаси раисининг собиқ ўринбосари Михаил Юрьев баёнотида келгани каби.

Бу баёнотлар биз таъкидлаган Халифалик яқинлашаётганининг ягона далили эмас. Балки бунинг энг кучли ва аниқ далили Уммат яшаётган воқеликдир. Чунки бугун Ислом Уммати Халифаликка, бирлашишга, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида шариатнинг татбиқ этилишига қаттиқ интиладиган бўлиб қолди. У Исломига ҳар қачонгидан кўра қаттиқроқ амал қиласдиган, унинг йўлида ҳар қанча қурбонликлар беришга тайёр турадиган Умматга айланди. Бунга уни ундаётган нарса ақидавий тушунчасининг кенгайгани ҳамда бундай ёмон воқеликдан қутулишнинг ягона йўли Ислом давлатининг барпо этилиши деб билаётганидир. Бугун Умматда «Бу иш бошида нима билан ислоҳ бўлган бўлса, бугун ҳам ўша нарса билан ислоҳ бўлади» деган шиор амалий тушунчага айланди. Ислом Умматининг бўйнига осилиб олган анави ҳукмдорларнинг ҳам айблари кундек аён бўлиб, Уммат ва унинг ҳазорий лойиҳасига ошкора душманга айланишди. Улар Исломга қарши курашда АҚШ ва Фарбга шерикдир. Нафақат ҳукмдорлар, балки Фарб кучларининг кимлиги очилиб, шунча катта ҳарбий техникага эга

эканига қарамай, армиялари ҳам, ҳарбий қудратлари ҳам мўрт эканлиги фош бўлиб қолди. НАТО Афғонистондан шундай даҳшатли тушни бошдан кечирдики, унинг тинчини армия ва Уммат бузмади, балки бир груп мусулмонлар бузди. Ҳатто НАТО қўшинлари орасида Афғонистондаги мужоҳидлар ҳужумларидан ҳимояланиш учун тўлов тўлаб келганларини ҳам гувоҳи бўлдик. Биз, шунингдек, яҳудий вужуди армиясининг, Farbdan шунча куч ва қурол-яроғ билан таъминланадиганига қарамай, оз сондаги ғазолик мужоҳидларга дуч келган пайтда орқаларига қарамай қочиб қолишганига гувоҳ бўлдик ва ҳануз гувоҳ бўляпмиз. Бу мағлуб коғир Farbnинг психоложик ва жанговар воқелиги бўлса, буниси азоб-уқубатда яшаётган бир Умматнинг воқелигидир ва бу Ислом Уммати яқинлашиб келаётган Халифалик давлатини ўз бағрига олишга тайёр эканини тасдиқлаб турибди. Чунки Халифалик унинг наздида хаёл ва орзу эмас, эртага эришилажак реал воқеликка айланиб бўлди.

Ва ниҳоят, Farb сўнгги йилларда ўтказган кўплаб сўровлар мусулмонлардан 70 % и Исломий Халифаликнинг қайтишига интилаётганини, улардан кўпчилиги Халифалик кўз очиб юмгунча барпо бўлади деб ҳисоблаётганини кўрсатди. Шундай экан, Farb дунёси, яхиси, бу борадаги ҳисоб-китобини бошқа кўриб чиққани маъқул. Ўзининг ақлирасо фуқаролари бераётган маслаҳатларга қулоқ тутсин. Таҳт ҳимояси учун урушга киришни маслаҳат бераётган кимсаларнинг алжирашларига қулоқ солмасин. Чунки улар билган нарсаларининг барчасини унтиб юборадиган энг тубан кунни кўришга (яъни, ўзини бошқара олмайдиган кексалик пайтидаги ҳолатга) қайтарилган кимсалардир. Масалан, Фиръавн халоскор пайғамбар чиқишини олдини олмоқчи бўлди ва иймон келтирганларнинг янги туғилган ўғилларини битта қўймай қатл қилишга буюрди. Бироқ Аллоҳ ўз иродаси ила, уни шарманда қилди ва Muso ﷺ Фиръавннинг ўз хонадонида ва хотинининг бағрида ўсиб улғайишини, ҳатто унинг ўлими ҳам Muso ﷺнинг қўли билан бўлишини тақдир этди. Бечораҳол инсонларга иноят қилиб, уларни Фиръавннинг салтанати, саройлари ва хазиналарига меросхўр қилди.

**Хулоса:** Биз Farb муфакирларининг баёнотлари ичida европалик Бернард Шоунинг баёнотидан кўра очиқроғини

Фарб Халифаликка қарши кураш билан унинг барпо бўлишини тан олиш ўртасида

топмадик. У бундай деган: «Бўгун бутун олам Мұҳаммад дек бир кишига муҳтож. Чунки у олам мұаммосини бир пиёла қаҳва ичаётібоқ ҳал этиб қўйган». Бу гап дунё барча социалистик ва капиталистик мағкуралардан воз кечганлигидан яққол далолатдирки, олам фақат шу динни ўрганиши, саййидимиз Мұҳаммад нинг рисолатига иймон келтириши ва Ислом асосларини татбиқ қилиши лозим. Ана шунда бутун инсоният Аллоҳнинг изни или тинч хотиржам ҳаёт кечиради. □

## ҒАЗО АҲЛИГА НУСРАТ БЕРИШ УЧУН ИСЛОМ УММАТИ УЛАМОЛАРИГА МУРОЖААТ

Жамол Хумайсий  
Яман вилоати

Эй Ислом Уммати уламолари! Биз Ресулуллоҳ ﷺ айтган ғарифлар замонидамиз:

«بَدَا إِلْيَسْلَامُ عَرِيبًا وَسَيَعُودُ غَرِيبًا فَطُوبَى لِلْعَرَبِاءِ»

«Ислом ғариф бўлиб бошланди, яна ғариф бўлиб қайтади.  
Ғарифларга жаннат бўлсин!»

Эй уламолар! Сиз бу замонда чўкаётганлар учун чўкишдан қутқарадиган ҳамда – Аллоҳнинг изни ила – қайта жон ато этадиган қутқариш камарисиз. Чунки фитна зулматларида кўзлар кўр бўлиб қолган пайтда ҳақни кўра олувчилар уламолардир. Аллоҳ уламоларни шундай баланд даражага кўтарганки, у ерга мусулмонлар кўзлари ва қалблари билан талпинадилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَالَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَيْرٌ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» [Мужодала 11] Аллоҳ нега уламоларни бундай юксак мавқега кўтарди. Чунки мусулмонлар доим машақатларда уларга мурожаат қилинилар, уларнинг сўзлари ва кўрсатмаларига таянсинилар. Зоро, Аллоҳ уламолар зиммасига Умматнинг тақдирний масалалари олдида – айниқса ҳозирги дамда – кўплаб вазифалар юклаган.

Эй уламолар! Ғазода кишилар, аёллар ва гўдаклар қатли ом қилиниб, ҳатто дов-дараҳт ва тоғу тошгача етиб бориши зимманизга юклangan жавобгарликни қўзғатмаяптими?! Аллоҳ сиздан олган аҳд-паймон ўзингизга туртки бўлмаяптими?!

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيشَقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لِتَبَيَّنَهُ وَلِلنَّاسِ وَلَا تَكُثُّمُونَهُ وَفَبَدُّوْهُ وَرَأَءَهُوْرُهُمْ أَشْتَرَوْا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَيُشَسَّسَ مَا يَشَتَّرُونَ﴾

«Эсланг (эй Мұхаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсиз ва яширмайсиз!» – деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташлашди ва уни озгина қийматга

**сотишди. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди!»** [Оли Имрон 187]

Шунинг учун, эй уламолар, Аллоҳдан қўрқиб, ҳақ сўзни айтмоғингиз, Умматга шаръий вазифани баён қилмоғингиз, бўлинеш ва Сайкс-Пико чегаралари асосида парчаланишни рад этиб, Умматнинг бирлигини тақозо қиладиган тушунчани ёймоғингиз лозим.

Уламолар елкасига шуни тушунтириш вазифаси юкланганки, Ислом Умматининг бирлашмоғи шаръий иш бўлиб, Холик Субҳанаҳу шунга буюрган ва буни нусратга етишиш ва ер юзида ғолиб бўлишга сабаб ва қонун қилиб қўйган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَنَرَّقُوا﴾

**«Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига боғланингиз ва бўлинмангиз!»** [Оли Имрон 103]

Яна бундай деди:

﴿وَأَطِيعُوا أَللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَنَرَّعُوا فَتَفْشِلُوا وَتَذَهَّبَ رِيحُكُمْ وَأَصْبِرُوا إِنَّ اللَّهَ مَعَ الْصَّابِرِينَ﴾

**«Аллоҳ ва Росулига итоат қилинглар ҳамда (ўзаро) низолашмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилинглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир!»** [Анфол 46]

Эй Уммат уламолари! Нафақат Ғазода, балки бутун дунёда мусулмонлар бошига тушаётган мусибатларнинг ягона сабаби бўлинешdir. Бас, сиз гоҳ сукут қилиш билан, гоҳида унга тарғиб қилиш билан бўлинешга шерик бўлманг.

Эй Уммат уламолари! Мусулмонларнинг бўлининиши нақадар хавфли эканини англамоғингиз учун Ғазодаги мусулмонлар бошига тушаётган шунча ишлар камми?! Бунга ишонч ҳосил қилишингиз учун у ердаги қирғин ва вайронагарчиликлар етмайдими?! Аллоҳга қасамки, Уммат бирлашмагунича ҳаргиз азизлик ва куч-қудратга етолмайди. Мусулмонлар қайта бирлашмагунларича ҳамда қаерда бўлмасинлар, жонлари ва номуслари ҳимояланмагунча нусрат асло келмаслигига қалбингизда ишонч бўлиши учун аёллару болаларнинг қирғини кифоя қilmайдими?!

Сиз уламоларнинг ролингиз ўткинчи эмас-ки, вақти-вақти билан заиф гапларни гапириб, шармандали позицияни эгаллаб турсангиз. Ахир, бу Уммат бошдан кечираётган оғир мусибатлар олдида ҳеч нарса эмас-ку. Йўқ, аксинча, бу зиммангиздаги ҳал қилувчи рол ва шаръий фарз бўлиб, Усмоний Халифалик давлати ағдарилган пайтда Уммат бошига тушган энг катта фалокатдан буён ҳар доим мавжуд бўлиб турибди. Чунки ўша улкан фожия сабабли Уммат мана шундай хор-зор аҳволга тушди. Шу даражадаки, тўнғиз ва маймунлар авлоди бўлган яҳудийлар қўлида қирғин қилинаётган Ғазо аҳлига ёрдам бера олмаяпти. Аммо сизнинг кўзларингиз буларни томоша қиляпти, тилларингиз нотўғри айланяпти ёки алжираяпти!

**Эй Уммат уламолари!** Сизнинг бугунги босқичда Умматнинг Исломий Халифалик байроғи остида қайта бирлашиш мағкурасини мустаҳкамлашда алоҳида-муҳим ролингиз бор. Имом Моликнинг «Бу Умматнинг охири фақат боши ислоҳ бўлган нарса билангина ислоҳ бўлади» деган сўзларини эсланг. Шубҳасиз, бу Умматнинг биринчи ислоҳи Ислом билан, унинг ақида ва тузуми билан, Аллоҳнинг ишини қилиб, ҳаққини ўтаб, Унинг йўлида жиҳод қилиш билан бўлди. Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни қайтариб, мусулмонлар халифасига ер юзининг мағрибу машриқидаги барча мусулмонлар байъат беришлари орқали Исломни ақида ва тузум сифатида татбиқ этишга қайтмас эканмиз, бу аҳволимиз асло ислоҳ бўлмайди. Абу Ҳурайра  мен Росулуллоҳ нинг бундай деганларини эшитганман деди:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَاحٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيُتَفَقَّى بِهِ»

**«Имом-халифа қалқондир. Унинг ортида турив жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади».**

Сизнинг вазифангиз эй уламолар, яҳудийлар қилмишларини қоралаш ёки қўлларидан ҳеч нарса келмаётган оддий одамларга хитоб қилиш эмас. Урушни тўхтатиш учун «Хавфсизлик кенгаши»нинг аралашишини талаб қилиш ҳам сизнинг вазифангизга кирмайди. Бу заиф ва хорларча позициянгиз билан Аллоҳ Таолонинг мана бу буйруғига хилоф иш қиляпсиз:

﴿لَمْ تَرِ إِلَى الَّذِينَ يَزَعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَاَكُمُوا إِلَى الظَّلْغَوْتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ وَبُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا﴾

بعيدها

«(Эй Мұхаммад), сизга нозил қилинған нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинған нарсаларга ўзларини иймон келтирған деб ҳисобладыған (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сүраб боришни исташаётганини күрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилған эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздирishiни истайди» [Нисо 60]

Бас, эй уламолар, ўзингиз түғрингизда ҳам, мусулмонлар түғрисида ҳам Аллоҳдан қўрқинг, маърузангизни Уммат қўшинларига қаратинг, токи, улар Аллоҳ зиммаларига юклаган бурчларини, яъни Ислом ерларини озод этиш, унинг аҳлига нусрат бериш ва бу бурчни адо этишдан тўсадиган барча тўсиқларни олиб ташлаш учун жиҳод қилиш бурчларини адо этсинлар. Уммат қўшинларини бу вазифани адо этишларига йўл қўймаётган энг катта тўсиқ мусулмонларни бошқараётган малай ҳукмдорлар бўлиб, улар Аллоҳга, Унинг Росулига ва Умматга хиёнат қилишди.

**Эй Уммат уламолари!** Унумтманг, албатта Аллоҳ олдида турасизлар ҳамда ҳақ сўзни айтиш ва исломий юртлар ҳукмдорлари хиёнатини очиб ташлаш каби амалларга эътибор бермаганингиз учун сўралмай қолмайсиз. Шундай экан, ушбу сўровга нима деб жавоб беришга тайёрланинг! Бугун сизнинг елкангизга тушган бурч ушбу жиддий ва аниқ позицияни әгаллашдир. Бу позиция ғазо аҳлининг қирғин қилинишини қонунийлаштираётган ва яҳудий вужудини тан олиб, у билан муносабатларни нормаллаштираётган кишиларнинг таъвил ва чалкашликларини қабул қилмайди... Сизларга нима бўлди, қандай ҳукм қилмоқдасиз?!

**Эй уламолар!** Бугун сизнинг вазифангиз, ғазода содир бўлаётган ишларнинг шаръий ҳукми жиҳод эълон қилиб, армияларни сафарбар этиш эканлигини баён қилишдан иборат. Ушбу жиҳод мусулмонларнинг ғазодаги ва бутун Фаластиндаги мусулмон биродарларига ёрдам бериш ҳамда икки қибланинг

аввалгиси ва икки ҳарамнинг учинчиси бўлган Масжидул Ақсони озод этиш учун олиб борилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا لَكُمْ لَا تُقْتَلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ وَالْوَلَدَنِ الَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَخْرِجْنَا مِنْ هَذِهِ الْقُرْيَةِ الظَّالِمِ أَهْلُهَا وَاجْعَلْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ وَلِيًّا وَاجْعَلْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ نَصِيرًا﴾

«(Эй мўминлар), сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ва «Парвардигоро, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга Ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга Ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркаклар, аёллар ҳамда болалардан иборат бўлган бечоралар(ни озод қилиш) йўлида жанг қилмаяпсизлар?!» [Нисо 75]

Мусулмонларга фаръий-иккиламчи ишлар ҳақида гапириш сизнинг вазифангиз эмас. Чунки ҳозир бунинг вақти эмас! Султонул уламо, боиул умаро деган тахаллус олган Изз ибн Абдуссаломнинг «Ким зино кенг тарқалган ерга келса-ю, одамларга судхўрликнинг ҳаромлиги ҳақида ваъз айтса, у Аллоҳ ва Росулига хиёнат қилибди», деган сўзларини эсланг! Сиз ҳам Аллоҳга, Росулига ва Ислом Умматига хиёнат қилманг! Аллоҳ Таолонинг ушбу қаломини эсланг:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمْنِتَكُمْ وَأَنْشُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Росулига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга (яъни, динга ва бошка ҳар қандай омонатларга) хиёнат қилмангиз!» [Анфол 27]

Ҳозир Ислом Уммати кечираётган юракларни қон қилувчи алам ва оғриқлар, шубҳасиз, тўлғоқ оғриқларидир, бу тўлғоқ ортидан бизга Аллоҳ ваъда қилган, Росули ﷺ башорат этган нарса келади. Сиз уламолар бу

﴿مُمْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ﴾

«... Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», деган башорат эканини, у албатта бўлишини ўзингиз аниқ биласиз. Бас, Аллоҳ Таоло айтган мана бу кимсалардан бўлиб қолманг:

﴿وَجَحَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنُتُهَا أَنْفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَانْظُرْ كَيْفَ كَانَ عِقَبَةُ الْمُفْسِدِينَ﴾

**«Ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, уни инкор этишиди. Мана энди, бу бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг»** [Намл 14]

Эй Уммат уламолари! Мана, ҳақиқат равшан бўлди. Бугун ҳақ билан ботил ажралган кун. Шу боис ё ҳақ ва унинг қўшинлари билан бирга бўласиз ёки ботил ва унинг қўшинлари билан бирга бўласиз!

Эй Уммат уламолари! Ҳақ сўзни айтмаслик орқали эришаётганингиз мансаб ва унвонлардан воз кечинг. Исломий юртлардаги хоин ва малай ҳукмдорларга худди сеҳргарлар Фиръавнга жавоб қилганидек жавоб қилинг:

﴿قَالُوا لَنْ تُؤْثِرَكُ عَلَىٰ مَا جَاءَنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالَّذِي فَطَرَنَا فَأَقْضِ مَا أَنْتَ قَاضٍ إِنَّمَا تَقْضِي هَذِهِ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا﴾

**«Улар дедилар: «Биз ҳаргиз ўзимизга келган аниқ ҳужжат-мўъжизани ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиласидиган ҳукмингни қиласвер. Сен фақат мана шу дунёдагина ҳукм қилурсан»** [Тоҳа 71]

Охиратингизни дунё матосига алмашманг, ахир, сиз Аллоҳ улар ҳақида

﴿إِنَّمَا يَخْتَنِي اللَّهُ مِنْ عِبَادِهِ الْعَلَمَتُوْا إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ﴾

**«Аллоҳдан бандалари орасидаги уламоларгина қўрқур, албатта Аллоҳ кучли ва кечиргувчи дидир»** [Фотир 28] деган кишиларсиз.

Эй Уммат уламолари! Малай ҳукмдорлар сизни ўлдириб юборишлари ёки қийноққа солишларидан бўлган қўрқув ҳақ сўзни айтишдан тўсмасин. Балки ҳамиша Аллоҳ Таолонинг

﴿قَالُوا لَا ضَيْرٌ إِنَّا إِلَىٰ رَبِّنَا مُنْقَلِبُونَ﴾

**«Зарари йўқ, зеро биз Роббимизга қайтгувчимиз»** [Шуаро 50] деган каломини ёдда тутинг.

Эй Уммат уламолари! Халифалик қулатилган кундан то бугунга қадар Фаластинни қони оқмоқда, ёрдам берувчи йўқ. Сиз уламоларга Аллоҳни ўртага қўйиб айтаман, шу ҳукмдорларни кутяпсизми?! Ахир, уларнинг қалблари тош каби, балки ундан ҳам қаттиқ ва мусулмонларга қаҳрли, коғирларга меҳрибон кимсалар-ку! Наҳотки, шуларнинг Фаластин аҳлига ёрдам беришини кутсангиз?! Йўқ. Аллоҳга

қасамки, Фаластинга иккинчи рошид Халифалик давлатидан бошқаси ҳаргиз ёрдам бермайди. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир уни барпо этиш учун фаолият қилмоқда.

Ҳизб ут-Таҳрир ушбу даъвати билан сизга қуруқ гап сотаётгани йўқ, орзулар осмонида учайтгани йўқ. Аксинча, у сиз уламолардан ўзи билан бирга бўлишингизни сўрайяпти. У билан бирга ҳақ сўзни айтишингизга ҳамда мусулмонларга улар 13 аср Халифалик соясида азиз ва қудратли бўлиб яшаганликларини баён қилиб беришингизга чақирмоқда. Шунингдек, ушбу Халифалик кучли рукн бўлиб, ҳар бир мусулмон паноҳ топишини, деворлари олдида коғир ғарб орзулари чилпарчин бўлишини ва уни барпо этиш билан Фаластин озод этилишини ва барча исломий юртлар куч-қудратга тўлишини ёритиб беришингизга чақирмоқда.

**Эй Уммат уламолари!** Ғазо аҳлига ёрдам беришнинг ягона йўли рошид Халифалик давлатини барпо этиш эканига ҳаргиз дилингизда шубҳа бўлмасин.

**Эй Уммат уламолари!** Абу Умоматул Боҳилийдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ бундай деганлар:

«لَيُنْقَضَنَ عُرَى الْإِسْلَامِ عُرُوهَةً عُرُوهَةً، فَكُلَّمَا اتَّقَضَتْ عُرُوهَةً تَشَبَّثَ النَّاسُ بِالَّتِي تَلِيهَا، وَأَوْهَنَ نَفْصًا الْحُكْمُ وَآخِرُهُنَّ الصَّلَاةُ»

«Ислом асослари албатта бирин-кетин бузилади. Қачон бир асос бузилса, одамлар кейинги асосга маҳкам ёпишадилар. Энг биринчи бўлиб бузиладиган асос – ҳукм, Ислом билан ҳукм юритишидир. Охиргиси эса, намоздир». Шу боис то ушбу биринчи аҳком – бошқарувга қайтилмагунча Ислом Уммати мусибатлари ҳал бўлмайди, яхши ҳаёт топилмайди. Аллоҳ Таоло бундай деган:

«يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَسْتَحِبُّو لِلَّهِ وَلِرَسُولِ إِذَا دَعَاهُمْ لِمَا يُحِبِّيهِمْ وَأَعْلَمُو أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءَ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُخْتَرُونَ»

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг росули сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қиласар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар» [Анфол 24] □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْرَجُوا «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Қайс Саиднинг қайта сайланишини таъминлаш учун ноқонуний чекловлар ва репрессив услублар</b>		
<p>2024 йил 6 октябрга белгиланган президентлик сайловлари яқинлашиб келаётган экан, «African Exponent» сайти нашр қилган хабар Тунисдаги мунозараларга сабаб бўлган сиёсий саҳнага ойдинлик кириди. Хабарга кўра, мухолафат партиялари, президентликка номзодлар ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Тунис режимини амалдаги президент Қайс Саиднинг қайта сайланишини таъминлаш учун «ноқонуний чекловлар» ва таҳдид услубларини қўллаганликда айблашди. Сайтнинг хабарига кўра, бу мунозара Саиднинг 19 июлда яна беш йил етакчилик қилиш учун ўз номзодини қўйганини эълон қилиши ортидан келиб чиқди. 2019 йил сайланган Саид 2021 йилда парламентни тарқатиб юборгани ва (юқорининг) буйруғи билан ҳукм юритгани сабабли танқидларга учради. Бу чораларга мухолафат давлат тўнтариши, дея баҳо берди. Саиднинг «ватансизлар»га ҳокимиятни бермайман деган баёноти сайлов натижаларининг тўғри бўлиши хусусида хавотирларни янада кучайтирди. Халқаро ҳамжамият Туниснинг мана шундай нотинч даврни бошдан кечираётганини яқиндан кузатмоқда ҳамда айни сайловлар натижалари ва уларни ўтказиш йўли Туниснинг демократия йўналишига ва халқаро ҳамкорлари билан муносабатларига катта таъсир кўрсатиши мумкин, дейилади сайтда.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> ушбу мамлакат ва бу раҳбарнинг аҳволи бошқа исломий юртлар ва ҳукмдорларининг аҳволидан фарқ қилмайди. Ҳаммасига Ғарб парда ортидан буйруқлар бериб туради. Кейин улар сохта сайловлар орқали ўз халқлари устидан зўравонларча ҳукм юритишади. Мудом, бу малай хоин режимлар шундай тураверар экан, мудом Ғарб давлатлари уларни бошқариб, ҳаракатлантираверар экан, аҳвол шундай қолаверади. Бундан қутулишнинг ягона йўли эса сиёсий Исломдир. Ҳамма сиёсий Исломга қарши курашяпти. Чунки у ҳақ бўлиб, ботил Ғарб ўзининг илмонийлиги ва капитализми сабабли ундан қўрқади.</p>		
<p><b>Америкалик сенатор «терроризм учун божхона тўлови» лойиҳасини тақдим этмоқда</b></p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Америкалик республикачи сенатор Линдси Грэм нефть сотиб олиш орқали Эронга ёрдам бераётган Хитой каби давлатларни огоҳлантириб, «терроризмга қарши божхона тўлови», деб аталган қонун лойиҳасини тақдим этди. «Эронга ёрдам бераётганлар ўзларини ҳам санкцияга қўядилар», деди у матбуот анжуманида. Ундан Хитой ҳақида сўралганда: «Мен бу масалани Хитойга қолдираман. У ўзи айтсин, Эронга нисбатан қандай муносабатда бўлади ва унга ёрдам беришни истайдими». Унинг айтишича, у икки кун олдин «терроризмга қарши божхона тўловлари»ни талаб қилган янги қонун лойиҳасини тақдим этди. Кейин «бу лойиҳа бўйича, агар Эрон режимидан нефть сотиб олсангиз, сизнинг АҚШга келаётган товарларингиз учун божхона тўлови солинади», дея изоҳлади. Яна бундай деди: «Бу давлатлар террорчи давлат иқтисодига ёрдам бериш орқали уни бойитишяпти. Демак, улар ҳақ тўлашлари керак. Чунки биз улардан айни ишни тўхтатишларини истаймиз, санкцияларимиз иш бермаётганга ўхшайди». Хитой Эроннинг – айниқса савдо соҳасида – ишончли ҳамкори саналади. Эроннинг санкцияларга учраган нефтининг энг йирик харидори ҳам Хитой. Ядровий келишувга амал қилишда давом этаётган Европа давлатлари ҳақида сенатор қўйидагиларни таъкидлади: «Ўйлайманки, бу давлатлар Эронни терроризмнинг ҳомийси сифатида кўрадилар. Яхудий давлатини йўқ қилишга келишув тузган ушбу ташкилотлар раҳбарларини таъқиб қилишга Истроил тўла ҳақли... Бу Европага боғлиқ. Лекин мен АҚШ хавфсизлигини таъминловчи сиёsat яратишга ёрдам бераман»... Оятуллоҳ Хоманаий билан янги Эрон президентига – агар шундай давом этаверсангиз, демак, буни ўз хавфсизлигинизга қарши қиляпсиз, дейман».</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Американинг турган-битгани ёвуз, ундан фақат ёвузлик чиқади. Ушбу бузук, бузғунчи ва золим давлат ҳурматларни топтамоқда, барча қилимешларини қонунийлаштириб, дунёга зўрлаб тиқиширмоқда... Биз биламиз, Эрон Американинг ташқи сиёsatига тобе. Эрон бу молиявий чекловлар Трамп келиши билан уни – худди Трампнинг аввалги президентлиги даврида бўлганидек – қамал</p>		

<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»          «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зудм          килемайди, уни ташлаб кўймайди ва камситмайди»</p>	<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>
<p>қилишидан қўрқади. Чунки бу чекловлардан Эроннинг ташқи сиёсий хатти-ҳаракатларини назоратда ушлаб туриш ва Американинг халқаро манфаатлари доирасидан четга чиқмаслигини таъминлаш кўзланган. Шу вақтнинг ўзида, Америка Эронни қандай ишлатишни ва уни Форс кўрфазида «олабўжи» қилиб кўрсатишни, «Эрон терроризми»дан қандай самарали фойдаланишни яхши билади. Яъни халқаро террорчиликнинг «она»си Америкадир.</p>		
<p><b>Амирликлар режими мамлакатда яшаётган ва Фаластинга хайриҳоҳ фикрда бўлган арабларни қувғин қилишда давом этмоқда</b></p>		
<p>Амирликларда яшаётган ва Фаластин масаласини қўллаб-қувватлаётган араблар ҳамон азоб-уқубат чекмоқдалар. Бу давлат 2020 йил авгуистда босқинчи (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштирар экан, бу ғарбий Соҳилдаги Иордан водийсининг (Исроил) томонидан аннекция қилинишини тўхтатади деб даъво қилди. Амирликларда яшаётган турли араб давлатлари фуқаролигига мансуб инсонлар эса, қамоқ, қийноқ ва жарима каби турли қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Баъзилари Фаластин масаласига ва ўн ойдан бери тинимсиз геноцидга дучор бўлаётган ғазо секторига «электрон бирдамлик» билдиргани учун депортация қилинмоқда. Фаластиннинг «Сафо» маҳаллий ахборот агентлиги келтирган гувоҳликларга кўра, яқинда Амирликлар хавфсизлик хизмати юзлаб арабларга нисбатан қамоққа олиш ва депортация қилиш кампаниясини ўtkazdi ва бу уларнинг жиноят содир этганлари ёки жамоат тартиби ва қонунни бузганлари учун эмас, балки ғазодаги фаластинликларга электрон бирдамлик кўрсатганлари учун бўлди. Гувоҳларнинг айтишича, баъзилари, айниқса, Фаластин, Миср, Тунис, Марокаш ва Жазоир фуқаролари ҳисбга олинишдан олдин ўғирлаб кетилган. «Увайр», «Разин», «Садр» ва «Дубай марказий» қамоқхоналарида терговларни, жисмоний ва руҳий қийноқларни бошдан кечиргандар. Кейин йирик миқдорда (250 минг долларгача) жарима тўлашга мажбурланганлар ва давлатдан депортация қилинганлар.</p>		

**Ал-Ваъй:** Биз илгари ҳам араблар иблиси (айни лақаб билан ном қозонған Мұхаммад ибн Зойид) ҳақида күп гапирғанмиз. Энди, Аллоҳ Таолодан шу кимсани ва араб ҳұкмдорларини бу дүнёда бошига қора күнларни солиш, қиёмат куни эңг қаттық азобга гирифтор қилиш билан күзларимизни қувонтиришини сұрашдан бошқа тилагимиз қолмади. Бу ҳұкмдорлар буйруғини бажарувлы мусулмон қүшінларимизни эса, қиёматда үшалар билан бирга тирилишдан огохлантирамиз, балки бу ҳұкмдорларға итоат қилишга эмас, аксина, уларни ағдаришга ҳаракат қилиб, Ислом шариатини барпо этиш билан Аллоҳнинг ансорларига айланишларига чақирамиз.

### **Намозхонларни қирғин қилишда ишлатылған ҳалокатли Америка ракеталарининг ҳарорати 7 минг даражага етган**

Ғазодаги фуқаролик мудофааси хизматининг таъминот департаменти директори доктор Мұхаммад Мұғирнинг маълум қилишича, Дараж кварталидаги болалар мактаби Американинг ҳар бирининг оғирлиги 2 минг фунт, иссиқлиги 7 минг даражада бўлган учта «Mark 84» русумли қирғинбарот ракетаси билан бомбаланган. Докторнинг Фаластин оммавий ахборот воситаларига таъкидлашича, бугун эрталаб нишонга олинган мактаб 2400 ватандошга бошпана сифатида хизмат қилаётган бўлган ва умуман шу ҳафтанинг ўзида босқинчилар Ғазо шимолида олтига бошпана мактабни бомбалашган. Ўтган ой ўрталарида босқинчи кучлар Хонюнусдаги Мавосий минтақасида кўчирилган аҳолига қарши қирғин содир этиб, 100га яқин кишини шаҳид қилган ва ўшандада ҳам АҚШнинг қирғинбарот бомбаларини қўллаган. Иброний тилида чиқадиган «Маориф» газетаси бу қирғинда Американинг бошқариладиган «JDAM» бомбалари қўлланганини, улар «илғор лазер билан бошқариладиган тизимларга ёки глобал жойлашишни аниқлаш тизими (GPS)га эга бомбалар» эканини, шунингдек, илғор сенсор технологияси ва сунъий интеллектга таянишини таъкидлаган. Газетага кўра, «юқори аниқликка эга ҳамда радиоэлектрон алоқа ва электрон урушга чидамли ушбу бомбанинг ишлатилиши АҚШ маъмурологиясининг Ғазо секторида (Исройил) урушини давом эттириш сиёсати бўйича реал оғзаки

келишуви билан амалга оширилган. Босқинчи армияси радиоси бундай хабар беради: «Исройл ҳаво кучлари қирғин операцияси чоғида 8та «JDAM» бомбаси ташлаган. Бу 390га яқин фаластилинликнинг ўлими ва жароҳатланишига олиб келган».

**Ал-Ваъй:** Аниқ кўриниб турибдики, ғазога қарши бир эмас, икки уруш олиб борилмоқда: (Исройл) уруши ва Америка уруши. (Исройл) урушида бутун дунё унинг қанчалик жинояткорлигини, барча халқаро ва инсонпарварлик тақиқларини бузаётганини кўрди. Шунингдек, яхудий зоти инсонларнинг энг разили эканига ва нафақат мусулмонлар, балки дунё халқлари уларни инкор қилишига гувоҳ бўлди. Америка ўз урушини сиёсий жиҳатдан ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда фашист яхудий вужуди армиясини энг қирғинбарот қурол-яроғ билан таъминлаш орқали олиб бормоқда. Ҳар икки урушнинг ўз мақсади бор: (Исройл) соф яхудий давлатини истайди. Аммо Америка минтақа тартибини ўз манбаатларига мос шаклда қурмоқчи. Исломнинг сиёсий бошқарувига қарши душманлик қилишда ҳамда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликнинг барпо этилишини олдини олишда иккисининг ҳам тили бир. □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَّيْفَ الْأَرْضِ﴾

«У шундай зотдирки, сизларни ерда халифалар қилиб қўйди»

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَّيْفَ الْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَتٍ لِّيَنْلُوْكُمْ فِي مَا أَئَلَّكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«У шундай зотдирки, сизларни ерда халифалар қилиб қўйди ва ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтарди, албатта, Роббингиз тезда жазолагувчи ва албатта мағфиратли, меҳрибондир»

[Анъом 165]

Ушбу оят ҳақида Шаъровий тафсирида бундай келган:

(ا) (الْخَلِيفَةُ) Халифанинг маъноси бошқанинг ўрнини босувчидир. Бу ўрнини босиш ё маълум бир замонда бўлади ёки маълум бир маконда. Замонда ўрнини босиш унинг даври ва куни олдингининг даври ва кунидан кейин келади маъносидадир. Маконда ўрнини босиш эса бир киши ўтирган бўлади, кейин кетади ва бошқаси келиб, унинг ўрнини эгаллайди. Инсонга нисбатан ҳаётий қоидага назар солсангиз, унинг ёшлик вақтида кучли бўлганига, кейин ёшлик кетиб, ўрнига бошқаси келганига, яъни қариликка қараб кетганига гувоҳ бўласиз. Шунингдек, бир инсон бир жойга эгалик қиласи, кейин уни тарқ этиб, у жойни бошқаси эгаллаганини кўрасиз. Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло Халифалик деганда инсоннинг инсонга ўринбосар бўлишини эмас, балки инсоннинг ерда Роббисига ўринбосар бўлишини ирова қилди. Чунки ҳар бир нарса Аллоҳнинг таъсири остига тушибга, Унга бўйсунишга мажбур. Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло кўп неъматларини ато этиб, баъзи нарсаларни бошқа нарсаларга бўйсунадиган қилиб яратди ва бу Унинг марҳаматидир. Масалан, олов ёқсангиз, у сизга

бўйсунади, ер ҳайдасангиз ва үнга уруғ қадасангиз, сизга бўйсунади, сув ичсангиз қонасиз, есангиз тўясиз. Буларнинг барини қаердан олдингиз?

Сиз буни Ҳақ Таоло борлиқдаги нарсаларни сизга бўйсундириб, сабаб ва мусаббабларни қилиб бергани учун олдингиз. Демак, сиз гўёки иродалар ўринбосарисиз ва шу орқали Аллоҳ Субҳанаҳу Ўзи хоҳлаган ишини қилишини бизга исботлашни истади. Шунинг учун биз бу масалани постулат (исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган қоида) сифатида қабул қилишимиз лозим. Агар буни синааб кўрмоқчи бўлсангиз, ҳар қандай инсонга, ҳатто кофир бўлса ҳам назар солинг: агар у ўрнидан турмоқчи бўлса, аъзои-бадани үнга бўйсунади ва у туради. Хўш, у туриш учун қайси аъзосига буйруқ беради? Буни билмайди, чунки турмоқни истадими-тамом, туриб бўлган бўлади. Токи, сиз буларнинг барчасини ўз маҳоратим туфайли олдим, деб тушуниб қолмаслигингиз учун Аллоҳ Субҳанаҳу ўлим ва тириклик каби баъзи ишларни умумий ва универсал қилиб яратди. Бу икки ишда инглиз, француз ва араб ўртасида фарқ йўқ. Кулиш ва йиғлаш ҳам шундай. Инглизнинг кулиши билан коммунистнинг ёки капиталистнинг кулиши ўртасида фарқ кўрганмисиз? Йўқ албатта. Ҳаммаси кулги, бу глобал луғат. Шунинг учун Аллоҳ Таоло:

﴿وَأَنَّهُ هُوَ أَصْحَاحُ وَأَبْكَى﴾

**«Албатта кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг Ўзидир»**

[Нажм 43]

деди. Аллоҳ Субҳанаҳу ҳамма инсонда бор муштарак нарсани келтириб берди, масалан, сиз ўзингиз хоҳлаган сурат ва услугда гапирасиз ва ҳаракат қиласиз, лекин кулсангиз сизни У Зот кулдиради. Агар сиз кимнидир кўнглини олиш учун кулсангиз, кулгингиз сохта бўлганидан ҳайрон қоласиз. Ҳақ Таоло буни тушунтироқда: Борлиқнинг тизгини менинг қўлимда, одамларни бир нарсада ихтиёрли қилсам, бошқа нарсада барчаларини улар истамасалар ҳам мажбурий қилиб қўйдим. Бас, Ўзим уларни кулдираман, Ўзим йиғлатаман. Шунингдек, инглизча йиғи ёки французча йиғи ёхуд немисча йиғи йўқ. Инсон зотининг ҳаммаси бу ишларда баробар-муштаракдир.

﴿وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلِيفَ الْأَرْضِ﴾

**(У шундай зотдирки, сизларни ерда халифалар қилиб қўйди).** Эй инсон, сенинг ўз бўлагинга ва аъзоларинга бўлган истагинг инъом қилувчи, истаганини қилувчи Олий Зотдан сенга берилган иқтидордир. У айни иқтидорни баъзилардан олиб қўяди, яъни мияга бўйруқ бериб – сен фалон аъзога сигнал бер, дейди, мия бўйсуниб сигнал беради, оқибатда ўша аъзо фалаж бўлади. Агар иш инсоннинг моҳирлигида бўлсайди, бу фалажлигига қарши кураша оларди. Демак, сизлар ерда халифаларсиз, сизга нарсалар Аллоҳ бўйсунишини истаганча миқдорда бўйсунади. Бас, агар бўйсунишни олиб қўйса, сизга шуни исботламоқчики, нарсаларни ўз куч-қудратингиз билан бўйсундира олмайсиз. Балки бу Унинг қўлида, истаса мутлақ ўринбосарликни беради, истаса уни чеклаб қўяди.

﴿وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ﴾

**(Айримларингизни айримларингиздан ... кўтарди).**

Ўринбосарлик масаласидан кўриниб түрибдики, биз бир-биримиз билан бир хил ва ўхшаш эмасмиз. Аллоҳ Таоло иқтидор ва камолотда бир-биримизни тўлдиришимизни истади. Чунки инсонлар иқтидорда бир хил бўлсалар ҳаёт бузилиши турган гап. Шунинг учун иқтидорларимиз фарқли, чунки ҳаётнинг талаблари хилма-хил. Мисол учун, агар барчамиз шифокор бўлсак, ҳеч тўғри келмайди. Агар барчамиз қози бўлсак, шунингдек, ҳаммамиз муҳандис ёки ҳаммамиз деҳқон ва ҳоказо бир хил ишда бўлсак, ҳаёт бузилади. Демак, Аллоҳ Субҳанаҳунийнг

﴿وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ﴾

**(Айримларингизни айримларингиздан юқори даражага кўтарди)** деган каломидаги истаги рўёбга чиқиши керак. Яъни баъзилар кўтарилиди, баъзилар эса кўтариilmай қолди. Хўш, кўтарилганлар киму кўтариilmай қолганлар ким? Гап шундаки, сизлардан ҳар бирингиз иқтидори бор соҳада кўтарилган, иқтидори йўқ соҳаларда эса кўтарилмаган бўлади. Чунки Аллоҳ Таоло маҳлуқлар ҳамкорлик қилишини истайди, ҳамкорлик эса афзалликдан эмас, балки эҳтиёждан келиб чиқади. Шу боис коинотдаги манфаатларни идора қилиш зарурдир. Бу олий, яратувчи Зотning ҳандасаси (инженерлиги)дир. Сиз бўнинг

мисолини ўзингиз билан ўрта мактаб таълимига киргандарнинг жадвалини түзишда күришингиз мүмкін. Кимдир ўрта таълимни тамомлады, яна кимдир ўқишида давом этиб, олий таълимга тайёргарлик босқичига ўтади, сиз уларнинг озроқ эканини күрасиз. Олий ўқув юртида ўқиганлари янада озроқ эканини, докторликни ёқлаганлари ҳаммасидан озчилик эканини гувоҳи бўласиз.

Шу тариқа, биз баъзиларнинг ўқишдан чиқиб кетаётганини кўрамиз. Чунки кўп касб-ҳунарлар борки, улар учун фақат ўрта мактаб таълими атtestати ёки фақат иккинчи босқич таълими дипломи етарли. Агар ўқувчиларнинг ҳар бири олий таълимгача ўқийдиган бўлса, ушбу касб-ҳунарлар билан шуғулланадиган бирор кишини тополмай қоламиз. Шунинг учун Аллоҳ Таоло коинотдаги ҳамкорликни афзаллик эмас, балки эҳтиёж қилиб қўйди. Яхшилаб эътибор беринг, агар инсоннинг қорнини ёки фарзандлари қорнини очлик талайдиган бўлса, у ҳар қандай ишда ишлашга рози бўлади. Агар у жойлашган ишда Аллоҳнинг тақдирига рози бўлса ва бошқа ишга кўз тикмаса, шу ишнинг устасига айланади, шу ишда юқори даражага кўтарилади, Аллоҳ унга ҳалол покиза ризқ ато этади. Шунинг учун имом Али: «Кишининг қадр-қиммати унинг нимани яхши қилишидадир. Агар инсон ишини яхши қилса, демак у борлиқдаги муваффақиятли инсонdir», деганлар.

Шундай қилиб, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло бизни бир хил шахслар қилмади, балки бир-биrimizdan афзал, тафовутли қилиб, биrimizни бошқамиздан баланд даражага кўтарди ва ҳар биrimiz яхши қилган ишимизда баландмиз, яхши қилолмаганимизда биздан баландлар бор. Токи, ҳар биrimizning яхши қилолмаган ишимизда унга шу ишни қилиб берадиган кишига эҳтиёжи бўлсин. Шу билан, олам афзаллик эмас, манфаат ва эҳтиёжга кўра боғлангандир.

﴿وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضِهِ لِيُنْلُوْكُمْ فِي مَا عَاهَدْتُمْ﴾

*(Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтарди).* Гёё бу кўтариш бандага мажбурият илмини ўргатиш учун Аллоҳ ато этган иқтидорларда уларни синашга ўхшайди. Ҳақ Субҳанаҳу банда қиладиган ҳар бир

ишни азалдан билади. Аммо банда қиладиган ишга содиқ бўлиши учун ишни бажариш имкониятини унинг ўзига қолдиради. Токи, бу бандага қарши ҳужжат бўлсин. Аллоҳнинг ﴿فَإِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَلَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ сизларни имтиҳон қилиш учун деганидан мурод сизга хабар бериш учун эмас, балки ўзингизга қарши иқрор бўлишингиз учун имтиҳон қиласи, демакдир.

﴿إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَلَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

*(Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун ... албатта, Роббингиз тезда жазолагувчи ва албатта мағфиратли, меҳрибондир).*

Аллоҳ Субҳанаҳу (سریع العقاب) тез жазоловчидир. Бас охиратни узоқ деб ўйламанг. Чунки ўлим яқин ва ортидан савоб ва жазо келади.

Ўлим сабаб эмас, чунки ҳар бир инсон ўлимга дуч келади. Шу билан унинг қиёмати қоим бўлади. Агар инсоннинг қиёмати қоим бўлса, тамом, ҳеч бир ишни қилолмай қолади. Демак Аллоҳ Субҳанаҳу тез жазоловчидир. Бироқ баъзилар Аллоҳнинг ҳалимлиги билан алданиб, охиратни узоқ деб ўйлайди. Шунинг учун орифлардан бири айтади: «Шукринг сенга берган неъматлари ҳеч тугамайдиган Зотга бўлсин, тоатинг сен асло беҳожат бўлмайдиган Зотга бўлсин, бўйсунишинг сен мулки ва салтанатидан ташқарига чиқмайдиган Зотга бўлсин». Демак, Ҳақ Таолонинг ҳар бир сифати асорати бандада – унга берилган неъматда – намоён бўлади, бу Аллоҳнинг унга совғасидир. Сиз тўхтамоқчи бўлсангиз, масалан, тўхташ учун қайси мушакларни ишга солиш кераклигини билмайсиз, аммо тўхташни исташ биланоқ тўхтайсиз. Бу – Аллоҳнинг бир нарсани бўл дейиш биланоқ бўлдирадиган истак-иродасининг кўринишидир. Модомики, ўринбосар эканмиз, қайталанишимиз эмас, такомиллашишимиз лозим. Шу маънодаки, ҳар бир кишига бир соҳада бошқасидан кўра кўпроқ иқтидор берилган, бошқасига эса бошқа соҳада кўпроқ иқтидор берилган. Токи, ер юзидаги ҳар бир маҳлук бошқаси билан ҳамкорлик қилсин - ўзаро ёрдамлашсин. Шу орқали у бундаги иқтидор самарасини терсин ва ўзи бунга ўз иқтидори самарасини ато этсин. Ҳақ Таоло биздан иқтидорлар самарасини мурувват қилиб беришимизни эмас, балки уларни эҳтиёжга (заруратга) айлантиришни хоҳлайди. Чунки сиз

үзингизда иқтидор бўлмаган соҳада бошқанинг иқтидорига, яъни бошқага мұхтожсиз ва у ҳам сизнинг қайсиdir ишингизга мұхтож.

Аллоҳ Таборака ва Таоло бизни шу суратда халифа-үринbosар қилганида зоҳирда биримиз бошқамиздан баланд бўлади. Шунинг учун Аллоҳ бизга буни қўйидагича изоҳлаб беради: Мен бирингизни бирингиздан афзал қилдим, бироқ Мен бир тоифа қўйи бўлиши учун бошқасини афзал қилмадим, балки ҳар бири бирор нарсада – шу нарсада үнга иқтидор берилгани учун – афзалдир, иқтидори йўқ бўлган бошқа соҳада эса үндан кўра афзали бор. Шу тариқа ҳамма инсонлар teng бўлади.

Биз барчамиз Аллоҳнинг қарамоғидамиз. Ҳеч биримиз Аллоҳга бошқамиздан кўра ҳақлироқ эмасмиз. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳунинг жуфти ҳам, фарзанди ҳам йўқ. Шунинг учун агар инсониятдаги иқтидорларни ҳисоблаб, сўнг ularни барча ҳалққа тақсимласак, барча инсонлардаги иқтидорлар йиғиндиси бир хил бўлиб чиқади (яъни бир инсонда бир иқтидор етишмаса, бошқасида аввалги инсонда бор иқтидор етишмайди). Аммо сиз бирор иқтидорда устун бўлсангиз, бошқа бир иқтидор сизда йўқ ва учинчи бир иқтидор сизда бўлиши мумкин, аммо уни ўзингиз ёқтирумайсиз. Агар барча инсонларнинг иқтидор борасидаги даражаларини таққослаб кўрсангиз, ҳар бир инсон бошқасига teng эканини, инсонлар бир-биридан фақат тақвода афзал эканини топасиз.

(وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلِيفَ الْأَرْضِ وَرَأَتَهُ بَعْضُكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لَّيْلَوْكُمْ فِي مَا عَاهَنَكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ وَلَغُورٌ رَّحِيمٌ)

(У шундай зотдирки, сизларни ерда халифалар қилиб қўйди ва йзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтарди, албатта, Роббингиз тезда жазолагувчи ва албатта мағфиратли, меҳрибондир).

Шундай экан, ҳар биримиз мен юқориман, дейиши мумкин, аммо мағурланиб-алданиб кетмасин. Чунки үндан юқори ҳам бор. Тенглик шу томондан бўлади. Бирор даражада юқорилигингиз ғурур эмас ва бирор даражада паст эканингиз

хорлик әмас. Чүнки бу Аллоҳнинг иродаси. Бу Аллоҳнинг үнга истаганидир.

Ким Аллоҳнинг йўз махлукотларига тақсимлаган иқтидорларини ҳурмат қилса, Аллоҳ үнга ўша иқтидорларнинг энг яхшисини беради. Шу боис бир иқтидор соҳиби ҳеч қачон мумтоз-устун бўлмайди. Бироқ бу ишда ҳамма ҳам муваффақият қозонавермайди. Чүнки тўкилиб қоладиган кимсалар бор. Баъзилар бирорнинг ўзидан бой эканини, ўзи камбағал эканини кўради-да, уни кўролмай, ҳасад қиласди. Биз үнга бундай деймиз: сен ўзингдаги куч-қувватга қараб кўр, ундан кучли бўлишинг мумкин ва кўп ишларда ундан баҳтли бўлишинг мумкин.

Сиз Аллоҳ ўзингизга берган иқтидорга ҳам, бошқага берган иқтидорга ҳам қараб кўринг. Ҳар бир инсондаги иқтидорлар йиғиндиси бир-бириникига тенгдир. Ким ушбу ўлчовда муваффақият қозонса, Аллоҳдан ажр-савобга эга бўлади ва Аллоҳ унинг баъзи гуноҳларидан ўтиб, кечириб юборади.

Ким Аллоҳнинг махлукотларига берган ўлчовини ҳурмат қилмаса, Аллоҳ уни жазолайди. Шунинг учун Аллоҳ буни: Мен сизларни синайман ва имтиҳон қиласман, ким муваффақият қозонса мағфират ва раҳматга сазовор бўлади, ким муваффақият қозонолмаса жазоланади, Менинг жазойимни узоқ деб ўйламанглар. Чүнки инсон билан жазо ўртасида ўлим бор, холос, дея изоҳламоқда. Ўлимнинг маълум сабаби йўқ. Чүнки инсон қўққисдан ўлиб, жазоси бошланиши мумкин:

﴿إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

*(Албатта, Роббингиз тезда жазолагувчи ва албатта мағфиратли, меҳрибондир).*

Шу билан Анъом сураси тугади, Аллоҳ Таоло уни ﷺ деб бошлади ва ﴿وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ деб тамомлади. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин. □

## **РОБИЪ ИБН ЗИЁД ҲОРИСИЙ**

**«Халифа бўлганимдан бери ҳеч ким менга  
Робиъ ибн Зиёдчалик рост сўзни айтган эмас»**

(Умар ибн Хаттоб)

Росууллоҳ  нинг шаҳри (Мадина) Сиддиқдан айрилиқ доғини унутмай туриб, шаҳарлардан ҳар куни вакиллар келишни бошлади. Улар Умар ибн Хаттобга хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, (оғир кунларида ҳам, енгил кунларида ҳам) қулоқ солиб итоат этишга байъат бериш учун келарди. Шундай кунларнинг бирида эрталаб мўминлар амири олдига бошқа вакиллар билан бирга Баҳрайн вакиллари ҳам келди.

Форук  ўз олдига келган вакилларнинг сўзларини эшитишга жуда ҳарис эди, уларнинг гапларидан етук ваъз ёки фойдали фикр топиш илинжида бўларди. Ҳозир бўлганилардан бир нечтасига сўз берди, лекин улар арзирли бирор нарса айтмадилар. Шунда яхшилик аломати кўринган бир кишига қаради ва ўзига имлаб, «ичингиздагини чиқаринг», деди. У сўзини Аллоҳга ҳамду сано билан бошлади ва «эй мўминлар амири, сиз Аллоҳ Азза ва Жалла томонидан синовдан ўтишингиз учунгина бу Уммат ишига волий қилиндингиз. Бас, бу ишингизда Аллоҳдан қўрқинг, билингки, Фурот қирғоқларида битта қўй адашиб қолса ҳам қиёмат куни сиз у ҳақида сўраласиз», деди.

Умар қаттиқ ҳўнграб йиғлаб юборди ва «халифа бўлганимдан бери ҳеч ким менга сиздек рост сўзни айтган эмас, сиз кимсиз?», деди. У «Робиъ ибн Зиёд Ҳорисийман», деди. «Муҳожир ибн Зиёднинг укасимисиз?» деб сўраган эди, «ҳа» деди. Мажлис тугагач, Умар ибн Хаттоб Абу Мусо Ашъарий  чақирди ва «Робиъ ибн Зиёднинг ишини текшириб чиқинг. Агар у ростгўй бўлса, ундан кўп яхшиликлар келади ва бу ишимизда ёрдами тегади. Уни ишлатинг-да, менга у ҳақда ёзиб юборинг», деди.

Ўша кундан кўп ўтмай, Абу Мусо Ашъарий халифанинг амрига биноан Аҳвоз заминидаги «Манозир»ни фатҳ қилиш учун қўшин тайёрлади ва қўшинга Робиъ ибн Зиёд билан акасини қўшди. Абу Мусо Ашъарий «Манозир»ни қамал қилди ва унинг аҳолисига қарши камдан-кам учрайдиган шиддатли жанглар олиб борди. Мушриклар ҳеч кимнинг хаёлига келмаган қаттиқ сабр ва кучли матонат кўрсатишиди.

Мусулмонлар орасида ҳалок бўлганлар жуда қўпайиб, кутилганидан ортиб кетди. Робиъ ибн Зиёднинг акаси Муҳожир мусулмонлар ҳалок бўлганларнинг қўпайиб кетганини кўргач, ўз жонини Аллоҳ ризоси йўлида сотишга қарор қилди ва баданига мумиё суртди ҳамда кафан кийиб, укасига васият қилди... Робиъ Абу Мусога бориб, «Муҳожир рўзадор ҳолда ўз жонини сотишга азм қилди, мусулмонларга уруш оғирлиги ва рўза машаққати тенг келиб ҳолдан тойдирди, улар рўзани очиб юборишдан ҳам бош тортмоқдалар, бирор нарса қилинг», деди.

Абу Мусо Ашъарий ўрнидан турди ва қўшинга «эй мусулмонлар, мен ҳар бир рўзадор ё оғзини очади ёки жангни бас қиласди дея қасам ичдим», деди. Сўнг ёнидаги кўзадан сув олиб иди, токи одамлар унинг ортидан оғизларини очсинлар. Муҳожир бу гапни эшишиб, бир ҳўплам сув иди ва «Аллоҳга қасамки, чанқаганимдан ичмадим, балки амиримнинг қасамини оқладим (амиримнинг қасамини бажардим), холос», деди. Сўнг қилич яланғочлаб, сафни ёриб кирди, мутлақо қўрқув билмаган ҳолда одамларни ер тишлатди. У душман аскарлари орасига янада қўпроқ кириб кетди ва душман унинг чор-атрофини ўраб олди, олдидан ҳам, ортидан ҳам бири қўйиб бири қилич солишди ва ниҳоят Муҳожир ерга йиқилиб жон берди...

Кейин мушриклар Муҳожирнинг бошини кесиб, жанггоҳнинг тепалигига ўрнатиб қўйишиди. Робиъ акасини кўриб, «Сизга Тубо жаннати ва гўзал оқибат бўлсин! Аллоҳга қасамки, сиз учун ва бошқа ҳалок бўлган мусулмонлар учун албатта интиқом оламан, инша Аллоҳ», деди. Абу Мусо Робиънинг акаси учун қайғурганини кўриб, ичida Аллоҳнинг душманларига қарши ғазаб авжига чиққанини англағач, қўшин қўмондонлигини унга қолдириб, ўзи «Сус»ни фатҳ қилгани кетди.

Робиъ қўшинлари билан мушрикларга довулдек ёпирилдилар, қалъалари устига худди селда оқиб келган харсанг тошлар каби ёғилиб, сафларини буздилар, қудратларини синдириб, бутунлай ҳолдан тойдирдилар. Аллоҳ Таоло Робиъ ибн Зиёдга Манозирни куч билан фатҳ қилишга мұяссар айлади... Шу тариқа, душман жангчиларини ўлдирди, аҳолисини асирга олди, Аллоҳ истаганча катта ўлжани қўлга киритди.

Манозир жанги ортидан Робиъ ибн Зиёднинг юлдузи порлади, номи тилларда достон бўлиб, ҳамма ҳавас қиласидиган ва буюк ишлари сабабли одамлар унга умид боғлайдиган таниқли қўмондонлардан бирига айланди. Мусулмонлар Сижистонни фатҳ этишга қарор қиласидиганда, қўшинни унга топширдилар ва унинг қўлидан келажак нусратдан умид қилдилар.

Робиъ ибн Зиёд ўзининг Аллоҳ йўлидаги ғозий қўшини билан узунлиги 75 фарсах бўлган ва кесиб ўтишга саҳро йиртқичлари ҳам ожизлик қиласидиган саҳро орқали Сижистонга ўтдилар. У биринчи бўлиб «Рустоқ Золиқ»قا (Сижистондаги катта мустаҳкам шаҳар) дуч келди. Рустоқ ҳашаматли қасрлар билан обод, баланд қалъалар билан ўралган, бойликларга тўла, мевазорларга бой шаҳар эди.

Зукко қўмондон «Рустоқ Золиқ»قا етиб боришдан олдин унга айғоқчиларини жўнатди ва унинг халқи яқинда ўз байрамлари учун тўпланишини билиб олди ва ўша вақтни кутди. Авжи тунда байрам қилиб ғафлатда тургандаридан устларига бостириб, душманни қиличдан ўтказди ва юртларини куч билан босиб олди. Асиirlар сони 20 мингга етди, Сижистон раҳбари ҳам унга асир тушди. Асиirlар орасида раҳбарнинг бир қули ҳам бор эди, уни ўз хўжайинига олиб бориш учун уч минг тўплаганини кўрдилар. Робиъ ундан «бу моллар қаердан келди?» деб сўраганди, «қишлоқларнинг биридан хожам», деди. «Битта қишлоқнинг ўзи унга йилига шунча мол берадими?!», деб сўраганди, «ҳа» деди. «Қандай қилиб?!!!», деб сўради. «Болталаримиз, ўроқларимиз ва тўккан терларимиз билан», деб жавоб берди.

Жанг тугагандан сўнг Сижистон раҳбари Робиъ олдига келиб, унга ўзи ва оиласини қутқариб олиш учун фидя таклиф этди. «Агар фидяни кўп тўласанг, қўйиб юборамиз» деди. «Қанчада истайсиз?», деб сўраганди, Робиъ айтди: «мана бу найзани ерга санчаман ва шу найзани кўмгунга қадар устидан олтину кумуш қуясан» деди. «Розиман», деди ва хазинасидаги олтину кумуш бойликларни олиб чиқиб, найзани кўмгунга қадар устидан қўйди...

Робиъ ибн Зиёд ўзининг музaffer қўшини билан Сижистон тупроғига кириб борди. Сижистон қалъалари худди кузги шамолда дараҳт хазонлари тўкилгани каби унинг тулпори

оёқлари остига биттама-битта тўкила бошлади. Забт этилган шаҳару қишлоқ халқлари бошларига қилич тиралмасидан олдин омонлик тилаб, Робиъни тиз чўкиб қарши оладиган бўлди. Робиъ Сижистон пойтахти Заранжга етиб борганида, душман урушга тайёргарлик кўрган, уларнинг отрядлари билан тўқнашиш учун қўшин бўлинмаларини тайёрлаган ва уларни тартибга солган, қўшимча кучларни чақирган, қанча қимматга тушмасин пойтахтни мудофаа қилишга ва унинг бостириб киришини тўхтатишга аҳд қилган эди. Робиъ билан душманлари ўртасида шиддатли уруш олови алангаланди, икки томон ҳам мақсадига етиш учун қурбонларини аямади. Ғалаба мусулмонлар томонда бўлишининг илк аломатлари кўриниши билан душманинг Парвез исмли мирзабони (мирзабон форс тилида қавм бошлиғи дегани) Робиъ билан сулҳ тузишни ўйлади. Ўзида ҳамон куч қолдиқлари борлиги сабабли ўзи ва қавми учун яхшироқ шартлар қўйиш илинжида Робиъ ибн Зиёдга элчи жўнатиб, сулҳ учун музокара ўтказадиган вақтни белгилашини сўради, Робиъ унинг таклифини қабул қилди.

Робиъ одамларига Парвезни қаршилаш учун жой тайёрлашни буюрди. Музокара мажлиси атрофига форс аскарлари жасадларидан ғарам қилишни, улардан бир қисмини Парвез юриб ўтадиган йўлнинг икки томонига тартибсиз ташлаб қўйишни тайинлади. Робиъ узун бўйли, елкалари кенг, қорачадан келган, жуссаси катта бўлиб, кўрган одамнинг қалбига қўрқув соларди. Парвез Робиънинг олдига кирганда уни кўриб ва ҳар ёнда ётган аскарлари жасадларига қараб, қўрқинчдан этлари жимиirlади, оёқлари қалтираб, юраги орқага тортиб кетди, Робиънинг олдига бориб қўл бериб кўришишга журъат қилолмади. У билан узоқда туриб, қалтироқ ва алжираған овоз билан музокара қилди. Робиъга мингта ёш йигит, ҳар бир йигит бошида бир жом олтин беришни таклиф қилди. Робиъ рози бўлди ва Парвез билан айни шартга келишишди. Эртасига Робиъ Мадинага ўша йигитлар қуршовида, мусулмонларнинг таҳлил ва такбирлари садоси остида кириб келди ва бу Аллоҳнинг унутилмас кунларидан бири бўлиб қолди.

Робиъ ибн Зиёд мусулмонлар қўлидаги Аллоҳнинг душманларига қарши ҳужум қиладиган қиличга айланди, у мусулмонлар учун шаҳарларни фатҳ қилди, вилоятларга

волийлар тайинлади. Нихоят бошқарув Бану Умайяга ўтиб, Муовия ибн Абу Сүфён Робиъни Хурасонга волий қилиб тайинлади... Бироқ Робиънинг волийликка кўнгли тўлмади. Айниқса, Бану Умайянинг катта волийларидан бири Зиёд ибн Абиҳдан мактуб олганда Робиъ хафалиги ортиб, волийликдан баттар нафраланди. Мактубда «мўминлар амири Муовия ибн Абу Сүфён сенга уруш ўлжаларидан олтину кумушларни мусулмонларнинг Байтулмоли учун сақлаб қўйишингни, булардан бошқасини мўжоҳидларга бўлишиб беришингни амр этмоқда», дейилган эди. Робиъ унга «Мен Аллоҳ Азза ва Жалланинг Китоби сен мўминлар амирининг тилидан ёзганингдан бошқа нарсага буюрганини биламан», деб жавоб жўнатди. Кейин одамларга хитоб қилиб, эрталаб ўлжаларингизни олинг, деди ва унинг бешдан бирини Дамашқдаги Халифалик саройига юборди (Қуръони Каримда уруш ўлжаларидан бешдан бири Байтулмолга топширилиши, қолган бешдан тўрт қисми жангчиларга тақсимланиши айтилган)...

Мактуб етиб боргандан кейинги жума куни Робиъ ибн Зиёд намозга оқ либосда чиқди ва одамларга жума хутбасини ўқиди. Хутбадан сўнг уларга «эй инсонлар, мен бу ҳаётдан зерикдим, мен дуо қиласман сиз омин деб туринг», деди. Кейин «Аллоҳим, агар менга яхшиликни ирода қилган бўлсанг, кечиктирмай тезроқ жонимни Ўзингга ол», дея дуо қилди, одамлар дуосига омин дедилар. Ўша куни қуёш ботмасидан олдин Робиъ Роббиси ҳузурига кетди. □

## ЭРДОГАН: БИЗ АСАД БИЛАН УЧРАШУВ ТАШКИЛ ҚИЛЯПМИЗ ВА ТАРИХИЙ ЧАҚИРУВИМИЗ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТЯПМИЗ

Анадолу агентлиги хабарига кўра, Эрдоган Вашингтондаги НАТО саммитида иштирок этиб қайтиши чоғида самолёт бортида журналистлар саволларига жавоб берди. Сурия президенти Башар Асад билан учрашувига оид саволга жавоб берар экан, Эрдоган «Туркия ташқи ишлар вазири Ҳакан Фидан ҳозирда ҳамкаслари билан суҳбатлашиб йўл харитаси тузмоқда. Биз шунга қараб керакли чораларни қўрамиз, инша Аллоҳ», деди. Кейин қўйидагиларни таъкидлади: «Биз Суриядаги адолатли тинчлик ўрнатиш мумкинлигига ишонамиз. Ҳар доим биз Сурия ҳудуди яхлитлиги бизнинг ҳам манфаатларимиз эканини билдириб келдик...», «Суриядаги адолатли тинчлик ўрнатилишидан энг кўп манфаатдор Туркиядир...», «Қўшма штатлар ва Эрон бу ижобий ўзғаришлардан мамнун бўлишлари ҳамда Суриядаги машаққатларни тугатиш жараёнини қўллаб-қувватлашлари керак...», «Туркия қўшниси Суриядаги давом этаётган ёнғинни ўчириш учун йиллар давомида ўз саъи-ҳаракатларини сарфлади, Суриядаги янги ва ягона келажак қуриш имконини берадиган муҳит ҳеч кимни безовта қилмаслиги биз интилаётган энг муҳим нарсадир», «Бунинг муқобилида террорчи ташкилотлар ушбу йўлни заҳарлаш учун қўлларидан келганини қилишлари, провокациялар ва ўйинлар режалаштириши турган гап. Бироқ биз буларнинг барчасини яхши тушунамиз ва бунга қарши туришга тайёрмиз...», «Биз Суриядаги тинчлик бўлишини истаймиз ва тинчликни қўллаб-қувватловчи барчанинг бу тарихий чақириғимизни қўллаб-қувватлашларини истаймиз». Президент Ражаб Тоййиб Эрдоган ўз мамлакати Сурия президенти Башар Асадга муносаб тарзда жавоб бериш учун унинг муносабатларни яхшилаш сари қадам ташлашини кутаётганини таъкидлаган экди. «Биз ўтмишда Сурия билан душман эмас экдик, Асад билан оиласиб учрашувлар ўтказганимиз ва яна шунга чақирамиз», деди. Унинг айтишича, Россия президенти Владимир Путин Эрдоган билан Асад учрашувига хайриҳоҳ, шунингдек, айни хайриҳоҳлик Ироқ бош вазири Мұхаммад Шия Суданийда ҳам бор. «Бу ерда биз воситачилик ҳақида гапирияпмиз. Нега буни қўшнимиз билан қилмаслигимиз керак», деба қўшимча қилди. Кейин «Биз Асадга айни чақириғимизни юборамиз ва бу ҳар қандай вақтда бўлиши мумкин. Умид қиламизки, Туркия-Сурия муносабатлари ўтмишдагидек қайта тикланади», деди.

**Ал-Ваъй:** Эрдоган Суриядаги ва ўзи рол ўйнаётган бошقا барча жойлардаги мусулмонлар учун энг хатарли маккор ва ёлғончи ҳукмдордир. Бу ерда Эрдоган ўзининг Сурия ишига аралашиши Ислом учун ҳам, мусулмонлар учун ҳам фойдали бўлмаганини, муҳожирларни кутиб олган ансорийлик ҳам қилмаганини, аксинча, Эрдоган Суриядаги қўзғолони АҚШ манбаати учун бўғизлашга ҳаракат қилган давлат ролини ўйнаганини ва ҳамон ўйнаётганини ўзи фош қилмоқда. Турк режими позициясини ўрганган киши унинг мусулмонларга қилинаётган тил бириктирувнинг қоқ марказида тураётганини очиқ англаб етади. Эрдоган шундай қилмишлар содир этдики, бу Асад режимининг Ҳалаб, Фута ва бошқа ерларга киришига ёрдам бўлди. У Эрон ва Россия билан у ердаги мусулмонларга қарши тил бириктиримоқда. Сурия режимига нисбатан эса, бу кимса уялмасдан «Ўтмишда Сурия билан душман эмаслигини, Асад билан оиласиб учрашувлар ўтказганини ва уни яна чақирмоқчилигини», айтятпи, «Умид қиламизки, Туркия-Сурия муносабатлари ўтмишдагидек қайта тикланади», деялти. Ахир, Эрдоган талаб қилаётган адолатли тинчлик Аллоҳни рози қиласиган бўлиши керакми ёки унинг ўзи айтганидек, АҚШ ва Эрон бу ижобий ўзғаришлардан мамнун бўлиши ва Суриядаги машаққатларни тугатиш жараёнини қўллаб-қувватлаши керакми?! □

ЎЛДИРИШ ТАҲДИДЛАРИ ВА ҲАҚОРАТЛАР...  
ФРАНЦИЯ ОЛИМПИАДАНИНГ «ОЧИЛИШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ» ДУЧ КЕЛАЁТГАН  
МАСАЛА ЮЗАСИДАН ТЕРГОВ БОШЛАДИ

Франция пойтахти прокуратурасининг «Le Parisien» газетаси берган маълумотларни тасдиқлаб маълум қилишича, Париж олимпиадасининг очилиш маросими ташкилотчилари ўлим таҳдидига учрашгани ҳақида шикоят йўллашганидан сўнг тергов бошланган. 26 июл куни Сена дарёсида бўлиб ўтган бу тадбир бутун дунё бўйлаб диний ташкилотлар етакчилари ва консерватив сиёсий амалдорлар танқидига учрагани айтилади. Очилиш маросимини ташкил қилишда иштирок этган бошқа тарафлар томонидан ўлим таҳдиди бўйича йўлланган бошқа шикоятлар ҳам бор. Прокуратура берган маълумотларга кўра, маросимнинг бадийи раҳбари ўз шикоятида «ижтимоий тармоқларда унинг жинсий ориентацияси ва хотўғри тахмин қилинган (исроиллик) келиб чиқишини танқид қилувчи таҳдидли хабарлар ва ҳақоратлар нишонига айлангани»ни билдирган. Париж прокуратураси, шунингдек, француз диджей Барбара Бутч тақдим этган шикоят юзасидан ҳам тергов бошлади. Барбара олимпиада йўйинларининг очилиш тантанасида дрэг артистлар (аёллар либоси билан чиқадиган эркак артистлар) билан бирга намойиш этган чиқиши сабабли интернет тармоғида тазиқлар, қаттиқ таҳқирловлар ва ўлдириш таҳдидлари остида қолганини даъво қилган. Хотин-қизлар фаоли ва лесбиянка бўлган бу Барбара Бутч «Байрам» номли танқидли саҳна кўриниши тақдим этган. Баъзиларнинг айтишича, у бир неча киши билан бир стол атрофида Исо ва унинг ҳаворийлари тўплланган сўнгги кечани масхара қилган кўринишда ўтиришган. Бутч якшанба куни эрталаб «France Inter» радиосига «мен барча тилларда дўзахда куйишимга чақирган кўплаб зўравонлик хабарлари, свастика ва зўравонлик мактублари олдим» деди. Шунингдек, Никки Долл ҳам собиқ британиялик актёр Лоуренс Фокснинг қаттиқ танқидига учраган. Лоуренс «Х» платформасидаги аккаунтида мазкур саҳна кўринишида иштирок этган кимсаларни «бузуқ ёш болалар»га ўхшатди. Очилиш маросими дунёнинг турли диний ва сиёсий доиралари томонидан ҳам танқидга учради. Ватикан «Париждаги олимпиада йўйинларининг очилиш маросимидағи саҳна ижроларидан қайғуда» эканини билдириди. Собиқ АҚШ президенти Дональд Трамп «Мен бу ижродан мамнунман. Бироқ менимча, улар қилган иш ҳақорат бўлди», деди. Туркия президенти Эрдоган бу тантанани «насронийлар оламига нисбатан ахлоқсизлик», дея баҳолади. Француз епископлари «афсуски, насронийларни масхара қилиб, кулиш саҳналари мавжуд бўлган» тантананинг баъзи қисмларида «бўрттириш ва провокация» қилинганини қоралади.

**Ал-Ваъй:** Гомосексуалликка ва лесбиянкалликка бўлаётган тарғиб энг разил тарғибидир. Унинг ортида глобал нуфузга эга ҳалқаро яширин ёвуз куч турибди. Бундай шайтоний тарғиботни ёйиш учун ўз нуфузи ва ёвуслигидан фойдаланаётган ва БМТ қарорлари орқали ҳимоялананаётган бу кучнинг мақсади дунёни бузиш ҳамда дунёдаги динларни бекор қилиб, ўрнига янги дин яратиш. Бу ерда эътиборга молик жиҳати шундаки, маросимнинг бадийи раҳбари жинсий ориентацияси ва (исроиллик) келиб чиқишида айбламоқда. Яна бир дикқатни жалб қиладиган жиҳати, ғарб насроний динини масхара қилинишини фикр эркинлиги ёки шахс эркинлиги деб ҳисобламади. Ҳолбуки, Росууллоҳ ғони таҳқирлаш ёхуд Қуръонни ёқиш каби Ислом ва мусулмонларнинг масхара қилинишини фикр эркинлиги ёки шахс эркинлиги деб даъво қилишга шошилар эди. Шуни таъқидлаш лозимки, бу ҳодисани мусулмонлар ўзларини ҳам таҳқирлаш деб биладилар. Чунки сайдидимиз Исо ғони таҳқирлаш Исломни таҳқирлашдир. Ўша дастурхон Қуръонда зикр қилинган. Ҳақиқатда, бутун дунё ҳақиқий ўзгаришга, айниқса, Исломга жуда муҳтож бўлиб қолди ва бунинг калити Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этишдир. □